

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ:
ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ
ЁНДАШУВЛАР”**

**модули бўйича
Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7-декабридаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ЎзМУ, тарих фанлари доктори, профессор
Н.У. Мусаев

Такризчи: ЎзМУ, тарих фанлари доктори, профессор
Х.Э.Юнусова

ЎзМУ, тарих фанлари доктори, профессор
Ў.М.Мавлонов

Ўқув -услубий мажмуа ЎзМУ кенгашининг 2020 йил _____ даги ____-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	9
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	13
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР	84
V. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	92
VI. ГЛОССАРИЙ.....	94
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	99

I. ИШЧИ ДАСТУР

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

Модулининг мақсади: Модулнинг мақсади – “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” фани тўғрисида тингловчига замонавий босқичга оид чуқур тарихий билимлар, янги илмий қарашлар ва назариялар ҳақида ахборот бериш, шунингдек, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш, мазкур фан ҳақидаги тингловчилар билимларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва амалда қўллаш, кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат.

Модулнинг вазифалари:

- Тингловчиларга давлатчилик ва бошқарув тарихи масалалари бўйича илғор таълим инновациялар, концептуал замонавий муаммолар ва ёндашувлар асослари тўғрисида маълумотлар бериш, замонавий модулли технологияларидан фойдаланиб тингловчиларни мазкур йўналишда малакасини оширишга кўмаклашиш;

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг жаҳон цивилизацияси тараққиётида туганган ўрни, аҳамияти ва ривожланиш хусусиятлари ҳақидаги билимларни бойитиш;

- Юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга ошириш жараёнида илғор хориж тажрибасини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш маҳоратни ошириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Модулни ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихини даврлаштириш масалалари, хусусий мулкчиликнинг келиб чиқиши ва илк давлатчилигимиз илдизларини *билиши* керак.

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этиш *кўникмаларига* эга бўлиши лозим.

- Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар фанининг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш *малакаларига* эга бўлиши лозим.

- Ўзбекистон тарихига оид масалаларни ечишда замонавий технологиялар ва усуллардан фойдалана олиш, янгича қараш ва ёндашувларга оид замонавий манбалардан фойдалана олиш, таҳлил қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

Модулни ўқитиш маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда

тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: янгича қарашлар ва замонавий ёндашувлар” модули мазмуни ўқув режадаги “Мустақил Ўзбекистондаги ислохотларнинг назарий концептуал асослари”, “Замонавий таълим тизимига оид инновацияларни Ўзбекистон тарихи фанига тадбиқ этилиши”, “Ўзбекистонда тарихий-демографик жараёнлар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишда янгича ёндашув асосларини ва бу борадаги илғор тажрибани ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир янги билимларга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модуль мавзулари	Аудитория уқув юкلامаси		
		Жами	жумладан	
			Назарий	Амаий машғулот
1.	Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар	2	2	
2.	Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши	2	2	
3	Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли	2	2	
4	Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари	2	2	
5	Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривож	2		2
6	Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари	2		2
7	Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари	2		2
8	Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида	2		2

9	Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши.	2		2
10	Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли	2		2
Жами: 20 соат		20	8	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАРМАЗМУНИ

1-мавзу. Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар. (2 соат).

- 1.1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш ахамияти
- 1.2. Цивилизация ва давлат тушунчалари.
- 1.3. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.
- 1.4. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

2-мавзу. Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши. (2 соат).

- 2.1. Бошқарув асосларининг шаклланиши.
- 2.2. Илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.
- 2.3. Бақтрия подшолиги
- 2.4. Хоразм воҳасида илк давлатчиликнинг шаклланиши.
- 2.5. Фарғона водийси қадимги давлатчилиги масаласи.
- 2.6. Сўғд худудида давлатчиликнинг вужудга келиши

3-мавзу. Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли (2 соат).

- 3.1. Аҳамонийлар даври бошқарув тизими.
- 3.2. Македониялик Александр даврида давлат бошқаруви.
- 3.3. Салавкийлар даврида бошқарув тизими.
- 3.4. Юнон–Бақтрия подшолиги.
- 3.5. Хоразм, Қанғ ва Даван давлатлари.
- 3.6. Юечжи–Кушон ва Кушон давлати.

4-мавзу. Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари (2 соат).

- 4.1. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача).
- 4.2. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши. Моварауннаҳрда бошқарув.
- 4.3. Сомонийлар давлати.
- 4.4. Қорахонийлар давлати.
- 4.5. Ғазнавийлар ва салжуқийлар давлати.
- 4.6. Хоразмшоҳ - ануштегинийлар давлати.
- 4.7. Чигатой улуси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннаҳр ва Хуросонда давлатчилик ривожини (2 соат).

2-амалий машғулот. Сўнгги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тuzилиши ва давлат бошқаруви масалалари (2 соат).

3-амалий машғулот. Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқаруви тузумининг қарор топиши масалалари (2 соат).

4-амалий машғулот. Ўзбекистон мустақил совет давлати таркибида (2 соат).

5-амалий машғулот. Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши (2 соат).

6-амалий машғулот. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли (2 соат).

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модуль бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволлар берилади:

1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш аҳамияти нимадан иборат ?
2. Илк давлатчилик вужудга келиши сабабларини очиб беринг?
3. Қадимги давлатчилик тараққиётининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Цивилизация нима?
5. Давлат тушунчасини очиб беринг?
6. Давлатнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қуйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Давлатчилик келиб чиқиш масаласига оид қандай назариялар мавжуд?
2. Давлатчилик пайдо бўлишида илк шаҳарлар қандай аҳамиятга эга?

“ЛОЙИХА” методи



“Лойиҳа” методи - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гуруҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хулоса чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиладиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини ярата оладиган бўлиши керак.

Қуйидаги чизмада “Лойиҳа” методининг босқичлари келтирилган.



“Лойиҳа” методининг босқичлари

ИЛМИЙ МАҚОЛА ЛОЙИХАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий мақолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)

“Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослайди, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

Намуна:

Инсерт жадвали

Ўрта Осиё давлатчилиги этногенез ва этник тарихини қайта кўриб чиқишдаги замонавий муаммолар

V	+	-	?

“V”- ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” янги маълумотлар

“?” мавзуга оид туғилган саволлар

“Т-жадвал” методи

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хулосага келинади.

Намуналар:

Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиш хусусиятлари	

Қадимги давлатчилик тарихини даврлаштириш масаласи	

Бақтрия подшолиги муаммоси	

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу. Давлатчилик тушунчаси. Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги цивилизациявий ёндашувлар.

РЕЖА

- 1.1. *Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш ахамияти.*
- 1.2. *Цивилизация ва давлат тушунчалари.*
- 1.3. *Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.*
- 1.4. *Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.*

Таянч сўзлар: Давлатчилик, цивилизация, тарихий-маданий вилоятлар, археология, тарихий маданий меърос, тарихий ёдигорликлар, тараққиёт даражаси, маданий мулоқот, маданий юксалиш, илк давлатчилик тарихи, тарихий усуллар, Ўзбекистон давлатчилиги тарихи, Ўрта Осиё цивилизацияси, моддий ва маънавий маданият иқтисодий ўзгаришлар, технологик тараққиёт, меъморчилик, бинокорлик, ҳунармандчилик, деҳқончилик маданияти, цивилизацияли ёндошув, ижтимоий маданий комплекслар.

1.1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш ахамияти.

Ўзбекистон тарихини холисона ва ҳаққоний ўрганиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарларида алоҳида тахлилини топиб, ўзбек халқи давлатчилиги тарихидаги бой анъаналарни тадқиқ этиш долзарб муаммо тарзида махсус таъкилланди. И.А.Каримов белгилаб берган муҳим вазифалар ва тарихчи олимлар олдида қўйилган масалалар шундан иборатки, асл манбаларга таянган ҳолда Ватанимиз тарихига янгича ёндошиб, қадимги даврлардан то бизнинг замонамизгача бўлган тарихий жараёнларни ва воқеаларни ўрганишимиз зарур.

Хар бир халқнинг давлатчилик ва маданияти тарихини урганиш нафақат илмий еки назарий, балки чуқур маънавий- рухий ахамиятга эга бўлиб, хар биримизда ўзимиз туғилган ва яшаётган она замин билан мустаҳкам алоқадорлик хисини ривожлантиради.

Бугунги кунда ватанпарварлик мафкурасининг зарурлиги масаласи айни муддаодир. Она замин учун Ватан равнаки, халқ манфаатлари ва фаровонлиги йулида хар қандай шароитда фидокорлик курсатиш хар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ватан тушунчаси тарихий хотира, тарихий онг асосида шаклланди. Ватан туйғуси ёшлиқдан, беғубор қалбдан ўрин олади, унинг илдизлари она тупроқда, шу она заминда биз туғилганмиз, вояга етганмиз. Ушбу туйғунинг

такомили ўрта ва олий таълим муассасаларидаги гуманитар таълим, энг аввало, Ватан тарихини ўрганиш орқали таъминланади.

Турли халқлар ўз давлатчилигининг шаклланиши босқичини ижтимоий, иқтисодий ва тарихий-маданий вазиятларига боғлиқ холда турли тарихий даврларда босиб ўтдилар. Ер юзиде ўз давлатчилигини ҳеч қачон ярата олмаган элатлар ва қабилалар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бир неча минг йиллар илгаригидек, уруғ ва қабиланинг маънавий ўлчамлари, уруғ бошлиқларининг обрў-эътибори билан бошқариб турилмоқда.

1.2. Цивилизация ва давлат тушунчалари.

Цивилизация инсоният маданияти ривожинигина англатиб қолмай. шунингдек, давлатчилик тараққиёти ҳамдир. Қадимги ёзма манбаларда Ўрта Осиёдаги, шу жумладан, Ўзбекистондаги илк давлатлар ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Бу маълумотлардан ўтган асрдан бошлаб турли илмий асарлар ёзишда фойдаланиб келинди. Тадқиқотчиларнинг хулосалари бир-бирига зид бўлиб, ҳатто XX асрда ҳам Ғарбнинг айрим таниқли олимлари македониялик Искандарнинг ҳарбий юришларигача Ўрта Осиёда на давлат, на шаҳарлар бор эди, деган асоссиз фикрни илгари сурдилар.

Археолог, қадимшунос олимлар кўп меҳнат қилишларига тўғри келди. Улар Ўзбекистон ҳудудида Искандарнинг ҳарбий юришларидан бир неча юз йиллар илгари гуллаб яшнаган шаҳар харобаларини синчиклаб текширдилар ҳамда улардан ҳам қадимгироқ ўтроқ деҳқончилик маконларини очдилар.

Ўрта Осиё халқлари тарихига тегишли умумий мавзулар ва илмий муаммоларнинг мавжудлиги маълум. Улар энг қадимги даврлардан бошлаб аждодларимиз тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқдир. Кўпда-кўп тарихий вазиятларда қўшни халқларни умумий маданий ва этник илдизлар бирлаштириб, уларнинг тарихий тақдири бир-бирига узвий боғланган. Қадимги даврлардаёқ турли шеваларда гаплашган қабилалар ва элатлар умумий тарихий-маданий анъаналарга эга бўлиб, антропалогик ва этник жихатдан улар кўп холларда қон-қариндош бўлганлар. Бу элатлар аҳоли бўлиб, ҳеч қачон изсиз йўқолиб кетмаган. Ўрта Осиё халқлари аждодларининг йирик гуруҳларини ташкил қилган.

Ўзбек халқи аждодларининг илк давлатчилиги тарихи анча қадим илдизларга эга. Юртимизда илк давлатчиликнинг вужудга келиши ва ривожланиши археология ёзма манбалар асосида ўрганилади.

Худудимизга тегишли илк ёзма манбалар -“Авесто”, ахамонийлар даври михсимон ёзувлари ва қадимги дунё (Юнон-Рим) даврига тааллуқли манбалар ўлкамиздаги вилоятларнинг номларини, аҳолининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузумидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Кейинги аерлар давлатчилик тарихини урганишда ва тадқиқ этишда Беруний, Наршахий, Абдураззоқ Самарқандий, Шарафиддин Али Яздий, Бобур, Хофиз Таниш Бухорий ва бошқа муаллифлар асарлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек халқи аждодларининг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарида бошланди. Милоддан

аввалги VII-VI асрларда Ўрта Осиё худудида энг йирик давлатлар - қадимги Хоразм ва қадимги Бактрия мавжуд эди. Суғдиёна ва Фарғона вилоятлари қадимги тарихнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Асрлар давомида ўзбек халқи аждодаари чет эл босқинчилари (ахамонийлар, юнон-македон)га қарши кураш олиб бордилар. Турли сулолалар даврида ўлкамизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгариб турди.

Ўрта асрларда ўзбек халқи давлатчилиги тарихида сомонийлар, қорахонийлар, салжукийлар сулолаларининг йирик давлатлари вужудга келди. XII асрнинг ўрталарида хоразмшоҳлар мамлакатни марказлаштиришга ҳаракат қилдилар, аммо бу жараёнга муғулларнинг юришлари ва истилоси тўсиқ бўлди.

Ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг янги босқичи Амир Темур хукмронлиги даври билан узвий боғлиқдир. Марказлашган давлатда иқтисодий ҳаёт, меъморчилик, хунармандчилик, илм. фан. санъат юксак даражада ривож топди. Ушбу тарихий анъана Мирзо Улуғбек даврида давом этди.

Кейинги асрларда ўзаро низолар ва курашларга қарамай, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида янги жараёнларни кузатиш мумкин. XVIII асрнинг ўрталарига келиб Ўрта Осиё худудида учта давлат (Бухоро амирлиги Хива ва Қўқон хонликлари) пайдо бўлди. Афсуски, улар ўртасида бирлик бўлмади. сиёсий қарама-қаршиликлар, ўзаро курашлар авж олди. Бундай вазиятда Ўрта Осиё хонликлари подшо Россияси томонидан истило қилинган, Туркистон ўлкаси мустамлакага айланди.

Шу даврдан бошлаб ўлкада истиқлолга эришиш ва миллий давлатчиликни тиклаш учун халқ ҳаракатлари бошланди, айниқса, XX асрнинг биринчи чорагида бу кураш ўзининг юқори нуқтасига чиқди. Ўзбекистан давлат мустақиллиги эълон қилингунча, ўзбек халқи ўз ҳаётида мана шундай мураккаб босқичларни босиб ўтди.

1.3. Давлатлар пайдо бўлишининг ишлаб чиқариш усулига асосланган “Шарқ йўли”, мулкчиликка асосланган “Европача йўли”.

Бошқарувнинг илк босқичлари қадимги замонларга бориб тақалади. Бошқарув тамойиллари ва вазифалари турли кўринишларда бўлиб, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, хунармандчилик, товар айирбошлаш ва савдонинг жадал ривожланиши кабилар) билан бирга, ташқи омиллар - кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Қадимги Шарқнинг дастлабки давлатлари алоҳида жойлашган уй-қўрғонлар ва илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик худудда, яъни зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Тарихшуносликда бундай илк давлатлар қадимги Миср мисолида “ном”лар яъни “вилоятлар” ёки шаҳар-давлатлар (Иккидарё оралиғи) деб аталади.

Энг қадимги давлатлар бундан 5 минг йил аввал қадимги Миср ва

Иккидарё оралиғида (Дажла ва Фрот) пайдо бўлган. Давлатчилик тизими бундан 4-3,5 минг йил аввал Юнонистон, Кичик Осиё, Эрон, Кавказорти, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Жаҳон тарихидаги илк давлатлар юқорида таъкидлаганимиздек, деҳқончилик ва чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар пайдо бўлган ҳудудларда шаклланган. Бошқарувнинг асослари куйидагилардан иборат эди: ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти, жамоадаги урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши.

XX асрнинг энг муҳим воқеаларидан бири янги мустақил давлатларнинг ташкил топишидир. Шу асрда Ўзбекистон номи тарихий ҳақиқат бўлиб жаҳон тарихидан абадий ўрин олди. Унинг давлатчилик тарихида янги давр бошланди.

Ўрта Осиёда илк давлатлар вужудга келиши масаласининг ўрганилиши тарихи XIX асрнинг охирида бошланган бўлиб, бу муаммо тарихчи, манбашунос ва қадимшунослар томонидан тадқиқ қилинган. Натижада, мавзунинг айрим томонлари ёритилган бўлсада, лекин асосий масалалар юзасидан тадқиқотчилар уртасида ягона фикр мавжуд эмас.

Собик совет тарихшунослигида давлатчиликнинг вужудга келиши масаласи асосан куйидаги муаммоларни тадқиқ этишга йуналтирилган: мулкӣ табақаланиш, ижтимоий табақаланиш; эксплуатация муносабатлари. яъни давлат ўзаро низолар ва курашларга асосланган синфий жамият маҳсули эканлиги ғояси асосида ўз ечимини топган. Мустақилликнинг дастлабки йилларида чоп этилган айрим дарсликлар ва китобларимизда ҳам бундай ёндошувни кузатиш мумкин. Бу табиий бир ҳол, чунки дастлабки пайтларда Ўзбекистон янги тарихини яратишнинг аниқ йўналишлари хали ишлаб чиқилмаган эди.

Давлат тизимига ўтиш босқичи, тарихий жараён сифатида, энг қадимги (ибтидоий) жамиятнинг маданияти ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг янги босқичи бўлиб, уларнинг янада ривожланиш тараққиёти маҳсулидир. Шу давр иқтисодий ҳаётида эркин жамоатчиларнинг меҳнати ишлаб чиқаришни ривожлантираётган асосий куч бўлган.

Жамиятда қарама-қарши синфлар пайдо бўлиб илк давлатларнинг вужудга келишига асосий сабаб бўлди деган хулоса тўғри эмас, чунки фақат давлатчиликка дойир сиёсий тузилмалар, ижтимоий мансаблар ва бошқарув тизимининг пайдо бўлганидан сўнг, аниқ иқтисодий ва сиёсий сабабларга кўра, мулкӣ ва ижтимоий табақаланиш жараёни кескин ўзгариб, кейинчалик тез ривож топади.

Мисол учун, қадимги Миср, Месопотамия ва Юнонистонда дастлаб шаҳар-давлатлар вужудга келиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида эркин аҳоли фаолияти катта аҳамият касб этган. Аммо босқинчилик урушлари натижасида асирлар ва қулларнинг миқдори ўсиб бориши билан уларнинг меҳнатидан хунармандчилик, бинокорлик ишлари ва қишлоқ хўжалик соҳаларидаги ишлаб чиқаришга кенг фойдаланилади. Натижада кўшимча маҳсулот ва бойликлар орттирилади, айрим тўқ оилаларнинг обрӯ-

эътибори, ижтимоий ўрни баланд бўлиб, бой-бадавлат кишиларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Демак, қадимги давлатлар ривожининг турли боскичларига, турли хусусиятлар ва тарихий қонуниятлар хос бўлган. Шунинг учун ҳам давлатчилик тарихини даврлаштириш ва турли жамиятларга хос тарихий воқеаларни қиёсий ўрганиш долзарб вазифадир.

1.4. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар.

Антик ва ўрта асрлар давридан бошлаб давлатнинг келиб чиқиши тўғрисида дастлабки қарашлар пайдо бўлиб, улар асосида турли назариялар ишлаб чиқилган. Уларнинг тарафдорлари ўзларининг мафкуралари, ёндашувлари ва дунёқарашларига асосланиб маълум назарияларини исботлашга ҳаракат қилганлар. Ушбу назарияларда абстракция (мавҳум тасаввур), умумий фалсафий усуллар устунлик қилиб, муаммонинг тарихий–ҳуқуқий жиҳатларига кам эътибор қаратилган. Мазкур масалани кўриб чиққан олимлар (Р.В.Ртвеладзе, А.Х.Саидов, А.В.Абдуллаев) қуйидаги назарияларга таъриф бердилар:

Теология назарияси тарафдорлари: XIII аср, Фома Аквинский, XIX аср, Жозеф Местр, ислом мафкураси ва католик черкови.

Бу назария давлатлар келиб чиқишини илоҳийлик билан боғлайди. Қадимги даврдаёқ Исроилда пайдо бўлган бу назария илк давлатларнинг диний бошқарув шакллари (теократик) қаттиқ туриб ҳимоя қилади.

Патриархал назария дастлаб Арасту асарларида асосланиб, XIII асрда Р.Фильмер томонидан ривожлантирилди.

Унинг тарафдорлари дастлабки давлат бевосита оиладан ўсиб чиққан деб ҳисоблайди. Унга кўра, давлат ҳокимияти отанинг оила аъзолари устидан ҳокимлигини белгилаб беради.

Патремониал назария XIX асрда яшаган француз олими А.Галлер томонидан ишлаб чиқилган.

Назария тарафдорлари давлат ерга мулкчилик ҳуқуқидан келиб чиққан (патримомум) деб ҳисоблашади. Яъни, ҳокимият, ерга эгалик қилиш ҳуқуқидан бевосита у ерда яшовчи одамларга ёйилади.

Шартномавий назария. XVII–XVIII асрларда кенг ёйилган бу назария тарафдорлари А.Горций, Ж.Локк, Т.Гобс, Ж.Руссо, Д.Дидро, Ш.Монтескье кабилар эди.

Бу назарияга кўра давлат – одамлар ўртасида тузилган шартнома асосида одамларнинг онгли равишда бирлашишидир. Одамлар шартноманинг кучи билан ўз эркинлиги, ўз ҳокимиятининг бир қисмини давлатга берадилар.

Зўравонлик (куч ишлатиш) назарияси. Унинг тарафдорлари: Е.Дюринг, Л.Гумплович, К.Каутский ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз қабилаларнинг кучли ва уюшган қабилалар томонидан босиб олиниши туфайли зўравонлик ёки куч ишлатиш йўли билан пайдо бўлган деб ҳисоблайдилар.

Ирригация назарияси. Немис олими К.Виттфогель томонидан ишлаб чиқилган. Бу назарияга кўра, давлатларнинг пайдо бўлиши, уларнинг бирламчи деспотик шакллари шарқий аграр вилоятларда улкан иншоотлар қурилиши билан боғланади.

Психология назарияси тарафдорлари: Л.Петражетский, З.Фрейд, Г.Тард давлатнинг пайдо бўлиниши инсон психологияси, шахснинг жамоада яшашга эҳтиёжи, обрўли кишиларни излаш, буйруқ бериш ва итоат истаги билан изоҳлайдилар.

Синфий назария. Тарафдорлари: К.Маркс, Ф.Энгельс, В.Ленин, Г.Плеханов. Бу назарияга кўра, синфлар пайдо бўлиши ва улар ўртасида синфий кураш кескинлашувининг якунидир. Давлат бир синфнинг бошқа синф устидан ҳукмронлик қуролидир.

Давлатчилик келиб чиқиши масалаларига оид марксча назарияси жамиятда ижтимоий ўрни баланд бўлган бой–бадавлат кишилар ва аксинча қашшоқ синфларнинг пайдо бўлиши ғояси билан боғланган.

Ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатчиликнинг вужудга келиши масаласини ўрганишда совет даври тадқиқотларида синфий назария услубий пойдевор бўлган. Шу сабабли ҳам давлат халқдан ажралган ҳолда синфий эзувчи куч сифатида таърифланган. Эксплуатациянинг илк шакллари қуйидаги уч асосий шаклларига ажралиб ўрганилган: 1. Қулчилик. 2. Жамоадаги ички эксплуатация. 3. Ўлпон йиғиб олиш ва ижтимоий–иқтисодий қарамлик.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистон давлатчилиги тарихини ўрганиш аҳамияти нимадан иборат?
2. Илк давлатчилик вужудга келиши сабабларини очиб беринг?
3. Қадимги давлатчилик тараққиётининг муҳим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Цивилизация нима?
5. Давлат тушунчасини очиб беринг?
6. Давлатчилик келиб чиқиш масаласига оид қандай назариялар мавжуд?
7. Давлатнинг қайси шакллари биласиз?
8. Давлатчилик пайдо бўлишида илк шаҳарларнинг аҳамияти тўғрисида сўзлаб беринг

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. Т.: Академия, 2009.
2. Аскарлов А., Ширинов Т. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд, 1993.
3. Давлат қурилиши ва бошқаруви. –Т.: Академия, 2007.
4. Исомиддинов М. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Т, 2002.
5. История государственности Узбекистана. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
6. Қадимги давлатчилик ва урбанизация. Тарихий лавҳалар. – Т. 2010.
7. Қудратов С. Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
8. Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ. Л.: Наука, 1976.

9. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
10. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: УМЭД, 2005.
11. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001.
12. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2004.
13. Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.
14. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2006.
15. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шары, 2001.
16. Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013.
17. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Маърифат, 2009.
18. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2012.

2-мавзу: Бошқарув асосларининг шаклланиши ва давлатларнинг ташкил топиши.

РЕЖА:

- 2.1. Бошқарув асосларининг шаклланиши
- 2.2. Илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.
- 2.3. Бақтрия подшолиги
- 2.4. Хоразм воҳасида илк давлатчиликнинг шаклланиши
- 2.5. Фарғона водийси қадимги давлатчилиги масаласи.
- 2.6. Сўғд ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши.

Таянч сўзлар: Илк давлатлар, бронза даври, археологик ёдигорликлар, деҳқончилик, чорвачилик, ишлаб чиқариш хўжаликлар, меъморчилик, мудофаа деворлар, ибодатхоналар, ҳунармандчилик, мол айрибошлаш, қадимги алоқа йўллари, Гонур, Тоголоқ, Дашли, Сополли, Жарқўтон, давлатчилик шаклланишининг археологик белгилари, саройлар ва оддий уй-жойлар, шаҳар – давлат, шаҳар-ҳудудий давлат маркази, ижтимоий –иқтисодий муносабатлар, маданий алоқалар, этник жараёнлар, Қадимги Бақтрия, Бақтрия подшолиги, хронология, бошқарув шакли, “Катта Хоразм”хорасмийлар, Хоразм воҳаси, илк темир даври, Кўзалиқир, Куйсой маданияти, саклар, мудофаа, тизими, пахса ва хом гишт бинокорлиги, уй – қўрғон, шаҳар маркази, археологик маълумотлар, қиёсий таҳлил, Куйи Амударё, сугориш тизими, ирригация иншоотлари, Дингилжа, Хазорасп, Хумбузтепа, Чуст маданияти, Далварзин, бронза ва темир қуроллари, яроғ-аслаҳалар, тарихий – маданий жараёнлар, Фарғона водийси, Сугдиёна, Шаҳарсозлик маданияти, Афросиёб, Кўктепа, Узунқир, Ерқўрғон, иқтисодий – маданий алоқалар, сиёсий тарих.

2.1. Бошқарув асосларининг шаклланиши

Бошқарувнинг илк босқичлари қадимги замонларга бориб тақалади. Бошқарув тамойиллари ва вазифалари турли кўринишларда бўлиб, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, ҳунармандчилик, товар айирбошлаш ва савдонинг жадал ривожланиши кабилар) билан бирга, ташқи омиллар - кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Қадимги Шарқнинг дастлабки давлатлари алоҳида жойлашган уй-қўрғонлар ва илк шаҳарлар ҳамда ишлов бериладиган ерлар суғориш тизими майдони билан чегараланган нисбатан кичик ҳудудда, яъни

зич ўзлаштирилган, хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадида кенг фойдаланиладиган қадимги суғорма деҳқончилик воҳаларида пайдо бўлган. Тарихшуносликда бундай илк давлатлар қадимги Миср мисолида “ном”лар яъни “вилоятлар” ёки шаҳар-давлатлар (Иккидарё оралиғи) деб аталади.

Энг қадимги давлатлар бундан 5 минг йил аввал қадимги Миср ва Иккидарё оралиғида (Дажла ва Фрот) пайдо бўлган. Давлатчилик тизими бундан 4-3,5 минг йил аввал Юнонистон, Кичик Осиё, Эрон, Кавказorti, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиё ҳудудларида тарқалган. Жаҳон тарихидаги илк давлатлар юқорида таъкидлаганимиздек, деҳқончилик ва чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжаликлар пайдо бўлган ҳудудларда шаклланган. Бошқарувнинг асослари қуйидагилардан иборат эди: ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти, ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти, жамоадаги урф-одатларни бажариш, жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, энг қадимги даврлардан бошлаб, бугунги кунгача қуйидаги бошқариш вазифалари устувор бўлиб келмоқда: режалаштириш, ташкил қилиш, тартибга солиш, назорат, жамоатнинг ички ва ташқи муносабатларни бошқариб туриш.

Қадимги бошқарув тизими қуйидаги функциялар билан боғланган ҳолда амалга оширилган: иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий, ҳудудий.

Иқтисодий функциялар тизимида ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимоти муҳим ўрин тутган. Жумладан, деҳқончилик ишларини, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамоа хўжаликларида ер ва сувни тақсимлаш, қурилиш ва суғориш-ирригация ишларини йўлга қўйиш, қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш ва савдо-сотик алоқалари.

Ижтимоий функциялар жамоалардаги ўзаро алоқаларни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, урф-одатларни бажариш, мунозарали масалаларни ҳал қилиш, жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқариб туриш заруриятига асосланган.

Ҳарбий-сиёсий функциялар ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш, ҳарбий қуролларни ишлаб чиқариш, қуролланган қўшинларни ташкил этиш, туманлар ҳудудларида мудофаа ишларини амалга ошириш.

Илк давлатларнинг ҳудудий асосини уларга алоқадор бўлган қўшни деҳқончилик туманлари ташкил этган. Хўжалик юритиш мақсадида ўзлаштирилган ҳудудларда аҳоли зич жойлашган бўлиб, улар қадимги «деҳқончилик туман-воҳалари» деб аталган. Уларнинг ҳар бирида ҳосилдор ерлар ва суғориш тизимидан ташқари уй-қўрғонлар ва манзилгоҳлар (қишлоқлар), экин экилмаган ерлар ва яйловлар мавжуд бўлган. Қадимги деҳқончилик туманларининг тузилиши табиий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит билан боғлиқ эди. Бир неча туманлар вилоятни ташкил этган.

Юқорида кўрсатилган омиллар билан боғлиқ ҳолда бошқарувнинг **ҳудудий функциялари** ҳам вужудга келган. Ушбу функциялар туман, вилоят ҳудудларида жойлашган қишлоқ жамоалари, туман аҳолиси (бир неча қишлоқ

жамоалари) ва вилоят (бир неча туман) аҳолисининг ўртасида мавжуд баҳсли худудий муаммоларни ҳал қилиш, воҳа-туманларда ҳосилдор ерлар, суғориш тармоқлари ва яйловлардан фойдаланишни тартибга солиш заруриятидан келиб чиққан.

Шу тариқа илк давлатчиликка ўтиш жараёни бошланган. Иккинчи босқич жамоанинг ўзини-ўзи бошқарув муассасаларининг йўлбошчи ҳокимиятига тўла бўйсундирилиши билан боғланган бўлиб, ушбу жараёнда жамоа аъзолари ўртасидаги ички ва ташқи алоқалар ҳуқуқий тартибот янада такомиллашиб боради. Бу ҳолат эса давлат тузумидаги турли вазифаларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши ва ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилишига олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, демак қадимги Шарқнинг илк давлатлари тарихи дастлаб жамиятнинг қуллар ва қулдорларга бўлинишидан бошланмаган экан. Ушбу жараённинг муҳим омилларидан бири мулкий табақаланиш бўлмасдан, синфий қарама-қаршиликка алоқаси бўлмаган жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатидан бўлинишидир. Бу ҳол, энг аввало, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва диний омилларга боғлиқ бўлган. Давлатчиликнинг асослари, сиёсий институтлар шакллангандан кейинги даврлар чуқур ижтимоий табақаланиш жараёнининг бошлангани билан характерланади.

Илк давлатларнинг ишлаб чиқарувчилик ҳаётида дастлаб озод жамоа аъзоларининг меҳнати муҳим ўрин тутди. Аҳоли сонининг ўсиши ҳамда янги аҳоли жойлаша оладиган худудларга, бўз ерлар ва чорва учун яйлов, маъданларга бой манбаларга эга бўлиш эҳтиёжи катта ё кичик урушларга сабаб бўлган. Доимий ҳарбий тўқнашувлар шароитида баъзи бир давлатлар тор-мор келтирилиб, баъзи бирлари эса кучайиб борган. Саноксиз асирлар ва хонавайрон бўлган жамоа аъзолари қулликка маҳкум бўлганлар. Уларнинг меҳнатидан ишлаб чиқариш мақсадларида кенг фойдаланилган. Шу тарзда тарихда қадимги Миср, Шумер, Бобил, Оссуриядек ўртамеъна худудга эга давлатлардан (ўрта подшоликлар) кейинчалик йирик, дунёвий миқёсдаги Аҳамонийлар салтанатидек давлатлар вужудга келган.

Тарихий маълумотларга кўра, илк темир даврида Ўрта Осиё жанубидаги жамоаларда “уй эгаси”, “қишлоқ оқсоқоли”, “оқсоқоллар кенгаши”, “туман ҳокими” каби мансаблар мавжуд эди. Ижтимоий тузумнинг бу поғонаси илк давлатчиликнинг юқори даражаси бўлиб, у жамоаларнинг ижтимоий ҳаётида ўз обрў-эътибори ва аҳамиятини сақлаб қолди. Жамоа учун ташкилий бошқарув кенг кўламдаги қурилиш, суғориш ва деҳқончилик ишларини ташкил этиш пайтида зарур эди. Йўлбошчи ҳокимларнинг бошқалардан ажралиб туришига қадимги шаҳарларнинг ички қалъасида уларнинг алоҳида жойлашган сарой кўрғонлари ҳам гувоҳлик беради. Бу ҳокимият жамоанинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб турган. Қадимги туман ва вилоятлар, шаҳар марказларининг аҳамияти, айниқса ҳарбий тўқнашувлар пайтида янада ошиб, улардан туман аҳолиси учун бошпана, ижтимоий мулкнинг асосини ташкил этувчи чорва подалари учун пана жой сифатида фойдаланилган.

Уй-қўрғон эгаларининг ҳуқуқлари анча юқори бўлиб, улар оила ва жамоадаги иш юритувчилар сифатида анъанавий қишлоқ хўжалик шаклларини ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш мақсадида турли муносабатларни бошқариб турган. Бу ижтимоий тузумда айрим гуруҳлар деҳқончилик хўжалиги билан машғул бўлган. Мазкур тузумда, уй чорвачилиги ихтисослашган ҳунармандчилик, қурилиш ишлари билан шуғулланувчилар, умуман, ишлаб чиқарувчилар бор эди. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнида банд бўлмаган ёки хўжалик ишлари билан камдан-кам шуғулланадиган шахслар ҳам мавжуд бўлиб, бу тоифа кишиларига уй-қўрғон эгалари, жамоа оқсоқоллари, диний арбоблар, туман ва вилоят ҳокими кабилар кирган. Уларнинг барчаси жамият ҳаёти ва ишлаб чиқариш тартибида тутган ўрни билан бошқалардан фарқ қилган.

Ўзбекистонда илк давлатлар деҳқончиликдан иқтисодий, ихтисослашган ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши туфайли шаклланган шаҳар марказлари асосида пайдо бўлган.

2.2. Илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари.

Сўнгги йиллар тарихшунослигида Ўзбекистон тарихидаги қадимги давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши ишлаб чиқилди (Э.В.Ртвеладзе). Ушбу даврлаштириш тарихий ҳамда археологик тадқиқотлар натижаларига асосланган бўлиб, мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярмидан милодий III–IV асрларгача бўлган қуйидаги 6 та даврга ажратилади.

Биринчи давр—мил.авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми. Бу даврда Шимолий Бақтрия (Сурхон воҳаси)да давлатчиликнинг илк кўриниши шаклланиб, унинг тепасида балки оқсоқоллар кенгаши ва сайланадиган ҳукмдор турган бўлиши мумкин. Бундай кўринишдаги илк давлатлар бу даврда Бақтрия ҳудудларида шаклланган нисбатан йирик уюшмалар таркибига кирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нисбатан тараққий этган иқтисод, жумладан, суғорма деҳқончилик, сопол ва металл ҳунармандчилиги, ички ва ташқи савдо муносабатлари бундай уюшмаларнинг давлатчилик хусусиятидан далолат беради. Аммо, давлатчиликнинг муҳим белгиси ҳисобланган ёзувнинг бу ҳудудларда мавжудлиги ҳозирга тўла исботланмаган.

Иккинчи давр – мил.авв. I минг йиллик бошлари— мил.авв. 540 й. Бу борада Бақтрия, Суғд ва Хоразм каби тарихий–маданий вилоятлар шаклланади. “Авесто” маълумотларига таяниб, тадқиқотчилар уларни ижтимоий тоифалар тизимида асосланган сиёсий ҳокимият кўринишидаги давлатларнинг илк шакли сифатида изоҳлайдилар. Бу даврда нисбатан ҳудудий йирик мулклар–қадимги Бақтрия ва қадимги Суғд давлатлари, шунингдек, шимолда сак–массагетларнинг қабилалар конфедерациялари ташкил топган.

Учинчи давр – мил.авв. 540–330 йиллар. Аҳамонийлар босқини туфайли Ўрта Осиё вилоятларининг улар қадимги Форс давлати таркибида кириши натижасида маҳаллий давлатчилик тараққиётидаги узилиш даври. Улкан Аҳомонийлар салтанати сатрапияларга бўлиниб бошқарилган ҳамда учта Ўрта Осиё сатрапиялари – Бақтрия, Суғд, Хоразм тўлалигича ёки қисман ҳозирги

Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган.

Сатрапиялар таркибига кирган вилоятларнинг ҳукмдорлари, Бактрия ва Суғд зодагонлари Оксарт, Хориен, Сисимитр, Катан, Австан—Наутака, Ксениппа, Паретака каби ўзларининг меросий мулкларини маълум маънода мустақил бошқарганлар. Сак қабилаларининг ахамонийларга қарши узоқ курашлари натижасида мил.авв.IV асрнинг бошларига келиб Хоразмда мустақил давлат ташкил топади.

2.3. Бактрия подшолиги

Турли қадимги тиллар ёзма манбаларидаги Бахди, Бактриш, Бактриёна, Бактрия, Бахди, Бахлика (ҳинд манбаларида) йирик ўлка ва давлатнинг номидир. Бактрия – бу Бахди, Бактра дарёси (ҳозирги Балхоб) номи билан боғлиқ бўлган тушунчадир. Рим тарихчиси Курций Руф бундай хабар қилади: «Бактра дарёси номидан шаҳар ва вилоятнинг номи келиб чиққан».

Дастлабки босқичда бу сўз ягона воҳанинг номи бўлиб, кейинги даврларда кенг ҳудудга тарқалган Бактрия тарихий–маданий вилояти, Бактрия давлати (бир неча дарё воҳалари ва вилоятлари) маъноларида ишлатилган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги давлатларнинг номларига одатда дарё, қабила, халқ ва марказий шаҳарлар номлари асос солган. Ўрта Осиё халқларининг тарихида дарёлар муҳим ҳаёт манбаи вазифасини бажарган. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг вилоятлари, асосан, дарё ва шаҳарлар номлари билан белгиланган. Демак, Бактра, Бактрия сўзлари – бу географик тушунчалардир.

«Бактрияликлар», «Бактрия халқи» сўзлари қадимги манбаларда тилга олиниб, битта халқни ёки бир неча қариндош қабилаларни бирлаштирган тушунчани беради. Одатга кўра, бактрияликлар ёзма манбаларда босқинчиларга (Оссурия подшоси Нин, Кир II, Македониялик Александрга қарши) турган халқ сифатида назарда тутилган.

Тарихий маълумотларга кўра, Бактрия ерлари — бу Афғонистоннинг шимоли–шарқий қисмини, Жанубий Тожикистон, Сурхондарё вилоятини ўз ичига олган. Бактрия ҳудудида энг қадимги одамлар тош даврдан бошлаб ёйилган. Ўзбекистон ҳудудига қарашли Бактрия қисмида – Тешиктош, Мачай ва Зараутсой тош асри ёдгорликлари узоқ ўтмиш ҳаёти ҳақида далолат беради.

Ўзбекистонда энг қадимги паҳса ва хом ғиштдан қурилган (аҳоли ўтроқ деҳқончилик хўжалигига эга) ёдгорликлар Сурхондарё воҳасидан топиб текширилган. Улар бронза даврига оиддир. Бронза даврида Бактрия ҳудудида давлатчилик тизимига ўтиш жараёни бошланган. Мазкур даврга оид сарой, ибодатхоналар топилган ҳамда юксак бинокорлик, ҳунармандчилик ва зироатчилик маданияти излари аниқланган.

Мил.авв. IX–VIII асрларга келиб, Бактрия тупроғида ҳарбий аҳамиятга эга сиёсий бирлашмалар ташкил топган. Бу Ўрта Осиё аҳолисининг бир қисми кўчманчи чорвачиликка ўтган даврга тўғри келади. Сиёсий қарама–қаршилиқлар авж олиб турган бу жараёнларда қуролланган отлиқларнинг ҳужумлари катта аҳамиятга эга бўлган. Бу босқичнинг тарихи ва ҳарбий йўлбошчиларнинг сиёсий курашлари “Авесто”да тасвирланган.

Мил.авв. 700–540 йиллари қадимги Бактрия давлатининг ривожланган даври бўлиб, унинг худудий чегаралари: Ҳиндукуш тизмаси, Бадахшон ва Ҳисор тизмасига бориб тақалган (дарё воҳалари – Балхоб, Қундуз, Панж, Вахш, Кофирнихон, Сурхон). Бу илмий хулосани исботлаш тарихий географияга оид учун махсус мақолалар чоп этилган.

Юқорида кўрсатилган худудий чегаралари бўйича Бактрия давлати Ўрта Осиёда ривожланган дастлабки давлатлар ичида энг йириги бўлган. Қадимги Бактрия худудларига Ўрта Амударёда Хоразм ва сак–массагетларнинг ҳарбий–сиёсий уюшмасига тегишли ўлкалар чегарадош эди.

Марғиёна қадимги Бактрия давлатининг таркибига кирган. Бундан ёзма манбалар далолат беради. Подшо Доро I нинг Марғиёнадаги кўзғолонни тор–мор қилиши ҳақида Беҳистун ёзувларидаги қуйидаги хулоса мавжуд: “Мана нималарни мен Бактрияда қилдим”. Доро III даврида Бактрия ва Суғдиёна бирлаштирилган ўлка бўлиб, унда Бесс исмли сатрап ҳокимлик қилган. Марғиёна ва Бактрия аҳолисининг урф–одатлари ҳамда маданияти бир–бирига анча ўхшаб ривож топган.

Видевдат китобида Бактрия «энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бири баланд байроқли, “тўзал ўлка” сифатида ёритилган. Сўнгги юнон манбаларида Бактрия – «минг шаҳарлар давлати» деб аталган. Бу тарихий анъаналарга нималар асос солган? Аҳамонийлар давлатида Бактрия энг қудратли ўлкалардан бири ҳисобланганлигими ёки унинг табиий бойликларими, жасур жанговар отлик ва пиёда қўшинлари, йирик шаҳарлари ва қадимги замонларга оид тарихи, халқи ва давлатими? Балки шу сабабларнинг ҳаммаси биргаликда ва шубҳасиз жуда қадимги замонларга оид Бактрия халқининг тарихий анъаналаридир.

Геродотдан аввал «Бактрия халқи» тушунчасини буюк Эсхил «Форслар» деган фожиасида ишлатган (сахнада мил.авв.472 йилда ижро этилган). “Форслар”да ёш бактриялик жангчилардан Тенагон ва Аритомларнинг исмлари тилга олинган. Улар Саламин жангида ҳалоқ бўлиб (мил.авв. 480 йил) шу оролда дафн қилинган. «Бактрия халқи ҳалоқ бўлди» – деб Эсхил ўз асарида хулоса қилган. Айнан қадимги форс ёзувларида «Бактрия» ва бактрияликларнинг тилга олиниши мил.авв. 522 йилдан сўнгги даврларга оиддир. Бу расмий даражада, аммо олдинги замонларда ҳам Бактрия ҳақида турли хабарлар Ўрта Шарқда кенг маълум эди. Шунинг учун ҳам Геродотнинг айтишича, Миср ва Бобил билан бир қаторда Бактрия Кир II нинг ҳарбий юришларига тўсик бўлиб турган.

Шубҳасиз, бу Бактриянинг муҳим ҳарбий ва иқтисодий аҳамияти ҳақида далолат беради (аҳоли, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий ашёларнинг бойлиги, муҳим марказий савдо йўлларининг чорраҳаси, ҳунармандчиликнинг ривожланиши, пиёда ва отлик қўшинларнинг юрти ва бошқалар). Бундан ташқари, Бактрия Аҳамонийлар давлатининг узоқ шарқий чегараларида жойлашган подшо тахтини эгаллаш мақсадини ўз олдига қўйилган аҳамонийлар сулоласи вакиллари учун норасмий сургун жойи ҳам бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас (аҳамонийлар саройидан четлаштириш ва подшо тахтидан узоқлаштириш жараёнида). Маълумки, Смердис – Бардия подшо

Камбизнинг буйруғига биноан ўлдирилган, Масист ўз акаси подшо Ксеркс билан тахт учун курашиб ҳалок бўлган. Артабон подшо Артаксерксга қарши чиқиб, Бактрия қудратига таянган, мил.авв.330 йилда Бактрия сатрапи Бесс Доро III ни ўлдириб, ўзини «Осиёнинг улуғ подшоси» Артаксеркс IV деб эълон қилган. Бу вазиятда ҳам тарих яна қайта такрорланган. Бесс Македониялик Александрга қарши курашни муваффақиятли давом эттириш учун Бактрия ва Суғдиёнанинг ҳарбий қудратига ишонган.

Олимларнинг фикрига кўра, қадимги Бактриянинг бир қисми бўлган Афғонистоннинг шимоли–шарқда (Кундуз, Кўкча дарёларининг воҳалари) Арёнам Вайжо мамлакати жойлашиши мумкин эди. У “Авесто”да Арёшайёна номи билан ҳам машҳурдир. Арёшайёна Кави Виштасп подшолиги бўлиб, Дрангиана, Саттагадия, Ария, Марғиёна ва Амударё ўрта оқимидаги вилоятларни бирлаштирган. Олимлар Кави Виштасп подшолигини Марв ва Ҳирот атрофида жойлашган “Катта Хоразм” деб ҳисоблашганлар (В.Б.Хеннинг ва И.Гершевич).

Бошқа тадқиқотчилар Заратуштра таълимотининг биринчи тарафдори – Кави Виштасп давлатини Бактрия ҳудудига жойлаштириб, тарихий анъаналар Бактрия тупроғида давлат вужудга келиши жараёни жуда қадимги даврларга оид деган фикрни олға сурадилар.

Археология манбалар қадимги Бактрияда дастлабки шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини аниқлаш имконини беради. Бактриянинг шаҳар марказлари (улар асосан айрим вилоятларда ҳарбий–маъмурий ҳунармандчилик ва савдо–сотик аҳамиятга эга бўлган) асрлар давомида ҳаробаларга айланиб, ер остида қолиб кетган. Шундай марказлардан Боло Ҳисор (Бақтра), Олтиндилёр, Қизилтепа ва Бойтудашт ёдгорликларида археологик тадқиқотлар ўтказилган.

Бу шаҳарлар кенг майдонларда жойлашиб, қалин ва мустаҳкам муҳофаа деворлари билан ўралган. Ёдгорликларда ҳом ғишт ва пахсадан қурилган уй–жойлар қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган. Шаҳарларнинг бир қисмида ҳукмдорлар қароргоҳлари қалъа–қўрғонлар жойлашган.

Бактрия айрим дарё воҳаларидаги бешта вилоятни бирлаштирган. Сурхон, Балхоб, Кофирнихон–Вахш, Панж, Кўкча–Кундуз воҳалари шулар жумласидандир. Сурхон вилоятининг маркази Қизилтепа бўлган, Шимолий Афғонистонда йирик шаҳарлар қолдиқлари – Боло Ҳисор ва Олтиндилёрлар топиб текширилган. Боло Ҳисор ўрнида қадимги Бақтра жойлашган. Бу шаҳар Геродот ва Ктесийларнинг таъкидлашича, Бактриянинг маркази эди.

Ктесийнинг «Персика» асарида Бактриянинг жуда кўп ҳарбий истехкомлари ва қалъалари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳозирги кунда Бактрия тупроғидан мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмига оид 240 дан ортиқ уй–қўрғонлар, қалъалар ва шаҳарлар ҳаробалари топиб текширилган. Жумладан, Сурхон воҳасида жойлашган Кучуктепа, Талашқон, Жондавлат, Бандихон, Қизилча ва Шўртепа ёдгорликларини айтиб ўтиш лозим. Улар деворлар ва муҳофаа буржлар билан мустаҳкамланган қалъалар ёки тўртбурчак шаклида қурилган уй–қўрғонлардир. Қадимги аҳоли суғорма дехқончилик

билан шуғулланган. Ёдгорликларда сопол идишлар, бронзадан ва темирдан ясалган пичоқлар, ўроқлар, бронза идиш парчалари ҳамда ўқ учлари, жез игна ва бигизлар, сопол урчуқлар, тошдан ишланган куруллар топилган.

Қурилиш, ҳунармандчилик – темирчилик, кулолчилик, тўқувчилик, заргарлик, чармгарлик ва суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши Бактрияда қадимий маданият юксак даражадага тараққиётини кўрсатади.

2.4. Хоразм воҳасида илк давлатчиликнинг шаклланиши

Хваризам (“Авесто” тилида), Хуаразмиш (қадимги форс тилиди), Хорасмие (қадимги юнон тилида) тушунчалари Қуйи Амударё ҳудудларидаги Хоразм воҳасига тегишли бўлган. Қадимги Хоразм тарихи ва ёдгорликлари С.П.Толстов раҳбарлигидаги археологик экспедициянинг тадқиқотлари натижасида кенг ёритилган. Хоразмнинг суғориш иншоотлари ва суғорилиши тарихини ўрганишда таниқли олим археолог Я.Ғ.Ғуломов катта ҳисса қўшган. Хоразм тупроғида турли хил кўхна қишлоқ ва шаҳар харобалари қазиб очилган. Ҳозир ҳам Қадимги Хоразм тарихини ўрганиш ва унинг археологик ёдгорликларини қидириб топиш ва тадқиқ қилиш ишларига катта эътибор берилмоқда.

«Авесто»нинг дастлабки маълумотларига (Яшт мадҳиялари) замондош Хоразм ёдгорликлари мил.авв. IX–VIII асрларга оид Амиробод маданияти номи билан аталган. Бу давр ёдгорликлари маҳаллий бронза даври маданияти хусусиятларини сақлаб, ярим ертўла турар жой, кичик суғориш иншоотлар излари ва қўлда ясалган идишлар билан машҳур бўлган. Бронза буюмларидан ўроқлар, жез игналар ҳамда ўқ учлар қўйилган тош қолиплар топилган.

Хоразмдаги шу давр аҳолисининг асосий тирикчилик манбаи чорвачилик ва деҳқончилик бўлган. Табиий шароит ариқ қазиб, сув чиқаришга имкон берган туманларда суғорма деҳқончилик ривожланган. Ўлканинг йирик суғориш иншоотлари мил.авв. V–IV асрларга оиддир. Тадқиқотчилар бу иншоотлар аҳамонийлардан ҳам олдинги даврларда катта бир давлат ҳудудида қурилган бўлиши мумкин ва бу давлатга Хоразм, Сўғдиёна, Парфия, Ария ва Марғиёна ерлари кирган, деб фараз қилганлар.

Гекатейнинг хорасмийлар элатига оид маълумотлари ва Геродотнинг Акес дарёси сувлари билан фойдаланувчи халқларнинг ерлари ҳақидаги хабарларига таянган ҳолда “Катта Хоразм” давлати тўғрисидаги илмий назария пайдо бўлган. Бу давлатга Геродот санаб ўтган халқлар – хорасмийлар, гирканлар, парфияликлар, саранглар ва таманейлар ерлари ҳам кирган деб тахмин қилинди. Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича (В.Тарн, Ф.Альтхайм), аҳамонийлар давридан олдин хорасмийлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Копетдоғ ёнбағирларида жойлашганлар. “Катта Хоразм” давлатининг маркази Марв ва Ҳирот атрофида бўлиб, бу давлатни Кир II бўйсундирган сўнг хорасмийлар Қуйи Амударё – Хоразм воҳасига кўчиб борганлар деб

фараз қилинди (В.Б.Хеннинг, И.Гершевич, И.В.Пьянков). Демак, бу назарияга кўра, хоразмликларни Қуйи Амударё ерларига жанубдан қадимги форслар сиқиб чиқарганлар.

Бошқа олимлар бу назарияга қарши бўлиб, хоразмликлар Ўрта Осиё жанубидан кўчиб келмаганлар. Хоразм давлати Қуйи Амударёда қадимги замонлардаёқ вужудга келган деб хулоса қилганлар (С.П.Толстов, М.Г.Воробьёва). Аммо бу давлатнинг чегаралари ҳозирги Хоразм воҳаси ҳудудидан анча кенг бўлиб, Ўрта Амударё воҳасидан бошлаб Орол денгизигача бўлган ерларни ўз ичига олган.

Бу ҳудудда мил.авв. VI–V асрларга оид 310 та уй–қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари маълумдир. Шулар жумласидан энг йириги Қўзалиқир мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган. Қўзалиқир мудофаа деворларининг тузилиши билан Бактриядаги Қизилтепа шаҳар деворларининг тузилишида анча ўхшаш аниқланди. Бактрия ва Хоразм шаҳар марказлари мудофаа деворларининг ўртасида жангчилар юриши учун махсус йўлак бўлган. Шаҳар деворларининг ён томонларида ўқ отиш учун мудофаа буржи қурилган. Деворларда ҳар 2 метрда шинаклар қолдирилган.

Археология манбаларга кўра, Хоразм воҳасида мил.авв. IX–VIII асрларга оид пахса ёки хом ғиштдан қурилган уй–жойлар, мудофаа деворлари ва турли меъморчилик иншоотлар аниқланмаган. Турар жойлар ярим ертўлалардан иборат, сопол идишлар эса қўлда ясалган ва кулолчилик чарҳи бу давр маҳаллий ҳунармандчилигида номаълум эди.

Хоразм моддий маданияти ҳамда бинокорлигидаги туб ўзгаришлар ва воҳада олдинги даврларда номаълум маданий анъаналарнинг пайдо бўлиши мил.авв. VII–VI асрлар билан белгиланади. Мазкур даврга оид Хоразмда хом ғишт ва пахсадан қурилган уй–жойларнинг қолдиқлари қазиб очилган. Қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривож топган (Қўзалиқир, Хумбузтепа, Хазорасп). Воҳа кулолчилигида чархдан фойдаланиш бошланади, темирдан меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар ишлаб чиқарилади, сарой шаклидаги иншоотлар, саждагоҳлар ва оташкадалар пайдо бўлади.

Бу ерда бронза ва темирдан ясалган меҳнат ҳамда ҳарбий қурооллар, сопол урчуқлар, жез игна, бигизлар, тош қурооллар, сопол идишлар топилган.

Хоразм воҳаси сопол идишлари Марғиёна, Бактрия ва Суғдиёна кулолчилик буюмларига ўхшаб, улардан унча фарқ қилмайди. Сопол идишлар ва бошқа моддий манбалар асосий хусусияти билан умумий маданиятга мансубдир. Бундан бинокорлик усуллари уй–жойларнинг тузилиши ва мудофаа тизими ҳам далолат беради. Илк темир даври¹да Ўрта Осиё жанубий вилоятларида жуда қадимги замонлардаёқ ривожланган маданий анъаналар Хоразм воҳаси аҳолисининг моддий маданиятига татбиқ қилинади.

¹ History of Civilizations of Central Asia. Vol. 1. France. 1996. P. 441-458.

Ўрта Осиё жанубий вилоятларини маданий умумийлик зироатчи аҳолининг кўшни–қариндошлиги, яқин урф–одатлари, тили, диний қарашлари ва маданий алоқалари бирлаштирган. Шунингдек, Марғиёна–Бақтрия аҳоли гуруҳларнинг (бинокорлар, хунармандлар, зироатчилар) Хоразм чегараларида ва айнан воҳа ҳудудига ёйилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Зироатчи аҳолисининг миграциялари форс подшоси Кир II нинг юришларидан анча олдинги даврларда бошланган. Миграциялар туфайли Жанубий вилоятлар жамоаларининг вакиллари ва Хоразм маҳаллий аҳолиси кўшилиб қоришиши сабабли янги маданий ва этник жараёнларга замин яратилган.

Бу даврга қадар Хоразм воҳасида Қуйисой маданиятига оид чорвадорлар ҳамда илк саклар истиқомат қилганлар (мил.авв. VII аср). Хусусан хоразмликлар – саклар ва бақтрияликлар этномаданий анъаналарининг қоришиши натижасида Хоразм воҳасида Қўзалиқир маданияти ҳамда хорасмийлар элати вужудга келган. Шундай қилиб, мазкур маданият Марғиёна–Бақтрияда бошлаб юқори даражада ривож топган цивилизация таъсирининг маҳсули эканлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Мил.авв. X–VIII асрларда Жанубий Сўғдиёнада (Қашқадарё воҳаси) кулолчилик чарҳда ишланган сопол идишларнинг пайдо бўлиши, қурилишда ҳом ғишт ва паҳсанинг ишлатилиши, уй–қўрғонлар ва айрим қалъаларнинг бино қилиниши Бақтриянинг Суғдиёнага маданий таъсирини ва бақтрияликлар томонидан баъзи воҳаларнинг ўзлаштиришини тасдиқлайди.

Бугунги кунга келиб, “Катта Хоразм” давлатига доир назария олимлар томонидан рад этилди. Хоразм воҳасида илк давлатчилик алоҳида воҳа – туманларда мил.авв. VII–VI аср чегарасида вужудга келган деган фикр ўртага ташланди.

Алоҳида деҳқончилик – чорвачилик воҳа–туманлардан иборат қадимги Хоразм давлати мил.авв. VI асрда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Жанубий Оролбўйи ерларида вужудга келган, деган хулосанинг тўғрилиги тасдиқланди. “Катта Хоразм” маркази Ҳирот ва Марв атрофида жойлашмаган, чунки ёзма манбаларга кўра, Марғиёна қадимги Бақтрия давлатининг таркибий қисми бўлиб, унинг йирик вилоятини ташкил этган.

Бақтрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Шу заминда бир–бирига яқин ҳолатда иккита қадимги истехком – Одойтепа ва Қушқала қурилган. Хоразмликлар эгалик қилган ерлар Суғдиёна, Марғиёна ва Бақтрияга тегишли ўлкаларга бориб тақалган. Балки шунинг учун ҳам Гекатей хорасмийлар – хоразмликлар вилоятини парфияликлардан шарқий томонда жойлаштирган. Геродот эса парфияликлар ва хорасмийларнинг ерлари чегарадош бўлган деб кўрсатган.

Кир II Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларини (Марғиёна, Бақтрия) истило қилиб, шу ҳудудлар бир қисм аҳолисини юртимизнинг шимолий

вилоятларига сиқиб чиқариш мумкин эди. Аммо, қадимги Хоразмда давлатчилик тизимининг вужудга келиши турли мураккаб маданий, этник ва сиёсий жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, ахамонийлар давридан олдинги замонларда бошланган. Бундан минтақадаги цивилизациянинг бирламчи марказларининг маданий таъсири ва аҳоли миграциялари катта аҳамиятга эга бўлган.

2.5. Фарғона водийси қадимги давлатчилиги масаласи.

Мил.авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тупроғида Фарғона, Чоч, Суғдиёна, Хоразм ва Бактрия (шимолий бир қисми) каби тарихий вилоятлар мавжуд бўлган. Уларнинг тараққиёти Ўзбекистон давлатчилиги тарихи билан бевосита боғланган. Шулар жумласидан Фарғона ва Чоч ахамонийлар ёзувларида ва дастлабки юнон тарихчиларининг асарларида тилга олинмаган. Ўрта Осиёдаги Ахамонийлар давлатининг шарқий чегаралари ҳозирги Ўратепа шаҳри атрофида ўтган деб фараз қилинади. Македониялик Александр даврида ҳам Чоч ва Фарғона водийсининг аҳолиси мустақил қолган.

Олимлар фикрига кўра, Ўратепа шаҳри атрофида жойлашган Нуртепа шаҳар харобаси ўрнида мил.авв. VI–IV асрларда Курушката номли (юнонча Кирополис), яъни «Кир шаҳри» жойлашган. Бу шаҳар муҳофаа деворлари билан ўралган, аммо унинг уй–жойлари ертўлалардан иборатдир. Суғд ҳунармандчилиги таъсири асосида Нуртепада кулолчилик чархида ясалган сопол идишлар ҳам тарқалган. Бу шаҳарга қадимги суғдлар асос солган бўлишлари мумкин.

Тошкент вилоятида (Чоч) илк темир даврида Бурғулик (Бурганли) маданияти ривожланган. Қадимги қабилалар асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланган. Муҳофаа деворлари билан ўралган йирик шаҳарлар аниқланмаган, турар жойлар ярим ертўлалардан иборатдир. Қадимги маконлардан қўлда ишланган сопол идишлар, бронза ўроқлар ва тош қуроллар топилган. Чоч вилояти аҳолисининг бир қисмини ахамонийлар ёзувларида тилга олинган «Суғдиёна нариги ёғидаги саклар» билан қиёслаш мумкин.

Мил.авв. I минг йилликнинг бошларида Фарғона водийсида Чуст маданияти ривожланади. Бу маданиятни яратган деҳқонлар ертўла, пахса ёки хом ғиштдан қурилган уйларда яшаганлар. Баъзи масканлар муҳофаа деворлар билан ўралган (Чуст, Далварзин). Далварзинда казиб очилган деворнинг қалинлиги 4,6 м келади.

Чуст моддий маданияти юксак даражада ривожланган. Қадимги ёдгорликларда топилган тош ва жез ўроқлар, пичоқлар ҳамда арпа, буғдой, тарик донлари ва улар учун қовланган ўралар чустликларнинг асосан деҳқончилик билан машғул бўлганликларидан дарак беради.

Қадимги аҳолининг турмушида темирчилик ва кулолчилик катта аҳамият касб этган. Чустликлар ясаган бронза ўроқ, камон ўқларининг пойконлари, тош ўроқ, пичоқ ва рангли сопол идишлар Марғиёна ва Бактрия буюмларига анча ўхшайди. Далварзинда мил.авв. VIII–VII асрларга оид темир қуроллар ҳам

топилган. Бу маълумотлар Фарғонада темирдан ишланган буюмлар тарқалганлигидан далолат беради.

Археологик манбалар асосида Фарғонада мил.авв.VII–VI асрларда мулкий табақаланиш жараёни, хунармандчилик, айирбошлаш ва савдо алоқаларининг кенг тарқалиши натижасида уруғчилик жамоаси ўрнида дастлабки давлатчилик вужудга келади деб тахмин қилинади.

Шу даврдаги Фарғона аҳолиси ҳаётида катта ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар содир бўлган. Бироқ қадимги ёзма маълумотлар бўлмаганлиги туфайли ўлкада дастлабки давлатларга ўтиш жараёни бизга анча номаълум бўлиб келмоқда.

2.6. Сўғд ҳудудида давлатчиликнинг вужудга келиши.

Турли манбалардаги Суғда, Суғуда, Суғдиёна номларининг келиб, чиқиши ва уларнинг маъноси ҳозирча номаълум. «Авесто»нинг Яшт китобида тилган олинган “Суғд макони Гава”—Суғдиёнанинг энг қадимги вилояти бўлиши мумкин. Баъзи маълумотларга кўра, Гава (Гау) – «буқа», «пода», Қашқадарё воҳаси билан боғланади. Бу сўз вилоятнинг жуда кўп географик номларидан такрорланиб сақланган (Гавдара, Гавхона, тоғлар Гау, чўкки Гау ва бошқалар). Эҳтимол, “Гава Суғда” атамасида “қудратли Суғд” тушунчаси ўз аксини топган.

Қашқадарёда энг қадимги деҳқончилик билан шуғулланган йирик марказлар ва уй–қўрғонлари қолдиқлари мил.авв. X—VIII асрлар билан белгиланади. Шулар жумласидан Сангиртепа, Янгитепа, Чироқчитепа, Ерқўрғондир. Мазкур даврга оид Яшт маълумотлари Гава Суғда ҳақида эълон қилади.

Қадимги юнон тарихчилари Суғдиёнани Бактрия ёки сак–массагетларга нисбатан камроқ тилга олганлар. Македониялик Александр юришларидан сўнг Суғдиёна ҳақида маълумотлар анча тўлиқ бўлиб, кенгайиб боради.

Суғдиёна – бу Зарафшон, Қашқадарё воҳаларида жойлашиб, жануби–шарқда Бактрия ва шимоли–ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Қадимги замонларда Суғдиёна муҳим савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашган. Суғдиёна ҳақида «Авесто», Геродот ва аҳамонийлар даври ёзувлари хабар қилади.

Суғдиёнанинг маркази Мароқанда шаҳри (сўғд тилида — Смароканса, «учрашув, анжуманлар жойи» деб таржима қилинади). Мароқанданингҳаробалари – бу ҳозирги Афросиёб шаҳар ҳаробаларидир. Аҳамонийлар даврида унинг майдони 219 гектардан иборат бўлиб, шаҳар мудофаа деворлари билан ўралган эди. Юнон тарихчиларининг маълумотларига қараганда, Мароқанданинг узунлиги 11 км га яқин ташқи девори ва қўрғони бўлган.

Суғдиёнанинг бошқа шаҳар марказлари – Қарши воҳасида Ерқўрғон, Қашқадарёнинг шарқий қисмидаги Узунқир (майдони 70 га) ва Самарқандан 30 км шимолда жойлашган Кўктепа (майдони 100 га)

ёдгорликларидир. Бу ёдгорликларда ўтказилган археология тадқиқотлар қадимги Суғдиёна аҳолисинг хўжалиги ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш имконини берди.

Топилган археология манбалар Суғдиёна ва Бақтриянинг бинокорлиги, моддий маданиятининг бир–бирига анча ўхшаш ва яқин эканлигидан далолат беради. Бу ўхшаш кенг маданий муносабатлар тараққий этиши асосида пайдо бўлган. Бундан ташқари, сўнгги ахамонийлар даврида уларни бир ўлка –сатраплик бирлаштирган. Ахамонийлар ёзувлари Суғдиёнадан Персеполис саройига ложувард олиб борилганлигидан хабар беради, аммо ложувард конлари фақат Бақтриянинг Бадахшон тоғларида борлиги маълум.

Суғдиёна худудига одамлар қадимги тош асридаёқ кириб келиб, ундан кейинги даврларда тоғ, дарё воҳалари бўйлаб кенг тарқала бошлаганлар. Қулай табиий–географик шароитда ибтидоий хўжаликлар ва моддий маданият ривожланган. Тош даврга оид археологик Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ ва Самарқанд маконларида топиб текширилган.

Мил.авв. IV–III минг йилликларга келиб Зарафшон қўйи оқимида Қалтаминор маданияти шаклидаги тош қуроллар ва сопол идишлар тарқалади. Бронза даврида Қўйи Зарафшон тошқин сувлари ирмоқлари ҳосил қилган зах ерларда деҳқончилик ривожланган.

Бронза даврида яшаш худудлари тобора кенгайиб борганлиги, табиий бойликлар, янги конлар, суғориладиган ерлар ва кенг яйловлар қадимги қабилаларга доим зарур бўлганлиги ҳақида Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашган Саразм маданияти далолат беради. Саразм топилмалари – кўп хонали уйлар, сопол буюмлар, қуроллар, зеб–зийнат буюмлари ва бошқалар мил.авв. IV минг йилликнинг охири – III минг йилликка оиддир.

Чорвадор қабилаларга мансуб Самарқанд яқинидаги Мўминобод, Зарафшон тоғлари ёнбағридаги Сазағон, Қўйи Қашқадарёдаги Гужайли ёдгорликлари топиб текширилди.

Мил.авв. VII асрга келиб, Суғд зироатчи аҳоли Шарқий Қашқадарё, Қўйи Қашқадарё, Ўрта ва Қўйи Зарафшон воҳаларида жойлашган. Суғдиёна худуди Нурота ва Ҳисор тизмалари ҳамда ғарбда даштлар билан чегаралланган. Ўтроқ вилоятлар марказлари Узунқир, Ерқўрғон ва Кўктепа ўрнида жойлашган. Мил.авв. VIII–VI асрларда Суғд худудида давлатчилик тизими ривожланган.

Видевдат китобида Гава Суғда “энг яхши мамлакатлар ва ўлкалардан бўлган” иккинчи юрт сифатида кўрсатилган. Яшт рўйхатида Бақтрия тилга олинмаган, аммо Суғд Хоразмдан олдин ва Марғиёнадан кейин айтиб ўтилган.

Назорат саволлари:

1. Ўзлаштирувчи хўжаликларга асосланган уруғчилик жамиятининг белгиларини таърифлаб беринг?
2. Ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асосланган жамият ҳақида сўзлаб беринг?
3. Бошқарув асосларининг вужудга келиши зарурияти нимадан иборат.

4. Ижтимоий бошқарув нима?
5. Марғиёна – Бактрия цивилизацияси тушунчасини таърифлаб беринг.
6. Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни қайси даврда бошланган.
7. Бронза даврига оид Сополли ва Жарқўтон ёдигорликлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Илк давлатлар шаклланишининг археологик белгиларига тавсиф беринг.
9. Бактрия подшолиги муаммоси қачон илгари сурилди?
10. “Катта Хоразм” ҳақида қарашларнинг хусусиятларини таърифлаб беринг.
11. Қадимий элат-хорасмийлар ҳақида маълумотлар қайси манбаларда ўз аксини топган?
12. Хоразм воҳасида давлатчилик қайси даврда пайдо бўлган?
13. Чуст маданиятига оид муҳим археологик ёдигорликларни тавсифлаб беринг.
14. Фарғона водийсида илк давлатчилиги тарихига оид қандай ёндашувлар мавжуд?
15. Қайси даврда Фарғона водийсида давлатчилик вужудга келган?
16. Суғдиёна ва Бактриянинг илк темир даври иқтисодий –маданий алоқаларини таърифлаб беринг.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. – Тошкент: Академия, 2009.
2. Асқаров А.А., Ширинов Т. Ранняя городская культура в эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарқанд, 1993.
3. Дьяконов И.М. Восточный Иран до Кира // История иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971.
4. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарқандского Согда. – Ташкент, 2002.
5. История государственности Узбекистана. Ответ.ред. Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Т.1. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
6. Қадимги давлатчилик ва урбанизация (тарихий лавҳалар) / Масъул муҳаррир Р.Х.Сулаймонов. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010.
7. Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудларида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. – Гулистон, 1998.
8. Массон В.М. Первые цивилизации. – Л., 1989.
9. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998.
10. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
11. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. –Тошкент: Адолат, 2001.

12. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. – Тошкент: Академия, 2006.
13. Сагдуллаев А.С. ва бошқ. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т., 2000.
14. Самарқанд. 2750 / Масъул муҳаррирлар Т.Ширинов, Ш.Пидаев, М.Қаршибоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
15. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургоб. –Ашгабад, 2002.
16. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Ўзбекистана VII в до н.э. – VII в н.э. – Т., 2000.
17. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент. Янги аср авлоди, 2003.
18. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Ташкент, 2000.
19. Шахрисабз. Мингйилликлар мерос / Илмий муҳаррирлар Э.Ртвеладзе, А.Сагдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 2002.
20. Эшов Б.Ж. Суғдиёна тарихидан лавҳалар. – Т., 2002.
21. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.

3- мавзу: Ўзбекистонда қадимги давлатчиликнинг турлари ва бошқарув шакли

РЕЖА:

- 3.1. Аҳамонийлар даври бошқарув тизими.
- 3.2. Македониялик Александр даврида давлат бошқаруви.
- 3.3. Салавкийлар даврида бошқарув тизими.
- 3.4. Юнон–Бақтрия подшолиги.
- 3.5. Хоразм, Қанг ва Даван давлатлари.
- 3.6. Юечжи–Кушон ва Кушон давлати.

Таянч сўзлар:

Аҳамонийлар даври

Сиёсий тарих, Куруш, Кир II, Курушкат, ташиқи босқинлар, ҳарбий юриши, Форс подшолиги, Аракс, Тўмарис, қўзғолонлар, Фрада, Дадаршиш, Доро I, сак юрти, Сқунха, Широқ, маъмурий–ҳарбий шаҳарлар, уй–қўрғонлар, мудофаа деворлар, меъморчилик, моддий манбалар, хунармандчилик, зироатчилик, “Амударё хазинаси”, “уй қуллари”, “вайса”, “гарда”, “курташ”, маданият, дин, Персепо́л саройи, ҳосилдорлик, оловга сизиниш, ибодатхоналар, Навруз, маросимлар, оромий алифбоси, ёзув.

Антик даври

Македониялик Александр, Бақтрия, Сугдиёна, Арриан, Курций Руф, Страбон, “География” асари, “Александр анабасиси”, Окс, кечув, қўриқчи қўшин, Мароқанда, пистирма, чангалзор, панагоҳ, сугдийлар, Спитаман, юнон–македонлар, хорасмийлар, Фарасмон, Гэфестион, Птолемей Лаг, бақтрийлар, Артабоз, Базаира, қўриқхона, Наутака, Кирополис, Яксарт, Александрия Эсхата, тарихий география, қадимги халқлар, этник ҳудудлар, этник чегаралар, ҳудудий жойлашиш, Аракс, Окс, ёзма манбалар, этнографик маълумотлар, Никшапа, Габаза, Паритака. Салавкийлар, Юнон–Бақтрия давлати, моддий маданият, Марғиёна девори, сатрап, подшо, Антиох, Аҳамонийлар давлати, олий суд, иш бошқарувчи, подшо девонхонаси, молия бошқарувчиси, солиқлар йиғимини бошқарувчиси, хат–хужжатлар ишларининг бошқаруви, бош қонун бошқаруви, қўшинлар бош қўмондони, епархлар, гепархлар, стратеглар, полислар, катойкиялар, Хоразм, турлар, сак қабилалари, апасиак, массагетлар, Оролбўйи, Фарасман, Хоразм тангалари, Афригийлар, Артав ва Артамуш, Қуйи Сирдарё, Кат, Тупроқ қалъа, Қанг, қангар, ёбгу, чжавоу, Қангдеиш, Қанг вилоятлари, кўчманчи, чорвадорлар, усунлар, Даван, Сима Цян, Фрагоник, Да–юан, Эрши, Ючен, Қорадарё, Шўрабашот маданияти, Хитой билан муносабатлар, Аравон, Обишир, Моцай, Ван, самовий отлар, Юечжи – Кушон, Страбон, Помпей Трог, Катта Юечжи,

сараукалар, ассианлар, Гуйшаун, Канишка, Гермей, Кужула Кадфиз, Кушон шаҳарлари, Далварзин, Холчаён, Талибарзу.

3.1. Ахамонийлар даври бошқарув тизими.

Мил.авв. VI асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё вилоятлари ахамонийлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган.

Эрондаги Ахамонийлар давлатига мил.авв.558 йилда подшо Кир II асос солган (форсча Куруш – «подачи» деб таржима қилинади). Кир II Эроннинг «Парсуа» (Форс) вилоятининг подшоси бўлиб, Мидия давлати подшоси Астиагга қарши уруш бошлаган. Бу курашда Астиаг енгилган.

Бундан кейин, Кир II қадимги Шарқдаги жуда кўп мамлакатлар устидан ҳокимиятини ўрнатишни режалаштирган. Тарихан қисқа муддат ичида, мил.авв.547–546 йиллар давомида, Кир II Кичик Осиё давлатларини истило қилди. Геродотнинг хабарларига кўра, Кир II нинг ҳарбий юришларига «Бобил, Бактрия халқи саклар ва мисрликлар тўсик бўлиб турганлар».

Кичик ва Олд Осиёда ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун иқтисодий бойликларни ва ҳарбий кучларни қўлга киритиш доим зарур бўлган. Қурол кучи билан янги мамлакатларни ва турли халқларни бўйсундириш Кир учун асосий мақсадга айланган.

Кир II Ўрта Осиёни қай тарзда босиб олганлиги ҳақида аниқ маълумотлар сақланмаган. Айрим қисқа маълумотлар Ктесийнинг «Персика» асарида бор. Қадимги юнон тарихчиси айтишича: «Кир ва бактрияликлар урушида ҳеч қайси томон вакиллари ғалаба қозонмаган». Бироқ, бактрияликлар, ахамонийлар давлатининг ҳарбий қудрати Шарқда устунлик қилганидан хабардор бўлиб, Кир II га ихтиёрий бўйсундилар. Кир II ва Бактрия урушлари ҳақида Ксенофонт ҳам ўзининг «Киропедия» асарида қисқа маълумот берган.

Геродот, Кир II нинг истилочилик режаларини кўрсатиб айтганда, Бактрияни истило қилиш Бобилдан кейин иккинчи ўринда турганлиги ҳақида хабар беради. Кир II Бобилни мил.авв. 539 йилда ўзига бўйсундирган. Демак, 539 йилдан кейин Кир II Бактрияга ҳужум қилиши керак эди. Аммо Кир II Ўрта Осиё вилоятларининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучларига аниқ даражада баҳо бериб, мил.авв. 545–540 йиллар давомида Ўрта Осиёнинг жанубий қисмига ҳарбий диққатини қаратган. Шунинг учун Геродотнинг маълумотлари тарихий жиҳатдан бирмунча нотўғри деб ҳисобланади.

Бобил подшолиги ва Миср ўша замоннинг қудратли давлатлари бўлиб, уларни истило қилиш учун махсус ҳарбий тайёргарлик кўриш керак эди. Мисрга қарши юришдан Кир II воз кечган ва мазкур давлатни унинг ўғли (Камбиз) истило қилган.

Эроннинг шимоли–шарқи ва Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳволининг ўзгариши туфайли Кир II Бобилни забт этиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлган. Ўрта Осиё кўчманчи қабилалари томонидан ахамонийлар давлатига қарши ҳужум уюштириш хавфи пайдо бўлиб, сакларга қарши қадимги форс давлати чегараларидаги мустаҳкам қалъаларидан ўз вақтда форс қўшинлари томонидан фойдаланиш режалаштирилган. Шунинг учун ҳам Бобилдан олдин, Кир II

Парфия, Ария, Марғиёна, Бактрия ва Сўғдиёнани ўзига бўйсундирган. Сирдарёга яқин, ҳозирги Ўратепа атрофида, Кир II янги мустаҳкам қалъага асос солган деб фараз қилинади. Бу Курушкат (Кир шаҳри) номли кудратли қалъа кўчманчиларга қарши истехком сифатида қурилган. Курушкатни (юнонча Кирополис) Македониялик Александр мил.авв.329 йилда вайрон қилган.

Мил.авв. 530 йилга келиб, аҳамонийлар Ҳинд водийсидан ЎртаЕр денгизигача бўлган ҳудудда ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлса–да, Ўрта Осиёдаги кўчманчи қабилалар мустақил бўлиб яшаган. Мил.авв. 530 йилнинг август ойида Кир II массагетларга қарши юриш қилган. Бу ҳарбий юриш ҳақидага қадимги давр муаллифлари – Геродот ва Трог–Юстин маълумотлари сақланган бўлиб, улар бу воқеаларни турлича тасвирлаганлар.

Географик жиҳатдан Кир II нинг массагетларга қарши юришлари йўналишини аниқўрганиш муаммоси жуда ҳам мураккабдир. Ўрта Осиё кўчманчилари Каспий денгизи билан Сирдарё ўртасидаги кенг ўлкада жойлашганлар. Кир II нинг кўшинлари Парфия чегараларидан ўтиб, Амударё – Ўзбой бўйларида яшовчи массагет қабилаларининг юртига кириб борганлар.

Кир II Аракс (Амударё) ўзанидан кечиб ўтиб, массагетлар ерларининг ичкарасига кириб борган. Юришларининг бир кунлик йўлидан сўнг, форс подшоси ортга қайтган. Аммо шу жойда, Геродотнинг хабарига кўра, Кир II ўз кўшинларининг заиф бир қисмини ҳамда улар билан бирга озиқ–овқатлар захираларини ва ичимликларни махсус қолдирган. Массагетларнинг бир гуруҳи форсларга ҳужум қилиб, уларни қириб ташлаганлар. Ғалабадан сўнг массагетлар шароб ичиб ухлаб қолганлар. Бундан сўнг собиқ жанг майдонига форсларнинг асосий кўшинлари қайтиб келиб, массагетларнинг бир қисмини жойида ўлдирганлар бошқа бирларини асирликка олганлар. Уларнинг орасида Тўмариснинг ўғли Спаргапис ҳам бўлган.

Геродотнинг хабарларига кўра, Тўмарис бошчилигидаги массагетлар форс кўшинларини бутунлай мағлубиятга учратиб, барчасини йўқ қилганлар. Геродот асарида айтилишича, массагетлар йўлбошчиси Тўмарис, уруш майдонидан Кирнинг жасадини топиб келишни буюрган ва унинг бошини кесиб, қон билан тўлғазилган мешга солган.

Бу ҳикояда ватанпарварлик, чет эл босқинчиларига қарши, мустақиллик учун кураш, она ер мудофааси ва халқнинг жасурлиги мавзуси ёритилган. Ўрта Осиё халқлари тарихи учун юқорида келтирилган маълумотлар ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Кир II вафотидан сўнг тахтга унинг ўғли Камбиз ўтирди. Унинг ҳукмронлик даври, яъни мил.авв. 530–522 йиллар Ўрта Осиё халқлари сиёсий тарихи ҳақида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумотлар йўқ. Камбиз Мисрни истило қилган қадимги форс подшосидир. Камбиз вафотидан сўнг мамлакатда катта қўзғолонлар бошланган. Бу ҳақида Доро I (мил.авв.522–486 йиллар) Бехистун ёзувида шундай хабар қилади: «Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Парфия, Марғиёна, Сатгагадия, Саклар мендан ажралиб чиқиб кетдилар». Аҳамонийларга қарши, айниқса халқнинг катта қўзғолони Марғиёнада аланга олган.

Бехистун ёзувида Доро I хабар қилади: «Марғиёна давлати мендан

ажралиб чиқиб кетди. Марғиёналик Фрада исмли бир киши вилоятнинг ҳокими деб эълон қилинди. Кейин мен Бактрия сатрапи ва менга бўйсунувчи одамим форс Дадаршишни ҳузуримга чақириб унга гапирдим: «Менга бўйсунмаганларни тор–мор қилиш керак». Ахурамазда иродаси билан менинг қўшинларим кўзғолончиларни бутунлай мағлубиятга учратди. Бу жанг асиядий ойининг 23 нчи кунида содир бўлди. Шундан сўнг давлат мени кўлимга кирди. Мана мен Бактрияда нималарни қилдим».

Мил.авв. 522 йилнинг 10 декабрида (қадимги форс асиядий ойининг 23 нчи куни) Дадаршиш марғиёналикларни тор–мор қилган. Кўзғолонни бостириш пайтда 55 минг одам ўлдирилган ва 7 минг киши асирликка олинган. Асосий воқеалар қуйи Мурғобда бўлиб ўтган, буерда Марғиёнанинг кўхна Марв шаҳри харобалари сақланган. Улар жумласидан Эрқалъа мил.авв.VII–VI асрларда вужудга келган. Эрқалъа – бу Марғиёнанинг пойтахти ва шунингдек аҳамонийларга қарши кўзғолоннинг маркази деб ҳисобланади.

Беҳистун ёзувларидаги охириги сўзлар «Мана мен Бактрияда нималарни қилдим» тушунарли эмас, чунки кўзғолон Марғиёнада кўтарилган. Бундан қуйидаги хулосани чиқариш мумкин – Марғиёнааҳамонийлар давридан олдин қадимга Бактрия подшолигининг таркибий қисми бўлган ёки кўзғолондан сўнг Доро I Марғиёнани Бактрия давлатига қўшиб олган.

Доро I бирлашган давлатни қайтадан тиклайди. Кир II давридан дунёнинг барча мамлакатлари устидан ҳокимлик ўрнатишга интиланган аҳамонийлар йиллар давомида жуда йирик давлатга асос солганлар. Доро I ўзидан олдин ўтган подшолар сиёсатини давом эттирган. Доро I қабрига қўйилган қабртошдаги битикларда: «Сен Эрон жангчисининг найзаси узоқ–узоқ мамлакатларгача бориб етганини билиб оласан» – деб ёзилган.

Қадимга форсларнинг Ўрта Осиё шимолига юришлари шафқатсиз яқунланганлигини ва Кирнинг массагетлар қабилалари билан қаттиқ жанг пайтида халоқ бўлганлиги Доро I нинг ташқи сиёсатида инобатга олиниб, мил. авв. 519 (518) йилда Доро I саклар (сака–тиграхауда)га қарши махсус юриш қилган.

Доро I хабар қилади: «Сакларга қарши мен Сак юртига бостириб бордим, уларнинг ўзлари чўққиқалпоқ кийиб юрадилар. Мен дарёга етиб келдим, дарё кемаларидан кўприк қилиб, саклар юртига хужум қилдим. Уларнинг сардори – Скунха исмли одамни тутиб, менинг ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз хоҳишим билан саклар юртига янги бошлиқ тайин қилдим. Шундан сўнг мамлакат менинг қўл остимга ўтди».

Доро I сак қабилалари устидан ғалабага эришган бўлса ҳам, Ўрта Осиё халқлари аҳамонийларга қарши озодлик курашларини давом эттирганлар. Қадимги дунё тарихи муаллифи Полиен, ўзигача етиб келган ҳикояларга асосланиб, жасур Широқтарихи орқали сакларнинг аҳамонийларга қарши қахрамонона курашини ҳикоя қилади. Широқўз жонидан кечиб, қадимги форс қўшинларини сувсиз чўл ва саҳронинг ичкарасига олиб кириб, сакларнинг маконларини душман хужумидан сақлаб қолди, бундан ўзи ҳам ҳалоқ бўлди.

Ўрта Осиёнинг бўйсундирилган ҳудудлари ва умуман, забт этилган қадимги Шарқ вилоятлари Доро I даврида алоҳида маъмурий ўлкаларга

бирлаштирилган. Бу маъмурий–ҳарбийўлкаларни идора қилган ҳокимларни қадимги форслар «хшатрапаван», юнонлар эса «сатрап»² деб атаганлар (қадимги форс тилидаги “хшатра” – “вилоят” атамасидан “сатрапия”, “сатрапликлар” тушунчаси келиб чиққан).

Беҳистун ёзувлари, Геродот ва Ктесий маълумотлари асосида, олимлар Бактрия сатраплари рўйхатини аниқлаганлар. Мил.авв. 530–522 йилларда Бактрия сатрапи вазифасини Кир Пнинг ўғли Смердис (Бардия) бажарган (Қамбиз подшонинг укаси), 522– 486 й. Дадаршиш, 486–480 ва 480–465 й. Ариамен билан Масист – Доро I ўғиллари, 465–423 й. Артабон Гистасп, мил.авв.335 йилгача маълумотлар йўқ, 335–329 йилларда Бесс – Бактриянинг охириги сатрапи бўлган.

Юқорида кўрсатилган рўйхатдаги Бактрия вилоятини идора қилган ҳокимлар тўрт вазиятда подшо ўғиллари ёки унинг ака– укаларидир. Муҳим савдо йўллари чорраҳасида жойлашган Бактрия аҳамонийлар давлатида катта иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам уни идора қилган сатраплар аҳамонийлар сулоласи вакиллари эди.

Геродотнинг айтишича, Доро I давлатни 20 та ўлка–сатрапияларга бўлган. Беҳистун, Нақши Рустам ва Суза ёзувларида форс подшолиги 24 сатрапликка ажратишиб кўрсатилган. Беҳистун ёзувлари рўйхатида Бактрия–16, Сўғдиёна–17 ўринда кўрсатилган. Геродотнинг маълумотларига кўра, Бактрия–12, саклар–15, Парфия, Сўғд ва Хоразм–16 маъмурийўлка бўлган. Геродотнинг «Тарих» асарида сатрапликларнинг подшога тўлайдиган солиқлар миқдори келтирилган.

Доро I нинг вафотидан сўнг унинг ўғли Ксеркс тахтга ўтирган (мил.авв.486 йил). Ксеркснинг ташқи ҳарбий сиёсати Эронни қурол кучи билан энг қудратли давлатга айлантириш жараёни давом этади. Ксеркс қадимги Юнонистон ва Европа мамлакатлари устидан ҳукмронлик қилиши ўз олдига муҳим мақсад қилиб қўйган. Ўрта Осиё халқлари – бактрияликлар, хоразмликлар, сўғдийлар ва саклар Ксеркс қўшинлари таркибида юнон – форс урушларида иштирок этганлар.

Марафон жангида сакларнинг отлиқ қўшинлари ниҳоят катта жасурлик кўрсатиб, юнонларнинг жанговар марказий қисмини чекинишга мажбур қилганлар. Бактрия ва сакларнинг чавандозлари аҳамонийлар қўшинларидаги энг жасур қисмларидан бири бўлиб ҳисобланган. Юнон–форс урушлари даврида Ўрта Осиё халқларининг ҳарбий қудрати катта аҳамиятга эга бўлган.

Кир II дан сўнг Камбиз ҳам, Доро I ва Ксеркс ҳам давлатни қайтадан тиклаш ва бирлаштиришга кўпдан–кўп ҳаракат қилганлар. Мил.авв. IV асрда сўнгги аҳамонийлар подшолари Артаксеркс II, Артаксеркс III ва Доро III тўхтовсиз урушларни давом эттиришга мажбур бўлиб, давлатни жуда ҳам заифлаштирганлар. Бундан ташқари, барча бўйсундирилган халқлар ўз мустақилликларини тиклаш учун форсларга қарши кураш бошлайдилар. Мил.авв. 334 йилда Македониялик Александр, қадимги Шарқдаги иқтисодий ва сиёсий инқирозлардан фойдаланиб, Аҳамонийлар давлатига қарши уруш бошлайди. Мил.авв. 334– 330 йиллар давомида Македониялик Александр Форс

² History of Civilizations of Central Asia. Vol. 2. France. 1996. P. 45-47.

подшоси Доро III ни тор–мор қилиб, Ўрта Осиё чегараларига етиб келади. Шу тариқа аҳамонийларнинг Ўрта Осиёдаги икки юз йиллик ҳукмронлиги тарихи тугайди.

Ўрта Осиё халқлари аҳамонийларга жуда катта миқдорда солиқлар тўлаганлар. Молия–солиқ ишлари сатрап–ҳоким қўлида бўлган. Вилоятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини сатраплар кузатиб борган. Бўйсундирилган ўлкалардаги бутун идора ишларини сатраплар назорат қилганлар.

Сатрап ўз ўлкасида вилоят, туман ҳокимлари ва қишлоқ оқсоқолларига таянган ҳолда бошқарувни амалга оширган. Унинг вазифалари сатрапликнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳарбий юришлар пайтида ўлкадан марказга қўшинлар юбориш, йиллик солиқларни белгиланган турларда ва миқдорла йиғиб, марказий давлат ғазнасига етказиб беришидан иборат бўлган.

Сатрапликларнинг бошқарув ташкилотига турли мансаб ва лавозимлар мавжуд эди. Девонхона бошлиғи, хазинабон, солиқ йиғувчи, суд ишларини юритувчи, хаттот-котиб, хўжалик ишлари бошлиғи шулар жумласидандир. Ўрта Осиё сатрапликлари муайян миқдорда белгиланган кумуш солиқлардан ташқари қишлоқ хўжалик, чорва ва хунармандчилик маҳсулотлари шаклида ҳам солиқ тўлашга мажбур эдилар.

Солиқ йиғилиши қишлоқ оқсоқоллари, туман ва вилоят ҳокимлари зиммасига тушган. Солиқлар сатраплар саройи ғазна омборхоналарида Бактра ва Мороқанда каби марказий шаҳарларда тўпланган. Сатрап ўлка миқёсидаги солиқларнинг йиғиб олиниши жараёнини назорат қилган. Сарой хазиначиси ва ҳисобчилари туман ва вилоятлардан етказиб берилган солиқлар турлари ва миқдори асосида иқтисодий-молиявий ҳисоботлар тайёрлаганлар. Ушбу маълумотлар марказий давлат солиқ ташкилоти томонидан режалаштирилган муддатда, махсус алоқа тизими хизматчилари – чопарлар орқали форс подшоси қароргоҳида жўнатилган.

Сатрапликлар хазинасидан маълум миқдорда айнан сатрапнинг хонадонлари мансабдорлар ва ҳарбийлар маош сифатида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган (ун, чорва, ёғ, сабзавот, вино, пиво ва бошқалар).

Забт этилган ҳудудларни идора қилиш мақсадида, подшо буйруқларини жойларга ўз вақтида етказиш ва сатраплардан турли маълумотларни тезкор олиш учун, аҳамонийлар давлатида махсус алоқа хизмати ташкил қилинган эди.

Ўрта ер денгизи буйидаги Кичик Осиёда Эфес шаҳридан бошланган “Шоҳ йўли” қадимги Форс давлати пойтахтларидан бири – Суза билан боғланган (масофаси 2470 км). Ушбу йўлнинг шарқий тармоқлари Бактрия орқали Сугдиёна ва Ҳиндистонгача давом этган.

“Шоҳ йўлида” хавфсизликни таъминлаш учун ҳарбий истехкомлар ва махсус масканлар қошида озиқ-овқат омборхоналари барпо этилган эди. Ҳар бир 30 км масофада чопарлар учун дам олиш ва отларни алмаштиришга имкон яратилган. Хизмат сафарида давлат ишларини амалга оширувчи мансабдорлар (ҳисобчилар, ҳарбийлар, текшириш ва назорат хизмати вакиллари) ушбу йўлда жойлашган омборхоналардан озуқа билан таъминланган.

Қадимги юнон тарихчиси Ктесийнинг хабарига кўра, Бактра шаҳридан

давлат пойтахти Сузага отланган амалдор ўз хизмат сафари давомида ҳар куни 1 – 1,5 кг ун, 1 литр вино ёки пиво ҳамда маълум миқдорда гўшт билан таъминланган.

Давлат миқёсида иқтисодий, сиёсий ва маъмурий ишларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида оромий алифбосига асосланган ёзувдан фойдаланилган. Жойларда турли хужжатлар маҳаллий тилларда таржима қилинган. Хоразм воҳасидаги Катта Ойбўирқалъада мил. авв. V – IV асрларга оид хум сиртида тиғ билан битилган оромий алифбосига асосланган хоразм ёзуви намунаси топилган. У ҳажм ўлчови бирлиги – “мари” деб ўқилган (1 мари 16,5 – 17 литрга тўғри келган). Бу ёзув Хоразм ёзувининг энг қадимги нусхаси ҳисобланади. Оромий ёзувини маҳаллий хоразм тилига (шунингдек, бактрия ва суғд тилларига) мослаштириш аҳамонийлар даврига тўғри келади.

Йирик ўлкаларнинг сатраплари аҳамонийлар сулоласидан бўлиб, форс подшоси номидан ўз ўлкаларини идора қилганлар. Бактрия ва Хоразм ҳокимлари хузурида махсус қалъалар ва йирик саройлар бўлган. Бактрия ўлкасининг иқтисодий бойликлари ва ҳарбий кучлари, сатрапларнинг ҳаддан ошиқ мустақиллиги аҳамонийлар подшосига қарши кўзғолонлар кўтаришга олиб келган.

Амударё хазинаси таркибида Эронда ва Юнонистонда (Афина шаҳрида) зарб этилган танга пуллар бор. Дастлабки танга пуллар эса мил.авв.VII асрда Кичик Осиё ва Афинада пайдо бўлган. Ўрта Осиё орқали қадимга алоқа ва савдо йўллари турли вилоятларни бирлаштирган. Бадахшонда бошланган «ложувард йўли», Ғарбий Сибир (Олтой)дан – «олтин йўл» Ўрта Осиё худудидан ўтиб, Ўрта ер денгизигача етиб борган. Қадимга йўллар савдони ривожлантириш ва алоқа хизматини кенг даражада йўлга қўйиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Тоғ даралари ёнида, дарёлардан кечиб ўтилган жойларда истехкомлар қурилган. Амударёнинг ўрта оқимида Одойтепа, Сурхондарёда Талашқонтёпа, Зарафшон тизмаси ёнбағридаги Узунқир ва бошқалар шулар жумласидандир. Улар ҳарбий аҳамиятга эга бўлган.

Ўрта Осиёда қулчилик муносабатлари қадимги Шарқ мамлакатлари ва қадимги Юнонистонга нисбатан анча фарқ қилиб, деярли ривожланмаган. Ўрта Осиёда қадимги қулчилик шаклларида бири «уй қулчилиги» бўлган. Элам ва қадимги форс ёзувларидаги «курташ» билан «гарда» сўзлари «уй қули» тушунчасини билдиради. Улар турли иқтисодий вазифаларни бажарган (мисол учун, «гарда–хунарманд», «гарда–бинокор»лар).

«Уй, хонадонқули» «Авесто»да «вайса» деб аталади. «Вайса» ва «гарда»лар катта оила жамоаси эркин аъзолари билан умумий уйда яшаганлар. «Уй қулларининг» меҳнат фаолияти хунар касби, деҳқончилик, уй чорвачилига ва бошқа ишлаб чиқариш вазифалари билан боғланган. Уларнинг сони жамоанинг эркин аъзоларига нисбатан анча кам бўлган. Қишлоқ жамоаларнинг иқтисодий ҳаётида жамият мустақил вакилларининг меҳнати – ишлаб чиқаришни асосий ривожланаётган кучи эди.

«Уй қуллари» камбағаллашиб қолган, хонавайрон, иш қидириб юрган мардикорлар ва қарздор жамоа аъзолари бўлишлари мумкин эди. Бу кишиларнинг барчаси жамоанинг эркин аҳолисидан келиб чиққан ва уларнинг

пайдо бўлиши иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг ўзгариши билан узвий боғланган.

Ёзма манбаларнинг хабарига кўра, Кичик ва Олд Осиё шаҳарларида Сўғдиёна ва Бақтриядан олиб келинган «курташ»–«уй қуллари»дан бинокорлик, тоштарошлик ва қуролсозлик ишларида кенг фойдаланганлар.

Қуллар аҳволига тушиб қолган одамлар подшо ва сатраплар устахоналарида, саройларида ва ерларида ҳам меҳнат қилганлар. Эрон ва Олд Осиёда «курташ» ва «гарда»лар хусусий мулкка эга бўлмаганлар. Ўрта Осиёнинг ижтимоий вазиятига кўра, улар эркин аҳолининг «мулки» бўлганлиги ҳақида ҳам ёзма манбаларда аниқ маълумотлар йўқ.

3.2. Македониялик Александр даврида давлат бошқаруви

Александр Македонский фақат забт этиш билан чекланмасдан, балки улкан империя барпо этишни, “халқлар, урф-одатлар, қонунларнинг қоришмасидан яхлит бир халқ, маданият яратиш” ни мақсад қилган эди.

Александр босиб олган худудларида давлат идоралари тузумини ўзгартирмай, қандай бўлса шундайлигича қолдирган, фақат ўзи барпо этган шаҳарларни юнон полисларига ўхшатиб қурган. Александрнинг ўзи олиб борган урушларини, қон тўқишларни халқларга озодоик бериш, уларни миллий чекланишлардан қутқариш билан изоҳлаган. Саркардаларига ҳам шу фикрни сингдирган. Александр шахсияти, характерида қарама-қарши хусусиятлар кўп бўлган. Бир томондан, у ўз одамларига меҳрибон саркардадек таасурот уйғотса, иккинчи томондан, ҳеч қандай эътирозга чидамайдиган, энг яқин, унга умр бўйи хизмат қилган (Парменион, Филото, Клит, Каллисфен каби) кишиларни ўлимга маҳкум этувчи золим шоҳ.

Александр қанчалар кучли ва тажрибали кўшин ва лашкарбошиларга эга бўлишига қарамай, Бақтри ва Сўғдиёна халқидан чўчиб қолади. Чунки, Ўрта Осиёнинг эрксевар маҳаллий туб жойли аҳолисининг ташқи душманга қарши нафрати кучли эди. Шунинг учун юнонлар мустамлака ўлкаларни бошқаришда барча зарурий чораларни кўришга киришадилар.

Биринчи навбатда истилочилар маҳаллий аслзодалар билан тил топишиш, улар билан қон-қориндошлик ишларини боғлаш, шу йўл билан маҳаллий аҳолига яқинлашиш чораларини кўриш зарурий эканлигига катта аҳамият берадилар. Бу масалада Искандарнинг ўзи бошқаларга намуна бўлди. Унинг буйруғи билан барча ҳарбий бошлиқлар, ҳатто, оддий жангчигача маҳаллий аҳоли қизларига уйланиб, қон-қоариндошлик ришталарини боғлашлари зарур эди.

Шарқ ва Ғарб бирлигини яратиш мақсадини рамзи сифатида Александр Сузада оммавий никоҳ тўйи уюштиради. Аввало ўзи юқорида таъкидланганидек, маҳаллий зодагоннинг қизи Роксанага уйланади. Мил.авв. 324 йилда эса Сузада бир кунда 10 минг жангчи шоҳ яқинлари Гефестион, Кратер, Птоломей, Салавк, Пердикка ва бошқалар Шарқ аёлларига уйландилар.

А.С. Сагдуллаевнинг фикрича, бундай никоҳлар аниқ сиёсий мақсад – янги давлатчилик барпо этиш ғояси билан боғланган эди. Бу давлат нафақат

турли халқларнинг сиёсий бирлашмаси бўлибгина қолмай, балки унинг келажакда македонлар ва Шарқ зодагонлари қон-қариндошлиги ворислигига таянган давлатга айланиши режалаштирилган эди.

Шарқда Александр бошқарув фаолияти дастлаб Юнонистоннинг айрим демократик анъаналарига (ҳарбий йўлбошчилар кенгаши, кўшинлар йиғини) асосланган эди. Кўшинлар йиғинида суд ишлари кўриб чиқилиб, жиноят ва жазо масалалари қатъий муҳокама қилинган. Подшога қарши фитна, хиёнат, исёнга даъват этиш энг оғир жиноятлар бўлиб, ушбу жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланган. Қатл ҳукми кўшинлар йиғинида қабул қилинган. Шарққа қилган юришлари тутаганидан сўнг Александр бу ҳудудларда барпо этган ўз салтанатида Аҳамонийлар давлат бошқарувидаги идора-тартиб усулларини ўзгартирмаган. Яъни, сатраплик бошқаруви ва солиқлар йиғиб олиш тизими деярли ўзининг илгариги ҳолатида сақлаб қолинган.

Александр босиб олинган ҳудудларда маҳаллий халқ вакилларида ҳокимларни тайинлаган. Ёзма манбаларнинг маълумот беришича, Александр даврида маҳаллий аҳоли вакилларида Фратафарн-Гирканида, Артабоз-Бактрияда, Оксиарт ва Хориен-Суғдиёна вилоятларига ҳокимлик қилганлар. Мил.авв. 325 йилда Оксиарт қўл остига Паропамис-Ҳиндикуш вилояти топширилади.

Юнонларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги Александр Македонский истилосидан бошланиб, қарийб икки юз йил то Юнон Бактрия давлати инқирозигача давом этди. Бу даврдаги дипломатик муносабатларни икки даврга ажратиш мумкин: биринчи давр – Александрнинг Ўрта Осиё халқлари билан муносабатлари; иккинчи давр – Салавкийлар ва Юнон Бактрия даври муносабатлари.

Мил. авв. 329 йилда Александр Мароқандда бўлган вақтда скиф – абийлардан, шунингдек, европалик скифлардан элчиларни қабул қилган. Шундан сўнг Александр дўстлик ниқоби остида уларга жавобан ўз элчиларини жўнатган, аммо асл мақсад скифлар ерларининг табиатини билиш, аҳоли сони ва қурол-яроғ таркибини аниқлаш бўлган. Мил. авв. 328 йилда Европа скифларидан яна элчилар келган. Уларнинг ўз қизларини Александр ва унинг саркардаларига бериш таклифини Александр рад этган. Бундан ташқари Фарасман бошчилигидаги элчиларни ҳам Александр Ўрта Осиёда бўлган пайтда қабул қилганлиги маълум.

Шундай қилиб, биринчи давр Ўрта Осиё давлатлари ва қабилалари бирлашмаларининг Александр Македонский билан турли хил тинчлик шартномалари ва ҳарбий иттифоқлар тузишда ифодаланган дипломатик фаолликнинг ошганлиги билан характерланади.

3.3. Салавкийлар даврида бошқарув тизими

Салавкийлар давлатида бошқарувнинг мураккаблиги сабаби бу давлат катта ҳудудларни камраб олган бўлиб, унда ривожланиш даражаси турлича бўлган кўплаб вилоятлар мавжуд эди.

Марказдан четда бўлсада, Ўрта Осиё Салавкийлар давлатнинг энг муҳим қисми бўлиб, бошқарув жиҳатидан бу ерда аҳвол бирмунча мураккаброк

вазиятда эди. Биринчидан, бу ҳудуднинг бошқарув марказларидан узоқлиги алоқа қилишда қийинчиликлар туғдирса, иккинчидан, Салавкийлар давлати³ чегараларида жойлашган кўчманчилар доимий хавф солиб турар эди. Мил.авв. III асрдан бошлаб кўчманчиларнинг кўчиши бошланиши натижасида чегаралардаги бу хавф янада кучаяди.

Қарам этилган халқларни зўравонлик билан ушлаб туриш ва эгалланган ҳудудларни бошқариш Салавкийлар давлати олдида турган муҳим вазифаларидан бири эди. Салавкийлар давлати бошқарув шаклига кўра монархия бўлиб, уни мутлақ ҳокимиятга эга бўлган подшо бошқарган. Подшо фуқаролар маъмурияти олий бошлиғи бўлиб, шунингдек у олий бош қўмондон, олий судья, қонун чиқарувчи вазифаларини бажарган. Олий ҳарбий ҳокимиятнинг подшо ихтиёрида бўлиши, марказий ҳокимиятнинг устунлигини таҳминлаш учун зарур эди. Аммо бу бошқарув усули шарқий вилоятларда кейинчалик бузилган бўлсада, ғарбий вилоятларда сақланиб қолган эди. Салавка I «Подшо томонидан буюрилган барча нарсалар доимо адолатлидир» деган тамойилга қатъий амал қилган. Салавкийлар сулоласи подшолари босиб олиш ва ҳокимиятни отадан болага мерос қолдириш каби ҳуқуқларга эга эдилар.

Салавкийлар давлатининг ниҳоятда катта ҳудудларни қамраб олганлиги айрим ҳолларда маъмурий назоратнинг сусайиб кетишига сабаб бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бир нечта маҳаллий сиёсий уюшмалар (алоҳида қабилалар, юнон полислари, ибодатхона жамоалари, маҳаллий сулолалар) ички ишларда мустақил сиёсат олиб боришга ҳаракат қилганлар.

Салавка I Александр аънаналарига содиқ қолиб, сатрапияларни йирик вилоят уюшмалари сифатида сақлаб қолди. Салавка I давлати Аҳамонийлар ва Александр давлатига нисбатан анча кичик бўлиб, ҳокимият сатрапияга (манбалар 27-28 тадан 72 тагача сатрапия бўлганлиги ҳақида маълумот беради) ва нисбатан кичик ҳудудий бирлашмалар – эпархия, гипархия, топархияларга бўлинган. Салавкнинг мақсади сатрапликларнинг қудратини пасайтириш ва улар устидан ҳукмронликни кучайтиришдан иборат эди. Аммо Антиох I даврида сатрапликлар яна йириклаштирилди.

Салавкийлар даврида сатрап (ёки стратег) мансабидаги шахс сатрапликни бошқарувчиси ҳисобланган. Сатраплар подшо томонидан тайинланган. Салавкийлар даври сатраплари аҳамонийлар давридаги сатраплардан фарқли ўлароқ ҳам маъмурий, ҳам ҳарбий бошқарувни қўлга олган. Сатраплар қўлида катта ҳокимият бўлган, аммо уларда олий ҳарбий ҳокимият йўқ эди. Сатрап (ёки стратег) маъмурий бошқарувда ўзига ёрдамчи танлаган бўлиб, у солиқ йиғувчилар фаолияти, ички ва ташқи савдо, хўжалик ҳаётини назорат қилган.

Салавкийлар ҳокимияти Ўрта Осиёдаги ҳарбий пунктларда (катоикиялар) жойлашган ҳарбий кучларга таянган эди. Стратоник, Александр, Гиеракс, Антиох каби сатраплар номининг манбаларда учраши, давлат бошқарувида македонлар ва юнонлар асосий мансабларни эгаллаганлигидан дарак беради. Бошқарувда айрим ҳолларда маҳаллий зодагонлар хизматидан ҳам

³ History of Civilizations of Central Asia. Vol. 2. France. 1996. P. 88-90.

фойдаланилган. Шунингдек, Салавкийлар даври бошқарув тизимига хос хусусиятлардан бири давлатдаги ҳукмрон шахс вакиллари наслий томондан юнон-македон ва маҳаллий зодагонларнинг авлоди (аралаш никоҳ) бўлиши лозимлигидадир. Зеро, Антиох I (Салавка ва Спитаман кизи Апаманинг ўғли)нинг шарқий вилоятлар бошқарувини ўз қўлига олишида ҳам ушбу қариндошчилик ҳисобга олинган.

Салавкийлар давлати яхлит бир халқдан иборат бўлмай, балки турли этник гуруҳларни ҳарбий йўл билан бирлаштириш орқали ташкил топган эди. Давлат бошқарувининг барча сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий йўналишлари подшо саройи билан боғлиқ бўлган. Подшо саройи давлат бошқарувида катта аҳамиятга эга эди. Аҳамонийлар давлатида бўлгани каби салавкийлар давлатида ҳам кўпгина давлат ишларини олиб борувчи девонхона мавжуд бўлган. Салавкийлар саройидаги хат-хужжат ишларининг бошлиғи лавозими ҳақида маълумотлар манбаларда учрайди.

3.4. Юнон–Бақтрия подшолиги

Юнон–Бақтрия давлатининг салавкийлардан ажралиб чиқиши юнон зодагонларининг кўзғолони хусусиятига эга бўлиб, унга Бақтрия аҳолиси томонидан қўллаб–қувватланган Диодот бошчилик қилади. Тадқиқотчилар Юнон–Бақтрия давлати пайдо бўлган турли саналарни белгилайдилар (мил. авв. 250–248 йй). Бу давлатнинг асоси Бақтрия бўлиб, баъзи ҳукмдорлар даврида (Евтидем, Деметрий, Евкратид) Ҳиндистоннинг шимоли–ғарбий қисми, Амударё ва Сирдарё ўртасидаги катта ерлар қўшиб олинади.

Бақтриянинг салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши хусусида римлик тарихчилар Помпей Трог ва Юстинда узук–юлуқ маълумотлар сақланган бўлса–да бу ҳақда батафсил маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан мавжуд тангашунослик, айрим хўжалик ҳужжатлари, санъат ёдгорликлари, суғориш иншоотлари ва иморатлар қолдиқлари берган маълумотлар асосида бу давлатдаги ижтимоий–иқтисодий ва маданий ҳаёт ҳақида маълум тасаввурларга эга бўлиш мумкин. Аммо, Юнон–Бақтрия⁴ давлатининг сиёсий тарихи кўп ҳолларда қиёсий солиштириш ва тахминларга асосланади.

Юнон–Бақтрияда давлат подшо томонидан бошқарилган бўлиб, тангашунослик маълумотлари Диодот I, II, III, Евтидем I, II, Деметрий, Гелиокл, Платон каби подшолари ҳақида хабар беради. Салавкийлар каби Юнон–Бақтрия подшолари ҳам давлатни сатрапликларга бўлиб идора этганлар.

Юнон–Бақтрия мулкларининг чегаралари доимий мустаҳкам бўлмасдан, ҳарбий–сиёсий вазиятдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Мил.авв. III асрнинг охирлари Ўрта Осиё жанубидаги ҳарбий–сиёсий вазият ҳақида Полибий маълумотлар беради. Унинг ёзишича, салавкийлар томонидан Бақтрада қамал қилинган Евтидем уларнинг ҳукмдори Антиох III га «чегарада кўчманчи қабилалар турганлиги ва улар чегарадан ўтадиган бўлса ҳар иккала томоннинг ҳам аҳволи оғир бўлиши мумкинлигини» билдиради. Полибий маълумот берган ушбу кўчманчилар мил.авв. III асрнинг охирларида Зарафшон дарёсига қадар

⁴ History of Civilizations of Central Asia. Vol. 2. France. 1996. P. 99-100.

деярли бутун Суғдни эгаллаган бўлиб, бу ҳудудлар Юнон–Бақтрия давлатининг вақтинчалик шимолий чегараси бўлиб қолади. Шунингдек, Ҳисор тоғлари ҳам шимолий чегаралар бўлган бўлиши мумкин.

Юнон–Бақтрия давлатининг гуллаб яшнаган даври мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми ва II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Жанубий ҳудудлардаги бу даврга оид Жондавлаттепа, Ойхоним, Қорабоғтепа каби ёдгорликлардан ҳокимлар саройлари, ибодатхоналар, турар–жойлар, меҳнат ва жанговар қуроллар, турли хунармандчилик буюмлари ҳамда кўплаб танга пулларнинг топилиши бу ҳудудлардаги ижтимоий–иқтисодий ва маданий ҳаётдаги ривожланиш жараёнларидан далолат беради.

Юнон–Бақтрия марказлашган давлат бўлиб, ҳокимиятни подшо бошқарар эди. Давлат бир нечта вилоят (сатрапия) ларга бўлинган бўлиб, бу вилоятлар бошқарувчилари ёки ҳокимлари подшога бўйсунар эдилар. Аммо, бу даврда давлатда нечта сатрапиялар бўлганлиги ва улар қандай номланганлиги маълум эмас. Страбон маълумотларига кўра, сатрапияларга ноиб сатрапларни тайинлашда қариндошчилик анъаналарига амал қилинган бўлиши мумкин.

Юнон–Бақтрия подшолиги давлат тузилишининг муҳим томони – кўшин ва уни ташкил этиш эди. Аввало, таъкидлаш лозимки, юнон–бақтрия кўшинларининг катта қисмини бақтрияликлар ва бошқа маҳаллий аҳоли ташкил этган. Кўшиннинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари отлик–суворийлардан иборат бўлган. Кўшинлар таркибида ҳарбий филлар ҳам бўлган.

Ўз вақтида В.В.Григорьев Бақтриядаги юнон ҳокимияти ягона монархия томонидан амалга оширилмай давлатлар уюшмаси (иттифоқи) томонидан амалга оширилгани, даставвал, нисбатан кучлилар, улар орасидан «бақтрияликлар», кейин эса «уларга тобе бўлганлар» ҳақидаги концепцияни илгари сурган эди. Ҳозирги вақтда кўпчилик тадқиқотчилар Юнон–Бақтрия подшоларининг бошқарган ҳудудлари шимолий Афғонистон, жанубий Ўзбекистон ва Ҳиндикушдан жанубдаги айрим вилоятлар бўлганлигини эътироф этадилар. Бу ҳудудлардаги марказлашган давлатда Диодот I, кейин эса Евтидем I (яъни, мил.авв. III асрнинг иккинчи ярми) даврларида кучли подшо ҳокимияти мавжуд эди. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Юнон–Бақтрия подшолигининг инқирозига қадар давлатда мутлақ бирлик ва барқарорлик бўлмаган.

3.5. Хоразм, Қанғ ва Даван давлатлари.

Хоразм воҳасини ўраб олган даштларда кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилалари истиқомат қилган. Улар Шарқий Каспийбўйи ва Оролбўйи оралиғидаги Қуйи Амударёнинг Каспий денгизига қўйилган Узбой ўзани соҳилларида ва Қуйи Сирдарёнинг эски ўзанлари (Инкардарё, Қувандарё) атрофларида жойлашган.

Чорвадорлар бу ҳудудларда жуда эрта пайдо бўлганлар. Адабиётларда мил. авв. IX–VIII асрларга оид чорвадор сардорлари ва оқсоқоллари дафн этилган Тагискен мақбалари “Авесто”да тилга олинган “тура” – турлар маданияти билан қиёсланиб, Инкардарё ҳавзасида Қанғға вилоятининг маркази жойлашган деган фикр ўртага ташланди. Мил. авв. VIII – VII аср чегарасида

Қуйи Сирдарё худудидан келиб чиққан илк саклар қуйи Амударёнинг сўл соҳил ерларида жойлашади, шунингдек, уларга кўшни даштларда массагетлар ёйилган. Кейинги даврларда шарқий Оролбўйи худудларида турли сак қабилалари: апасиак, сакаварка, аугасий ва тохарлар яшаган. Улар ва Хоразм воҳаси аҳоли ўртасида иқтисодий – маданий алоқалар ривожланган.

Ушбу мавзунинг тарихий жиҳатларини ўрганиш жараёнида талабалар қуйидаги ҳолатларга эътибор беришлари лозим:

- Хоразм мил. авв. V– IV аср чегараси ёки мил. авв. IV аср бошларида Аҳамонийлар давлати таркибидан чиқиб, мустақил давлат сифатида ривож топди;

- Хоразм Салавкийлар ва Юнон–Бақтрия давлатлари ҳамда Кушон салтанати таркибига кирмади;

- Хоразм Қанғ давлатининг таркибий қисми ва унинг маркази бўлмаган;

- Хоразм тарихида Қанғ, Қангуй маданияти, даври ҳукм сурган деган қарашлар эскириб, илмий адабиётларда рад этилди.

Антик даври Хоразм давлатининг бошқарув шакли подшо ҳокимиятидан иборат эди. Аррианнинг асарида Александр ҳузурига етиб келган Фарасман “хоразмликларнинг подшоси” деб аталган. Фарасман келиб чиққан сулоланинг номи фанда маълум эмас. Мил. авв. IV–III асрларга оид Хоразм тангалари топилмаган. Бу даврда Хоразм давлатининг худудий чегаралари ва таъсир доираси Жанубий Оролбўйи, Ўрта Амударё ва Шарқий Каспийбўйи ерлари билан белгиланган. Эҳтимол, бу даврда Узбой орқали Каспий денгизига сув йўли хоразмликлар назоратида бўлган.

Мил. авв. II аср охирларидан Хоразм подшолари Юнон–Бақтрия подшоси Евкратиднинг тангаларига ўхшатиб, ўз кумуш тангаларини зарб эта бошлаганлар. Бу тангаларда подшо–чавандоз тасвирланган. У кўчманчи қабилаларнинг рамзи бўлиб, мил. авв. II асрда Хоразмга кириб келган юечжи – тохарлар сардорларининг ҳукмронлигини акс этади. Аммо, мазкур ҳукмронларнинг исмлари номаълум.

Милодий I асрда давлатда янги сулоланинг ҳукмронлиги бошланади. I–III аср бошларига оид мис тангаларидаги ёзувларида ҳозирча бу сулоланинг икки вакили – Артав ва Артамуш исмлари ўқилган.

Африғийлар сулоласи тахтни қўлга киритиши ҳақида Беруний маълумот келтирган. Мазкур воқеа 304–305 йилларга тўғри келади деб анъанавий ҳисобланиб келган. Бироқ, бу йил санасига нисбатан нумизматика (тангашунослик) материаллари асосида янги ёндашув вужудга келди (Э.В.Ртвеладзе). Унга кўра, сулоланинг биринчи подшоси Вазамар (Африг) эди. Вазамар – бу подшо исми, Африг эса – оила, уруғнинг номидир. Шу боисдан, сулолани Вазамарийлар (Африғийлар) деб аташ таклиф қилинди. Агар подшо Вазамарнинг ҳукмронлиги бошланғич йил санаси инобатга олинса, Вазамарийлар (Африғийлар) хоразмшоҳ Маъмунга қадар Хоразмда 600 йилдан зиёд ҳукмронлик қилганлари аниқланади.

Хоразм воҳаси антик даври тарихини ўрганишда Хоразм археологик экспедицияси ходимлари улкан хисса қўшганлар (С.П.Толстов, А.В.Анрианов,

М.Г.Воробьева, Ю.А.Рапопорт, Б.И.Вайнберг). Уларнинг изланишлари ва кашфиётлари туфайли, Хоразм цивилизацияси, қадимий шаҳарлари, моддий ва маънавий маданият обидалари бутун жаҳонда машҳур бўлди. XX асрнинг 90–йиллари ва XXI аср бошларида ўзбекистонлик қадимшуносларининг Хоразмдаги янги археологик тадқиқотларини қайд этиб ўтиш лозим (М.Мамбетуллаев, В.Н.Ягодин, Ғ.Ходжаниязов, Қ.Собиров, С.Баратов, А.Абдиримов).

Антик давр Ўзбекистон ҳудудларида тараққий этган давлатлардан бири – Қанғ давлатидир. Қадимги Хитой манбаларида Қанғ давлати мавжуд бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар мил.авв. II асрга тўғри келади. Қанғ давлати мил. авв III асрнинг бошларида пайдо бўлади. Юнон–Бақтрия давлати ва кўшни кўчманчи қабилалар билан бўлган курашлар натижасида Қанғ давлати янада мустақамланади ҳамда манбаларда Ўрта Осиёдаги йирик давлатлардан бири сифатида тилга олинади. Давлатнинг номи “қанғ”, “қанғар”, “қанғуй” деб номланувчи қабиланинг номидан олинган бўлиб, этимологияси мунозарали ҳисобланади.

Қанғ давлати асосини ташкил этган қабилалар Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида истиқомат қилганлар. Давлат ташкил топган дастлабки даврда унинг ҳудудий асосини Тошкент воҳаси ташкил этган. Ташқи ҳарбий ҳужумлар туфайли Қанғ давлати нафақат мустақамланиб олади, балки ўз чегараларини ҳам кенгайтириб боради. Яъни, мил.авв. II ва милодий I асрда Қанғ давлатининг ҳудуди анча кенгайиб Тошкент воҳаси, Ўрта Сирдарё ерлари, Талас водийси ва Чу дарёсининг қуйи оқимидаги ерларни ўз ичига олар эди.

Қанғ давлати ҳақида бизгача етиб келган манбаларда бу давлат ҳокимияти қандай идора қилингани, бошқарув тартиби ва шакллари ҳақида аниқ маълумотлар сақланиб қолмаган. Катта Хан сулоласи тарихида (мил. авв. 202–мил. 25 йй) Қанғ подшоси ўз оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш тутганлиги ҳақида маълумот берилади. Бундан хулоса чиқарган тадқиқотчилар ўша даврда ташкил топган Қанғ давлатида кенгаш муҳим рол ўйнаганлигини, давлат кенгашида қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашганликларини ҳамда уларнинг фикри ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлайдилар. Демак, ўша даврларда подшо саройи қошида кенгаш мавжуд бўлиб, подшонинг ички ҳамда ташқи сиёсати ва бошқа барча давлат ишлари ва бошқаруви билан боғлиқ масалалар ана шу кенгаш йиғилишида ҳал қилинган.

Қанғ давлатига қарашли ерлар бир нечта вилоятларга (ёки мулкларга) бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирини жобғу ёки ёбғу (қад. Хитой манбаларида – чжаову) деб номланган ҳокимлар бошқарган. Жобғулар мамлакат бошқарувида Қанғ подшоларининг асосий таянчи ҳисобланган. Жобғулар подшоларга яқин кишилардан, уларнинг қариндошларидан, йирик уруғ–қабила бошлиқларидан тайинланган.

Ўрта Осиёнинг шарқида, Сирдарёнинг юқори ҳавзасида жойлашган қадимги Фарғона антик давр тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган эди. Фарғона ҳақида юнон–рим муаллифлари маълумотлар бермайдилар. Бу давлат ҳақидаги ёзма маълумотлар асосан Хитой манбаларида – Чжан Цян

маълумотларида, Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар», Бан Гуннинг «Биринчи хан сулоласи тарихи» асарларида берилади. Бу манбаларда ушбу давлат «Даюан» ёки «Да-ван» номи остида эслатилади. Фарғона сўзи Суғд манбаларида «Фрагоник» шаклида ёзилиб «тоғлар орасидаги водий, атрофи берк сойлик» маъносини беради. Хитой манбаларидаги Дайюан ҳам «тоғлар орасидаги водий» маъносини беради.

Даван давлати тарихи бўйича узоқ йиллардан буён тадқиқот ишлари олиб борилиб, сўнгги йилларда ўзбек олимларидан А.Асқаров, А.Хўжаев, Б.Матбобоев, А.Анорбоев, С.Қудратов, Б.Абулғозиева, Б.Абдуллаев, Абдуҳолик Абдурасул ўғли кабилар археологик маълумотларни ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш асосида самарали ишлар олиб бораётган бўлишларига қарамай, бу йўналишда ҳали кўпгина масалалар ўз ечимини топмаган. Даван давлати шаҳарларининг аниқ жойлашуви, давлат тизими ва бошқаруви, давлатнинг чегаралари, қўшни давлатлар билан муносабатлар, маҳаллий маданиятнинг қўшни маданиятлар билан муносабатлари масалалари шулар жумласидандир.

Қадимги Фарғона аҳолиси бронза давридаёқ булоқ сувлари бирлашувидан пайдо бўлган Қорадарё тармоқлари ҳавзаларида ўзига хос суғорма деҳқончилик маданиятини яратадилар. Илк темир ва антик даврга келиб Фарғонада маҳаллий маданиятлар анъаналари асосида тараққий этаётган қадимги деҳқончилик маданиятлари бутун водийни қамраб олади ва аҳолининг ўтроқ ҳаёт тарзи жамият иқтисодий асосини ташкил этади. Тадқиқотлар натижаларига кўра, мил.авв. III асрдан бошлаб бутун Фарғона водийсида шаҳарсозлик маданияти кенг ёйилади. Айнан мана шу даврда Фарғона водийси орқали ўтган Буюк ипак йўли тармоқлари бўйлаб Ахсикент, Марҳамат, Кубо, Марғилон, Боб (Поп) каби кўхна шаҳарлар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам мил.авв. II асрга оид Хитой манбалари Фарғонада 70 та катта–кичик шаҳарлар борлиги ҳақида маълумот беради.

Сима Цяннинг «Тарихий хотиралар» асарида Даваннинг иккита пойтахти – Эрши ва Ючен бўлганлиги ҳақида хабар берилади. Бу шаҳарларнинг жойлашуви масаласида олимлар орасида ягона фикр йўқ. Улар Ўзган, Мингтепа (Марҳамат), Қўқон, Косон, Ахсикент, Ўратепа ёки Жиззах ўрнида жойлаштирилади.

Энг қадимги ёзма манбалар Ўрта Осиёдаги айрим илк давлат уюшмалари ҳақида маълумотлар берсада, Фарғона ҳақида бундай маълумотлар учрамайди. Шунга қарамасдан Ю.А.Заднепровский Қадимги Фарғона (Даван) подшолигининг мавжуд бўлганлигини тахмин қилади. А. Асқаровнинг фикрича, мил.авв. I минг йилликнинг ўрталаридан олдинги даврдаги Фарғона ҳақида сўз юритилганда одатда фақат «чифдом» (воҳа) шаклидаги қадимги давлат асосларининг пайдо бўлиши англашилади. Олимнинг фикрича, мана шу ҳолатни ҳисобга олиб Фарғонада давлатчилик, афтидан, мил. авв V–IV асрларда пайдо бўлган бўлиши мумкин.

А. Асқаровнинг бу хулосаси иккита тарихий далилга асосланган. Биринчиси, айнан мана шу даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашот маданияти) ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлиги (маҳсулот ишлаб

чиқариш ва савдо сотиқнинг ўсиши) ҳақидаги тахминларни илгари суриш имконини беради. Иккинчиси, мил.авв. II асрдаёқ Фарғонада кўп сонли шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумотлар бор.

Мил. авв II асрдан бошлаб Қашғардан Даванга шимолий йўлдан карвон йўли ҳаракати бошланади. Бу йўлдан ипак ва бошқа маҳсулотларнинг халқаро транзит савдоси амалга оша бошлайди. Бу пайтга келиб Даван аҳолиси кўпая бошлайди ва кўплаб мустақамланган аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Савдо йўлида Даван муҳим аҳамиятга эга бўлиб боради. Ясса ва Қорадарё воҳаларида кўпгина қалъалар савдо йўлини кўриқлаш мақсадида барпо этилган.

Мил.авв. 125 йилда Даванга келган Хитой элчиси Чжан Цян бу ерда қишлоқ ва шаҳарлари обод, суғорма деҳқончилик ва хунармандчилик хўжаликлари юксак ривожланган, кучли ҳарбий кучларга эга давлатни кўради. Чжан Цян Даваннинг қишлоқ хўжалиги ҳақида маълумот бериб, шундай ёзади: «Ўтроқ аҳоли ер ҳайдайди, ғалла ва шоли экади, уларда мусаллас навли узум, жуда кўплаб яхши отлар бор. Даваннинг барча жойларида узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бузилмай сақланади». Шунингдек бу элчи, бу давлат аҳолиси жуда хушмуомала, меҳмондўст, кўнгли очик одамлар эканлиги ҳақида маълумот беради.

Хитой манбалари қадимги Фарғонада деҳқончилик маданияти юқори даражада ривожланганлигини исботлайди. Хитойликларни айниқса, ўзлари учун нотаниш бўлган беда ва узум ҳайратга солган. Манбаларда яна шундай маълумот бор: «Хитой элчиси уруғ келтирди, шунда осмон фарзанди (Хитой императори) унумдор ерга беда ва узум экди». Даванликларнинг боғларида узумдан тащқари анор, ўрик ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлган. Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пайдо бўлишини Даван билан боғлайдилар.

Хитой манбалари, шунингдек, қадимги Фарғона чорвачилигининг ўзига хос томони бўлган йилқичиликнинг юқори даражада ровожланганлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Даван давлати антик даврда машҳур зотдор отлари билан шуҳрат қозонган эди. Манбалардан маълум бўлишича, уларни етиштириш билан ўтроқ аҳоли шуғулланган. «Даванда яхши отлар бўлиб, улар Эрши шаҳридадир, отларни яширадилар ва Хан элчисига беришга рози бўлмайдилар». Даваннинг машҳур «самовий отлари» тасвирлари туширилган қоятош суратлари бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган.

Хусусан, Ўшдан 8 км узокликдаги Айримчатовнинг қоя адирларида 30 та чиройли зотдор отларнинг тасвирлари бор. Худди шунга ўхшаш тасвирлар Марҳамат яқинидаги Аравон қоясидан, Навқат воҳаси ва Обиширсойдан ҳам топилган. Бу тасвирлар Даван ўзининг самовий отлари билан қадимдан машҳур бўлганлигини тасдиқлабгина қолмай, фарғоналикларнинг юксак санъат соҳиблари бўлганликларидан ҳам далолат беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўшни давлатлар, хусусан, Хитой императорлари Даван отларини ниҳоятда қадрлаганлар.

Даван давлати маълум бир сиёсий уюшмани ташкил этган бўлиб, давлатни бошқарувчи ҳукмдор манбаларда «Ван» (подшо) унвони биланиш

юритгани эслатилади. Манбаларда «Ван» унвонига эга бўлган Моцай, Чань Финь, Муғуа, Янъю каби ҳукмдорларнинг номлари сақланиб қолган. Ягона ҳукмдор бўлган подшо, яъни, «Ван» давлат аҳамиятига молик бўлган ишларни оқсоқоллар кенгашига суянган ҳолда олиб борган. Манбаларнинг маълумот беришича, подшога яқин кишилар (одатда унинг қариндошлари) орасидан ёрдамчилар – битта катта ёрдамчи (Фу ван) ва битта кичик ёрдамчи (Фу–го–ван), тайинланган. Давлат ҳукмдори ёки подшо мамлакатнинг сиёсий ва диний ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган. Бу жараёнда оқсоқоллар кенгашининг ҳам аҳамияти кам бўлмаган. Оқсоқоллар уруш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал этишда иштирок этганлар, баъзан улар ҳукмдорнинг тақдирини ҳам ҳал қилганлар. Мисол учун, манбаларда қайд этилишича, урушда мағлубиятга учраганлиги учун ҳукмдор Ван Моцай оқсоқоллар кенгашидаги умумий овоз беришда айбдор деб топилган ва қатл қилинган.

3.6. Юечжи–Кушон ва Кушон давлати.

Тарихий манбалар Юнон–Бақтрия давлати кўчманчи қабилалар томонидан тор–мор этилганлиги ҳақида маълумот беради. Страбон маълумотларига кўра, Бақтрияни ассиёлар, пассианлар, тохарлар, саклар қабилалари босиб оладилар. Помпей Трог хабар беришича, – “Бақтрия ва Суғдиёнинг скиф қабилалари сараукалар ва ассианлар босиб оладилар”. Аслида эса ҳар иккала тарихчи ҳам битта қabila ҳақида маълумот берган.

Қадимги Хитой манбаларида Бақтрияни юечжи қабилалари босиб олганлиги ҳақида маълумот берилади. Мил.авв. II асрнинг иккинчи чорагида (тадқиқотчилар бу санани мил.авв. 172–161 йиллар оралиғида деб белгилайдилар) юечжилар хуннлардан мағлубиятга учраганидан сўнг Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида кўчиб юрадилар. Бу қабилалар Хитой манбаларида “Да–юечжи” – “Буюк” ёки “Катта юечжи” деб эслатилинади. Чжан Цзян маълумотларига кўра, юечжилар хунн қабилаларидан мағлубиятга учрагач Ўрта Осиёнинг жанубига томон ҳаракат қилиб, Дахя (Бақтрия)ни босиб оладилар ва Гуйшуй (Амударё)нинг шимолий томонида жойлашадилар. Катта Хан уйи тарихида ҳам юечжилар Гуйшуй дарёсининг шимолий томонида ўз пойтахтларига асос солганликлари таъкидланади.

Юечжилар мил.авв. 140–130 йиллар оралиғида Бақтрияга бостириб кирганлар. Орадан кўп ўтмай Бақтрияда Катта юечжи давлати ташкил топади. Кичик Хан уйи тарихи маълумотларига кўра, Катта юечжи ҳукмдорлари қўл остида бешта хоқимлик (Хи–хэу) бор бўлиб, улар Хюми, Шаунми, Гуйшуан, Хисе ва Думилардан иборат эди. Хитой манбаларидан хулоса чиқарган кўпчилик тадқиқотчилар Бақтрия тарихидаги бутун юечжи даврини уч босқичга бўладилар:

1. Мил.авв. 139–125 йиллар – Катта юечжи Дахя вилоятини босиб олади, аммо уларнинг асосий мулклари Амударёдан шимол томонда эди.

2. Мил.авв. 25 йилга қадар – Катта юечжи давлатининг шаклланиши ва кейинги ривожланиши. Давлатнинг пойтахти Амударёдан шимол томонда бўлиб, жанубий чегараси Гибин атрофларида (Кашмир ёки Қандаҳор) эди.

Юечжилар бўйсундирган ҳудудлар Хисе, Шаунми, Гуйшуан, Хюми, Думи мулкларидан иборат бўлиб, улар хи–хоу (ябғу) томонидан бирлаштирилган.

3. Мил.авв. 25 йилдан кейин Катта юечжи давлатининг инқироzi ва юқорида эслатилган мулкларнинг мустақил бўлиши. Кушон (Гуйшуан) ябғуси Киоцзюкю (Кужула Кадфиз) қолган тўртта мулкни бирлаштириб Кушон давлатига асос солди.

Таъкидлаш лозимки, маданий ва ижтимоий–иқтисодий тарихга нисбатан Кушон давлатининг сиёсий тарихи кам ўрганилган масала ҳисобланади. Кушонларнинг ҳокимият тепасига келиш санаси, ушбу давлат тарихини даврлаштириш айрим кушон ёзувлари, тангашунослик маълумотлари, қисман Хитой манбалари, буддавий маълумотлар ва илк ўрта асрлар манбаларига асосланади. Тадқиқотчилар Кушон давлати тарихини қуйидаги учта босқичга ажратадилар:

1. Юнон–Бақтрия подшолари ҳукмронлигининг тугатилиши ҳамда Ўрта Осиё ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида бир нечта алоҳида давлат уюшмаларининг ташкил топиши (мил.авв. II асрнинг охири – I аср).

2. Буюк Кушон давлатининг пайдо бўлиши ва гуллаб яшнаши (милодий I–III асрлар).

3. Кўчманчиларнинг тинимсиз урушлари натижасида Кушон давлатининг инқироzi ва қулаши (III аср охири – IV аср).

Кушон давлатининг пайдо бўлиши ҳақида кўпроқ Хитой манбалари ва тангашунослик маълумотлари хабар беради. Умуман, Кушонлар салтанатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши узоқ вақт тадқиқотчилар орасида баҳсларга сабаб бўлган бўлсада, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу масалага кўплаб аниқликлар киритиш имконини берган тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, 1961 йил Лондонда ўтказилган халқаро симпозиум, 1968 йил Душанбеда ўтган ЮНЕСКО конференцияси, 1970 йил Кобулдаги халқаро анжуман Кушон давлати масалаларига бағишланган бўлиб, ундан кейин ҳам бу масала бўйича кўплаб халқаро анжуманлар бўлиб ўтди.

Мил.авв. I асрнинг охири – мил. I асрнинг бошларига келиб, Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю барча мулкларни бирлаштириб, Кобулистон ва Қандаҳорни забт этади. Натижада бу даврга келиб дастлабки пойтахти Сурхон воҳасидаги Далварзин кўҳна шаҳри харобалари бўлган Кушон давлати ўз аҳамиятига кўра антик давр Хитойдаги Хан давлати, Парфия подшолиги, Рим салтанати билан рақобатлаша оладиган қадимги дунёнинг энг қудратли ва забардаст давлатларидан бири сифатида ташкил топди. Хитой манбаларидаги “Гуйшуан ҳокими Киоцзюкю”, илк Кушон даврига оид топилма тангалар акс эттирилган “Кушон подшоси Кужула Кадфиз”га айнан мос тушади.

Тангашунослик маълумотларига таянган тадқиқотчиларнинг фикрича, Кужула Кадфиз ёки Кадфиз I 80 йилдан зиёдроқ умр кўриб 50–60 йил давлатни бошқариб, тахминан милодий 35 йилда вафот этади. Ўзининг ҳукмронлиги даврида Кадфиз I Бақтриядаги унча катта бўлмаган юечжи мулклари ҳукмдоридан Бақтриядан ташқари ғарбий ва жанубий Афғонистон ва шимолий Ҳиндистонни ўз таркибига олган қудратли давлатнинг подшоси даражасига кўтарилади. Аммо, манбаларнинг гувоҳлик беришича Кадфиз I даврида Кушон

давлати тўла шаклланиб бўлмаган эди. Ҳар ҳолда, бу даврда Кушонлар ўз тангаларига эга бўлмай, Кадфиз I Рим императорларига (Август ва Тиберийга) тақлид қилиб танга зарб эттирган.

Манбаларнинг далолат беришича, Кужуладан кейин тахтга унинг ўғли Вима (Гима) Кадфиз (Кадфиз II) ўтиради. Хитой муаллифлари Кадфиз II тахтга ўтирганидан сўнг “Тянчжу (Марказий Ҳиндистон)ни забт этди ва у ерга ўз саркардаларидан бирини бошқариш учун қолдирди. Шу даврдан бошлаб юечжи кучли ва бой давлатга айланди”, деб хабар берадилар. Бу хабарни тангашунослик маълумотлари ҳам таъкидлайди. Кадфиз II зарб эттирган тангаларнинг ўнг қирғоқ Бактриядан, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг жанубий туманларидан топилиши бу ҳудудларнинг Кушон давлати таркибига кирганлигидан далолат беради. Тангашуносларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотларига кўра, Кадфиз II зарб эттирган “Шоҳлар шоҳи – буюк халоскор” деган ёзув бор тангалар Ҳиндистон, Афғонистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Бундай тангалар Ашхобод, Хоразм, Тошкент воҳаси, Сурхондарё, Қашқадарё, Панжикент ҳудудларидан ҳам топилган. Кадфиз II нинг Рим салтанати билан алоқалар ўрнатганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Кушон подшолари ичида энг машҳури Канишка ҳисобланади. Унинг ҳукмронлиги даврида Кушонлар салтанати гуллаб–яшнашининг юқори чўққисига кўтарилади. Канишка даврида Панжоб, Кашмир вилоятлари мамлакатга кўшиб олинади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, давлатнинг пойтахти Далварзиндан Пешовар (Афғонистон) атрофларига кўчирилади. Бу даврда (мил. II аср) мамлакатнинг ҳудуди Шимолий Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиёнинг катта қисми, Шарқий Туркманистондан иборат эди. Сюань Цзяннинг ёзишича, “Канишка подшолик қилган даврда унинг шон шухрати кўшни мамлакатларга ёйилди. Мамлакатнинг ҳарбий қудрати кўпчилик томонидан тан олинди. Хитойнинг ғарб томонидагилар ҳам Канишканинг ҳокимиятини тан олиб, унга ўз гаровга қўйган одамларини юборар эдилар”.

Кушон подшолиги руҳонийлар қўлидаги давлат бўлиб бу давлатда подшо ҳокимиятни бошқариш билан бирга бош коҳин ҳам ҳисобланган. Подшолик сатрапияларга бўлинган бўлиб, уларнинг ноиблари подшо томонидан тайинланган. Кушон подшолиги марказлашган давлат ҳисобланиб, давлатда қишлоқ жамоаларининг аҳамияти ниҳоятда катта бўлган.

Назорат саволлари:

1. Сиёсий тарих деганда нимани тушунасиз?
2. Кир II нинг Ўрта Осиёга юришлари қачон бошланган?
4. Форслар ва Тўмарис бошчилигидаги массагетлар жанги ҳақида гапириб беринг.
5. Доро I нинг Марғиёнада Фрада кўзғолонини тор–мор этиши ва сакларга қарши юришини таърифланг.
6. Аҳамонийлар давридаги сатраплар нима?
7. Мил.авв. VI–IV асрларга оид Ўрта Осиёнинг иқтисоди ва ижтимоий тузуми масаласига доир қисқа реферат тузинг.

8. Аҳамонийлар даври маданияти ва дини тўғрисида нималарни биласиз?
9. Македониялик Александрнинг юришлари қайси юнон–рим муаллифларнинг асарларида ўз аксини топган?
10. “Александр анабасиси” нимани англатади?
11. Салавкийларнинг ҳокимият тепасига келиши тўғрисида нималарни биласиз?
12. Салавкийларда давлат бошқаруви қандай кечган?
13. Юнон–Бақтрия давлати қандай пайдо бўлди?
14. Юнон–Бақтриянинг давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
15. “Эллинлашган Шарқ” тушунчасига изох беринг.
16. Хоразм давлатининг тарихий жиҳатларини ўрганишда нималарга эътибор бериш лозим?
17. Африкийлар сулоласи ҳақида нималарни биласиз?
18. Хоразм шаҳарсозлиги ва меъморчилиги тўғрисида гапириб беринг.
19. Қанғ давлати ҳақида умумий маълумот беринг.
20. Қанғ давлатининг худуди, бошқаруви ва этник муносабатлари қандай эди?
21. Даванда давлатчилик пайдо бўлиши ҳақида нималарни биласиз?
22. Давандаги ижтимоий–иқтисодий ва сиёсий ҳаёт қандай кечган?
23. Катта юечжи ҳақида нима биласиз?
24. Кушон давлати тарихи нечта босқичга ажратилади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алимова Д.А., Филанович М.И. Тошкент тарихи (қадимги даврдан бугунги кунгача). – Тошкент, 2009
2. Бикерман Э. Государство Селевкидов. – М., 1985.
3. Буряков Ю.Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Ташкент: Фан, 1982.
4. Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Вост.лит.РАН, 1999.
5. Выдающиеся памятники археологии Узбекистана / Науч.ред. Э.В.Ртвеладзе. – Ташкент, 2013.
6. Дандамаев М.А. Политическая история ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985.
7. Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980.
8. История государственности Узбекистана. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
9. Қадимги Кеш – Шахрисабз тарихидан лавҳалар / Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. – Тошкент: Шарқ, 1998.
10. Массон В.М. Культурогенез Древней Центральной Азии. – Спб.: Изд-во Спб.Ун-та, 2006.

11. Массон В.М. Цивилизации древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации). ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып.30
12. Матбобаев Б.Х. Ферганское государство Давань // История государственности Узбекистана. Т. I. – Ташкент, 2009.
13. Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фарғона. // Ўзбек давлатчилиги тарихида қадимги Фарғона. Маъруза матнлари. – Наманган, 2001. – 23–40 бб.
14. Насимхон Рахмон. Турк ҳоконлиги. - Тошкент, 1993.
15. Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: названия и территория). – Душанбе: Дониш, 1982.
16. Рапопорт Ю.А. Неразик Е.Е. Левина Л.М. В низовьях Окса и Яксарта. Образы Древнего Приаралья. – М., 2000.
17. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
18. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государство, культуры Центральной Азии. – Ташкент, 2005.
19. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент, 2002.
20. Ртвеладзе Э.В., Лившиц В. Памятники древней письменности. – Ташкент: Узбекистан, 1985.
21. Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
22. Сагдуллаев А. Поход Александра Македонского в Согдиану. – Ташкент: Узбекистан, 2009.
23. Самарқанд. 2750 / Масъул муҳаррирлар Т.Ширинов, Ш.Пидаев, М.Қаршибоев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
24. Сулаймонов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент, 2000.
25. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта. – М., 1962.
26. Уилбер Д. Персеполь / Пер.с англ.Е.Л.Власовой. – М.: Наука, 1977.
27. Филанович М.И. Государство Кангюй // История государственности Узбекистана. Т. I. – Ташкент, 2009.
28. Фрай Р. Наследие Ирана. – М.: Востлит, 1972.
29. Ходжаниязов Ғ. Қадимги Хоразм муҳофаа иншоотлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
30. Шахермайр Ф. Александр Македонский. – М.: Наука, 1986.
31. Шониёзов К.Ш. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990.

4- мавзу: Ўрта асрларда давлатчилик ва бошқарув масалалари

РЕЖА:

4.1. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача).

4.2. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши. Моварауннаҳрда бошқарув.

4.3. Сомонийлар давлати.

4.4. Қорахонийлар давлати.

4.5. Ғазнавийлар ва салжуқийлар давлати.

4.6. Хоразмишоҳ - ануштегинийлар давлати.

4.7. Чигатой улуси.

Таянч сўз ва иборалар

Кидарийлар, хионийлар, эфталийлар, ички ва ташқи курашлар, Кидар, Пиро, “оқ хунлар”, Прокопий Кесарский, тегин, ҳоқон, Лазар Парбский, массагетларнинг етакчи уруғи, “Мадинат-ат-тужжор”, қалъали истеҳкомлар. Девори қиёмат, Кампирак, Ривдад, Кушония, Арқуд, “камони чочий”, маъмурий марказ, Заҳарик, Дарғом, “кадивар”лар, шаҳаншоҳ Перўз, халқаро савдо, буддавийлик, христианлик, монийлик, епископлик, метрополия, турк эл, туркаш, тукю, тукдус, қабила бошлиғи ҳоқонлар, сиёсий ва маданий мерос, кишкялик Земарх, Баҳром Чубин, Ғарбий Турк ҳоқонлиги, Сўёб, ябғулар, тудунлар, Тўн ябғу, “ўн ўқ эли”, “шод”.

4.1. Илк ўрта асрлар давлатчилиги тарихи (V-VIII аср ўрталаригача).

Милоднинг IV-V асрлари Ўрта Осиё тарихининг муҳим босқичларидан ҳисобланади. Улкан Кушонлар давлати ички ва ташқи курашлар натижасида бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетади. Ўрта Осиёнинг жанубида унинг таркибидан Тохаристон ва Марв ажралиб чиқади. Улардан шимолда эса Суғд алоҳида бўлса, унинг шарқий томонида Уструшона жойлашади. Уструшонага туташ ҳудудларда Фарғона, Ўрта Осиёнинг шимолий ҳудудларида Чоч ва Хоразм мулклари мустақил эди.

Бу даврда Ўрта Осиёда бўлиб ўтган сиёсий жараёнлар кўп сонли ички ва ташқи урушлар билан боғлиқ эди. Шунингдек, милодий IV-V асрлар Ўрта Осиё ҳудудларига кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши, қабилалар иттифоқи юзага келиши натижаси бўлган, янги сиёсий кучлардан бири кидарийлар бўлиб, улар ҳақидаги асосий маълумотлар Хитойнинг Бэйши солномасида ҳамда ғарб муаллиф тарихчиларидан бири Приск Панийский маълумотларида учрайди.

Кидарийларнинг дастлабки, ватани Шарқий Туркистон эди. Бэйши солномасида берилишича, юечжилар хумдори Цидоло жужанлар ҳужуми туфайли ўз қароргоҳини Боло (Балхга) га кўчирган. Яна шу манба хабар беришича, Кидар Шимолий Ҳиндистонга юриш қилиб Гандҳардан шимолдаги 5 та давлатни ўзига бўйсундирган. Айрим тадқиқотчилар, кидарийлар⁵ Шарқий Туркистондан кўчишни бошланган сўнг улар икки қисмга бўлиниб, катта қисми шимоли-ғарбий Ҳиндистонга, кичик қисми эса Ўрта Осиёга жойлашадилар, деган фикрни илгари сурадилар. Кидарийларнинг Ўрта Осиёга жойлашуви масалалари билан шуғулланган тадқиқотчиларнинг фикрича, уларнинг маркази Балх эмас балки Қарши атрофларидаги Ерқўрғон кўҳна шаҳри бўлган. Аммо, бу фикрни кўпчилик олимлар эътироф этмайдилар ва балки Қарши атрофларида кидарийларнинг қандайдир кичик гуруҳлари жойлашган бўлиши мумкин деган фикрни билдирдилар.

Япониялик тадқиқотчи К.Еноки брахмий ёзувида зарб этилган, “Кидара Кушон ша” деган ёзув битилган тангаларни ўрганиб, улар тахминан 390-430 йилларга мансуб деган хулосага келади. Ҳинд олими А.Биварнинг хулосаларига кўра, бундай тангалар иккита ҳоким томонидан бир вақтнинг ўзида зарб этилган бўлиши мумкин. Енокининг фикрича, кидарийлар Тохаристон ва Гандҳарни 412-437 йиллар оралиғида ўз қўл остиларига бирлаштирганлар.

Айрим тадқиқотчилар кидарийларни Шарқий Туркистондан кириб келган кушонлар қолдиғи бўлиши мумкин деган фикрни илгари суришади. Шунингдек, кидарийларнинг Ўрта Осиёнинг жанубидаги хионийлар билан иттифоқчилиги ҳамда уларнинг Эронга қарши биргаликдаги ҳаракатлари тўғрисидаги тахминлар ҳам бор.

Тадқиқотчилар Кидар ҳукмронлик қилган даврни IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрнинг биринчи чораги билан белгилайдилар. Кидар (ёки Кидара) аввал бошда Эрон шоҳи Шопур II га бўйсунган. Оқ хунлар бостириб келиши билан ўз ўғли Пирони Пешоварда қолдириб Шимолга йўл олган. Оқ хунлар билан кураш манбаларда 400-йилларга тўғри келиши таъкидланган. Кидар Шопур II (309-379 йй.) нинг замондоши бўлиб, авваламбор кушонлар ҳокимиятининг давомчиси сифатида уларга бўйсуниб келган ҳамда хионийлар ёрдамида Бактрияда кушонлар ҳокимиятига чек қўйган.

Кидарийлар тез орада Амударё ўнг ва чап қирғоқ ҳавзаси ҳамда Суғднинг катта қисмини эгаллайдилар. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, кидарийлар Эрон сосонийлари билан кўп марталаб урушлар олиб борадилар. Бу урушлар айниқса сосоний подшолари Варахран V (420-438 йй.) ва Ёздигард II (438-457 йй.) даврларида айниқса авжига чиқади. 456 йилда бўлиб ўтган навбатдаги ҳарбий тўқнашувлардан сўнг катта талофатга учраган кидарийлар қайта ўзларини ўнглаб ололмадилар. Бу воқеадан кейин кидарийлар ҳақида маълумотлар деярли йўқ. Фақатгина улар Ҳиндистонда Гупта давлатини эгаллаб бу ерда 75 йил ҳукмронлик қилгани, 477 йилда Гандҳардан Хитойга элчилар юборгани маълум холос.

IV аср ўрталарида Ўрта Осиё ерларига шимоли шарқдан хион

⁵ History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. France. 1996. P. 119-130.

қабилалари бостириб кирадилар. Тарихда хионийлар номи билан машхур бўлган бу қабилаларнинг асли ватанини айрим тадқиқотчилар Орол бўйида деб ҳисоблайдилар. Хионийлар хун қабилаларига қон-қариндош бўлганликларидан бўлса керак, ғарб тарихчилари уларни “оқ хунлар” деб атайдилар. IV асрнинг ўрталарида анча кучайган хионийлар жанубга томон ҳаракат қилиб сосонийлар билан тўқнашадилар. Бу тўқнашувлар ҳамда хионийлар йўлбошчиси Грумбат, уларнинг Суриядаги Умда шахрини қамал қилганликлари ҳақида Аммиан Марцеллин маълумотлар беради. Дастлабки ҳаракатларда хионийлар мағлубиятга учрасаларда, кейинроқ улар шарққа томон юришлар қилган сосонийлар шоҳи Шопур II га қаттиқ зарбалар берадилар. К.Тревернинг фикрича, хионийлар IV асрнинг 70-йилларида ўзининг кучайган палласига киради. Ўрта Осиёда кидарийлар ва эфталийлар ҳукмронлиги ўрнатилгач хионийларнинг сиёсий аҳволи ўзгаради ва улар эфталийларга тобе бўлиб қолади. Афсуски, хионийлар ва кидарийларнинг ижтимоий-иқтисодий тизими ҳақидаги маълумотлар бизгача етиб келмаган.

Хионийлар ва кидарийларга нисбатан эфталийлар ҳақидаги маълумотлар нисбатан кўпроқ сақланган. Эфталийлар тарихи юзасидан маълумотлар рим, византия, сурия, арман ва араб тарихчиларининг асарларида, Хитой солномаларида, паҳлавий матнларда, Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида учрайди. Шунга қарамасдан эфталийларнинг келиб чиқиши ҳақидаги олимларнинг фикрлари турлича. Мисол учун, С.П. Толстов, А.Н.Бернштам, К.В.Тревер каби олимлар эфталийларнинг илк ватани Сирдарёнинг қуйи оқими деб ҳисобласалар, А.Мандельштам, Р.Гришман, К.Еноки каби олимлар эса эфталийлар ватанини Бадахшон деб ҳисоблайдилар. Б.Литвинский ва К.Иностранцевлар эфталийларнинг илк ватани Фарғонанинг тоғ олди ҳудудлари бўлганлиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар. Уларнинг туркий ҳалқлар бўлганлиги ҳақидаги масала узил-кесил ечимини топмаган.

Эфталийлар турли манбаларда турлича номланадилар. Мисол учун, хитой манбаларида улар “ида, иеда, идан, идян” деб, сурия ва лотин манбаларида эса “эпталит, эфталий, абдал” араб ва форс муаллифларида “хайтал, йафтал, ефтал” деган номлар билан эслатилади.

Хитой манбалари эфталийларни турклар (тукюе) билан боғлиқ равишда таърифлайдилар. Византиялик тарихчилар, масалан, Прокопий (VI аср) эфталийларни хунлардан деб кўрсатар экан, “улар (яъни эфталийлар) хунлардандир, таналари эса оқ” деб эслатади. Эфталийларнинг кучайган даври V асрнинг ўрталарига (456-457 йй.) яъни улар Хитойга биринчи марта элчи юборган даврга тўғри келади. Маълумотларга кўра, шу даврдан то 531 йилга қадар эфталийлар Хитойга 13 марта элчи жўнатадилар. Куч-қудрат жиҳатдан мустаҳкамланиб олган эфталийлар Ўрта Осиё ва Шимолий Ҳиндистондаги ката ерларни ишғол этишга киришадилар.

Эфталийларнинг жанубдаги асосий рақиблари Эрон сосонийлари эди. Эфталийлар аста-секин жанубий ҳудудларни ўзларига бўйсундирар эканлар, уларнинг сосонийлар билан муносабатлари кескинлаша боради. Эфталийлар ва сосонийлар ўртасидаги курашлар подшо Перўз (459-484 йй.) даврига тўғри келади. 484 йилда эфталийлар ва сосонийлар ўртасида Марв яқинида бўлиб

ўтган жангда сосонийлар мағлубиятга учрайдилар. Эфталийлар 467-473 йилларда Суғдда мустаҳкам ўрнашиб олган бўлсалар, 477-520 йиллар мобайнида Гандҳарни ишғол этиб, у ердан кидарийларни сиқиб чиқарадилар. 490 йилда эфталийлар Урумчини, 497-509 йиллар орасида Қашғарни босиб, деярли бутун Шарқий Туркистонда ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар.

Шундай қилиб, VI асрнинг бошларига келиб, эфталийлар анчагина катта ҳудудларни эгаллаган эдилар, кўпчилик манбалар эфталийларнинг даставвал кўчманчи халқлар бўлиб, кейинчалик ўтроқлашганлиги ҳақида маълумот беради. Шунинг учун ҳам айрим тадқиқотчилар уларни кўчманчилар деб ҳисобласа, айримлари уларни шаҳар ва қишлоқларда яшаганлигини таъкидлайдилар. Эфталийларнинг пойтахти Балх шаҳри эди. Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишларича, эфталийлар давлати унчалик ҳам мустаҳкам эмас эди ва шунинг учун ҳам узоқ яшамади.

Таъкидлаш жоизки, эфталийлар ўзларига тобе бўлган халқлар ҳаётига жуда чуқур таъсир этмасдан, ўлпон ва солиқлар ундириш билан чекланганлар. Эфталийларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги асосан ҳарбий кучларга таянар эди. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқлари уларнинг турклар билан бўлган курашда қўллаб-қувватламаганлар. Эфталийлар давлати ярим асрга яқин яшаган бўлсада Ўрта Осиё халқлари тарихида муҳим рол ўйнади.

Эфталийларнинг этник келиб чиқиши масалалари анча мураккаб ҳисобланади. Бу мураккаблик шу билан изоҳланадики, араб манбалари ва тангашунослик маълумотларида эфталийлар подшолари фақат туркларга хос бўлган унвон-тегин, ҳокон унвонлари билан тилга олинади. Шу билан биргаликда тангаларда акс этган подшолар аниқ европоид ирқини беради. Бу ҳолатлар айрим тадқиқотчиларнинг эфталийларни туркий халқлар деб ҳисоблашларига сабаб бўлди.

Прокопий Кесарский эфталийлар ҳақида шундай маълумот беради: “эфталийлар хун халқлари қабиласи бўлиб, барча хунлар ичида улар ягона оқ танлидир. Турмуш тарзи жиҳатидан ҳам улар бошқа хунларга ўхшамайдилар ва бошқа хунларга ўхшаб хайвонлардек яшамайдилар. Улар битта подшо бошқарувида турадилар. Бу подшо римликлар ёки бошқалардан қолишмайдиган ҳолда аҳолига ғамхўрлик кўрсатади, ўзаро ва қўшнилари билан бўлган муносабатларда адолат мезонларига амал қилади.”

V асрда яшаган Лазар Парбский эфталийларни етти қабиладан иборат массагетларнинг етакчи уруғларидан бири эканлиги ҳақида маълумот беради. Хитой манбаларида эфталийлар юечжиларнинг бошқа бир кўриниши ёки гаогюй қабиласининг тармоғи ёки қанғилиларнинг авлодлари сифатида талқин қилинади. Ундан ташқари, ўзларини алхонлар деб атаган эфталийлар Бактрия-Тохаристон ерларида яшаб ўтган азалий бактр қабилаларидан чиққан этник гуруҳ эканлиги ҳақидаги фикрлар ҳам бор. Умуман олганда эфталийларнинг туркий халқлар эканлиги ҳамда уларнинг ҳақиқий ватани Бактрия-Тохаристон эканлигини эътироф этувчи олимлар кўпчиликни ташкил этади.

Хуллас, ўз даврида эфталийлар йирик давлат тизимини вужудга келтирдилар. Улар Ўрта Осиё, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Шарқий Эронни бирлаштирган улкан давлатга асос солиб, Кушон давлати

ўрнида ундан ҳам каттароқ ҳудудларни бирлаштирдилар. Эфталийлар Эроннинг сосонийлар давлатига, унинг ҳарбий ҳаракатларига қарши тура олдилар ҳамда сосонийларнинг Ўрта Шарқдаги ҳукмронлигига чек қўйдилар. Эфталийлар сосонийларнинг ички ишларига ҳам аралашиб турдилар, ҳатто шоҳлардан қайси бирини сайлаш ва тайинлаш масаласини ҳал қилиш уларнинг қўлида эди. Эрон давлати ҳар йили уларга катта миқдорда ўлпон тўлаб турган.

Турк ҳоконлиги даврида Ўрта Осиё. VI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Жанубий Сибир ва Шимолий Монголия яъни, Олтой ҳудудларида туркий қабилалар иттифоқи шакллана бошлайди. Тарихда муҳим аҳамиятга эга бўлган Турк ҳоконлиги хусусида талайгина манбалар бизнинг кунларимизгача сақланиб қолган бўлса-да, уларнинг айримлари бир-бирини инкор этади. Ушбу манбалар VI асрнинг охирларида яшаган византиялик тарихчилар Менандр Протектор, Феофан Византийский, суриялик тарихчи Ионна Эфессийларнинг тарихий асарлари, эпиграфик ёдгорликлар - Урхўн-Енисей, руний ёзувлари, Хитойнинг “Тан хонадони тарихи” қабилардир. Ундан ташқари ўрта асрлар муаллифлари ат-Табарий, Деноварий, Беруний, Наршахийлар асарларида ҳам Турк ҳоконлиги тўғрисида маълумотлар учрайди.

“Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Манас”, “Дада Қўрқут” каби умумтуркий халқ достонлари, ўрта асрлардаги Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалар асарларида туркий маданият, адабиёт, тарих тўғрисида турли қимматли маълумотлар келтирилади. 1999 йили Алпомишнинг 1000 йиллиги Республикамизда кенг нишонланиб, Термизда қаҳрамон Алпомишга маҳобатли ҳайкал ҳам ўрнатилди.

Таъкидлаш жоизки турк атамасининг илк маротаба тилга олинishi 542 йилга тўғри келади. Турли манбаларда турклар "турк эл", "турк", "туркаш", "тукдус", "ту-кю", "тук-ют" каби номлар билан тилга олинади. Кучли, бақувват, ботир каби маъноларни англатувчи "турк" атамаси даставвал этник хусусиятга эга бўлмай ижтимоий маънога эга бўлган. Туркларнинг келиб чиқиши хусусида кўплаб афсоналар мавжуддир. Айрим афсоналарда туркларнинг келиб чиқиши Нуҳ пайгамбарга бориб тақалса, айримларида улар ўн яшар бола ва она бўридан тарқалганлиги таъкидланади. Яна бошқа бир афсонага кўра, турк қабиласининг аجدодлари Олтойнинг шимолий ён бағирларида жойлашган Со вилоятидан келиб чиққан бўлиб, бу ердаги қабила бошлиғи Абанбу уларнинг илк йўлбошчиси бўлган.

Тарихий манбалар маълумотларига кўра, Турк ҳоконлигининг пайдо бўлиши 551-552 йилларга тўғри келади. Даставвал, туркларнинг Ашин уруғидан бўлган Асан (Асян, Асян-шод) ва Туу туркий қабилалар иттифоқига асос соладилар. Туунинг ўғли Бумин (Хитойча Тумин) қўшни теле қабиласини ўзига бўйсундириб анча кучайишга муваффақ бўлади. Бу пайтга келиб анчагина мустаҳкамланган Бумин бошчилигидаги қабилалар иттифоқи Олтойдаги ўзлари қарам бўлиб турган жужан (жуан-жуан)лар қабилаларига қарши кураш бошлаб 551 йилда (айрим адабиётларда 552 йилда) уларни тор-мор этадилар. Мана шу даврдан бошлаб туркий ҳукмдорлар ўзларини жужанлар эгаллаб турган ерларнинг ҳақиқий эгалари ҳамда жужанларнинг мавқеи ва куч-қудратининг ворислари сифатида Анагуйҳокон (каған) унвонини

кабул қиладилар. Жужанлар ҳукмдори Анагуй жонига қасд қилиб ўзини ўлдиради.

Турк ҳоқонлигида давлат бошқаруви. Турк ҳоқонлигида давлатнинг олий ҳукмдори "ҳоқон" унвонига эга бўлган. Хитой манбалари маълумотларига кўра, туркийлар хонни тахтга ўтқозишда махсус маросим ўтқозишган. Яъни, амалдорлар бўлажак хонни кигизга ўтқазиб, қуёш юриши бўйлаб 9 маротаба айлантирганлар, иштирокчилар эса уни қутлаб ва улуғлаб турганлар. Сўнгра хонни отга ўтқазиб, бўйнига ипак мато боғлаганлар ва ундан "Сиз неча йил хон бўлмоқчисиз?" деб сўраганлар. У неча йил хон бўлишини айтган ва шу муддат тугагач тахтдан кетган.

Қадимги туркий афсоналарда берилишича, туркларнинг тасаввурига кўра, давлатчиликнинг маркази, давлатни ўз қўлида бирлаштирувчи шахс ҳоқон ҳисобланган. Бошқарувда ҳоқонларнинг ҳукмрон сулоласи асосий бўлиб у учта куч - осмон (тангри), ер-сувнинг куч ва иродаси ҳамда турк халқининг яратувчанлик фаолияти туфайли юзага келтирилади.

Ҳоқондан кейинги шахс, биринчи амалдор "Ябғу" (Баҳодир) бўлиб, у бош саркарда ҳисобланган. Аммо, ябғу тахтга меросхўрлик қила олмас эди. Туркий ҳоқонлиги тахтига ворислик тартиби турк давлатчилиги тузилиши учун хос бўлган улусларга бўлиниш тизимига асосланиб белгиланар эди. Ушбу тизимга кўра тахт аксарият ҳолларда отадан ўғилга эмас, акадан укага, амакидан жиянга мерос қолар эди. Тахт меросхўри тегин (шаҳзода) деб юритилган.

Шаҳзодалар то тахтга ўтиргунларига қадар ўзларига берилган улусларни бошқариб турганлар. Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳокимларнинг фаолиятини назорат қилувчи амалдор, ҳоқоннинг назоратчиси –"тудун" деб аталган. Туркий ҳоқонлиги конфедератив давлат бўлган. Туркийлар ўз юрти ва давлатини "эл" деб аташган. Биринчи турк ҳоқони Буминхон элхон унвонига эга бўлганлиги бежиз эмас.

Ҳоқонлик таркибидаги кўплаб қабила ва элатларни бирлаштириш ва бошқариб туриш, улардан маълум миқдордаги солиқлар ва ўлпонларни ўз вақтида йиғиб олиш мақсадида ҳоқонликда махсус маъмурий ва ҳарбий-сиёсий бошқарув тизими жорий этилган эди. Давлатни бошқаришда олий ҳукмдорга унинг яқин қариндошлари, аввало, ҳукмрон сулола аъзолари ҳамда улар томонидан барпо этилган бошқарув тизими ёрдам берар эди. Манбаларнинг маълумот беришича, у тўртга бўлинган.

Яъни, қариндошлар, ҳоқонга иттифоқдош бўлган қабила ва халқлар; ҳоқоннинг ўнг томонида ўтирувчи амалдорлар ва маъмурий ходимлар; ҳоқоннинг чап томонида ўтирувчи амалдорлар ва ходимлардан иборат бўлган. Ҳоқоннинг қариндошлари - ўғиллари, амакиси, жиянлари ва ака-укаларига "тегин" унвони берилган. Хитой манбаларида маълумот берилишича, ҳоқонликдабешта олий мансаб - еху (ябғу), ше (шод), деле (тегин), силифа (элтабар) ва тутунфа (тудун) қабила мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси мерос қилиб қолдирилган.

Туркий ҳоқонлиги давлатининг асосини ер билан бирга халқ ташкил этар эди. Ўз даврида Ўрта Осиёда давлатчиликнинг мустақил ва анъанавий шакллари ривожлантирган туркийлар давлати мавжуд жамиятнинг муайян

ижтимоий тузилмаларига ва қадимги туркларнинг давлат томонидан ташкил этилган ҳамда назорат қилинадиган хўжалик фаолиятига таянар эди. Тарихий адабиётларда берилишича, бу фаолиятнинг асосини кўчманчи чорвачилик ташкил этган. Чорвадор туркларда уруғ-қабилачилик анъаналари ниҳоятда кучли бўлиб, қабила ва уруғ жамоаларининг асоси катта оилалардан иборат бўлган. Кўчманчи чорвадорлар халқ оммасини турклар "будун" ёки "кора будун" деб аташган.

Ҳоқонликда кенг микёсда деҳқончилик ҳам қилинар эди. Хитой манбалари, "гарчи турклар доимий яшаш жойларига эга бўлмаса ҳам, лекин уларнинг ҳар бирининг ажратиб берилган ери бор"лиги ҳақида маълумот беради. Айнан мана шундай "ажратиб берилган ер"ларда деҳқонлар мавжуд сув манбалари ҳамда лалмикор ерлар имкониятдан фойдаланиб асосан донли экинлар етиштирганлар. Мевали дарахтлардан боғ-роғлар етиштиришга алоҳида аҳамият берганлар. Манба тили билан айтганда, "(мевали) дарахтлар савлат тўкиб турган".

Турклардаги қабила ва уруғ жамоаларининг катта оилаларида уй қуллари ҳам мавжуд бўлар эди. Қулларнинг кўпайиши билан синфий муносабатлар таркиб топа бошлаган. Лекин қулчилик ижтимоий ҳаётга кенг кириб келмаган. Шу боис бўлса керакки, манбалар ҳоқонликда қуллар меҳнатидан кенг фойдаланиш ҳақида амалда ҳеч қандай маълумот бермайди. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, кўпроқ аёллар меҳнатидан фойдаланилган ва қуллар асосан уй ишлари билан шуғулланишган. Кўпинча жамоада аёллар қул қилиб олиб кетилар эди. Лекин, қул аёллардан ҳам оғир ишларда фойдаланилмай, балки уй-рўзгор ишларида ишлатилинар эди. Қул эркакми, аёлми барибир кочиб кетаверган.

Қочган қул таъқиб қилинмаган ва унинг учун ҳеч қим товон тўламаган. Туркий ҳоқонлигининг марказий бошқарув тизими асосан йирик сиёсий давлат тадбирлари (давлат осойишталигини сақлаш, давлат сарҳадларини кенгайтириш, солиқ тизими, ички ва ташқи савдо, дипломатик муносабатлар ва бошқ.) билан машғул бўлиб ўзлари забт этган ҳудудлардаги бошқарув тизимига маълум даражада эркинлик берилган. Шунинг учун ҳам Фарғона, Суғд, Шош, Тохаристон, Хоразм ва бошқа мулклардаги бошқарув тартиби асосан маҳаллий сулолалар қўлида бўлган. Мисол учун, Суғд ва Фарғонада олий ҳукмдор - "ихшид" Тохаристонда - "маликшоҳ", Хоразмда - "хоразмшоҳ", Кешда - "ихрид", Бухорода - "худот", Уструшонада - "афшин", Чоч ва Илокда - "будун" деб аталган.

Туркий ҳоқонлик даврида Суғд ҳудудларига ҳозирги Панжикентдан Карманача бўлган ерлар кирган. Бухоро эса, VII асрдан бошлаб мустақил мулклар иттифоқидан иборат бўлган. Суғднинг маҳаллий ҳокимлари айрим вақтларда Чоч ва Хоразмнинг мустақил ҳукмдорлари билан бирлашар эдилар. Бундай йирик сиёсий бирлашмалар маълум муддатларда йирик шаҳарларда ўз қурултойларини ўтказиб турганлар.

Фарғона Суғд сиёсий иттифоқига кирмаган бўлиб, у алоҳида мустақил давлат эди. Уни афшин бошқарган бўлиб, фарғоналиклар Тяньшан халқлари билан ўзаро алоқада бўлганлар. Хоразм бошқа мулкларга нисбатан анча

мустақил эди. Мамлакатни Африғийлар сулоласига мансуб подшолар бошқариб турган.

Таъкидлаш лозимки, Турк ҳоқонлиги маълум даражада тўлиқ ишлаб чиқилган жиноий қонунчиликка эга бўлган. Содир этилган жиноят учун жазонинг асосий турлари –қатлэтиш, одам аъзоларини кесиб ташлаш, зарарни тўлаш, мол-мулк тарзида товон тўлашдан иборат эди. Мисол учун, манбаларнинг маълумот беришича, ўлим жазоси давлатга қарши жиноятлар учун (исён кўтариш, сотқинлик) ҳамда ноҳақ ёки қасддан одам ўлдирганлик учун берилган. Ўғирлик қилган ёки бузуқлик қилган шахснинг қўли ёки оёғи кесилган. Шахсга қарши қаратилган бошқа жиноятлар етказилган зарарни ўн баробар қилиб тўлаш, жароҳат етказгани ёхуд майиб қилгани учун мол-мулк тарзида товон тўлаш, қизи, хотинини қулликка бериш, суягини синдирганлик учун эса от бериш йўли билан жазоланарди.

4.2. Арабларнинг Ўрта Осиёни истило этиши. Мовароуннаҳрда бошқарув.

Ижтимоий-сиёсий жараёнлар. VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида яшовчи араблар ислом мафқураси байроғи остида муваффақиятли ҳарбий юришлар қилиб қисқа тарихий фурсатда Осиё қитъасининг катта қисмини, Шимолий Африка ва Жануби-Ғарбий Европани ўз ичига олган қудратли давлатга асос солдилар. Амир ал-му’минин Али ўлдирилгандан сўнг хулафои рашидун даври тугаб, ҳокимият уммавийлар сулоласи қўлига ўтди ва уларнинг ҳукмронлиги 661-749 йилларни ўз ичига олади.

Янги сулола араб халифалиги номи билан тарихга кирди. Пойтахт Дамашқ шаҳрига кўчирилди. Ўрта Осиёнинг забт этилиши ва халифалик таркибига киритилиши ҳам айнан уммавийлар замонига тўғри келади.

Даставвал араблар 651 йилда Марвни ишғол этиб, сосонийлар давлатига бутунлай барҳам берганларидан сўнг, Мовароуннаҳр худудига (Амударё шимолидаги ерларга) ҳам ҳарбий юришлар уюштира бошладилар. Арабларнинг Ўрта Осиёга юриши моҳиятига кўра икки даврга бўлинади. Биринчи давр VII асрнинг ўрталаридан - VIII аср бошларигача давом этди. Мазкур ҳарбий юришлар талончилик хусусияти касб этган ва халифанинг Хуросондаги ноиблари томонидан амалга оширилган. Араблар деярли ярим аср давомида Амударёнинг ўнг соҳилидаги ерларга, яъни Мовароуннаҳрга ҳарбий разведка ва бойлик йиғиш мақсадида номунтазам юришларни амалга оширганлар.

704 йилда Хуросон ноибни Қутайба ибн Муслим араблар истилосининг иккинчи даврини бошлади. Унга Мовароуннаҳрни тўлиқ бўйсундириш ва халифалик таркибига қўшиб олиш вазифаси юклатилган эди. 705 йилда Балх ва Чағониённи ишғол этгандан сўнг, Қутайба Мовароуннаҳр худудига бостириб кирди. Ғарбий Турк ҳоқонлигидаги ички сиёсий беқарорлик, марказий ҳокимиятнинг заифлиги, маҳаллий ҳокимларнинг бирлашиб ҳаракат қилмаганлиги ва ўзаро низоларидан фойдаланган Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб кўшинлари 707 йилда Пойканд, 708 йилда Бухоро

атрофлари ва Ромитан, 709 йилда Бухоро шаҳрини, 710 йилда эса Шуман, Насаф ва Кеш вилоятларини эгаллаб олдилар.

711 йилда Хоразмдаги ички сиёсий низолардан фойдаланган Қутайба қўшинлари бу қадимий вилоятни ҳам қўлга киритишга эришдилар ва натижада маҳаллий африғийлар сулоласи (305-996 йй) халифаликча тобеъ этилди. 712 йилда араблар босиб олинган Мовароуннаҳр вилоятларидан тўпланган қўшинлар ёрдамида Самарқанд Сўғдини ҳам эгаллашга муваффақ бўлдилар. Кейинги зарба Жиззах, Хўжанд, Чоч ҳудудларига қаратилди. 715 йилда Фарғона водийсини ҳам қўлга киритган араб қўшинларининг зафарли юришлари Қашғарда хитойликлар томонидан тўхтатиб қолинди.

Шу тариқа, VII асрнинг иккинчи ярмида бошланган ва VIII асрда катта кўламга эга бўлган араб-мусулмон қўшинларининг ҳарбий юришлари натижасида Шарқий Туркистондан Атлантика океани қирғоқларигача бўлган улкан ҳудудда янги диний таълимот – ислом дини ёйилди. Ташкил топган янги давлат – араб халифалиги босиб олинган ҳудудларда ислом динини зўрлик билан ёйиш сиёсатини олиб борди, эски динларга тегишли барча китоблар, ёзувлар, ибодатхоналар ва осори-атикалар йўқ қилинди. Хусусан, Марв, Бухоро, Урганч ва бошқа қадимий шаҳарлардаги моддий ва маънавий бойликлар таланди, вайрон этилди. Берунийнинг ёзишича, Қутайба ибн Муслим “хоразмлик хаттотларни ҳалок этди, руҳонийларни ўлдирди, уларнинг китоби ва ёзувларини ёқиб юборди, хоразмликлар саводсиз бўлиб қолдилар”.

Араблар истилоси шу давргача Ўрта Осиёга ташқаридан бўлган ҳарбий босқинчилик юришларидан тубдан фарқ қиларди. Сабаби араблар ўзлари билан янги диний таълимотни олиб келдилар ва турли йўللار (ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий имтиёзлар бериш, зўравонлик, куч ишлатиш ва бошқалар) билан ислом динини маҳаллий аҳоли орасида ёйиб бошладилар.

Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва етакчи мавқега эга бўлиши катта қийинчилик билан амалга ошди. Бу ҳақда Ўрта Осиёда арабларга қарши кўтарилган кўплаб кўзғолонлар (Гўрак ва Деваштич бошчилигидаги, Муқанна раҳбарлигидаги ва бошқа кўзғолонлар) ҳам гувоҳлик беради. Бу Уммавийлар давридаёқ Ўрта Осиёда асосий дин сифатида эълон қилинган ислом динининг маҳаллий халқлар томонидан қабул қилиниши жараёни узок ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигини кўрсатади. Фақатгина X асрга келиб ислом дини Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин ола бошлади ва анъанавий эътиқодларни, эски диний таълимотларни (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва бошқалар) сиқиб чиқара бошлади. Лекин, ислом дини етакчи мавқега эга бўлгандан кейин, бошқа динлар тарафдорларига қутилганидан ҳам кўра кўпроқ бағрикенглик кўрсатди. Буни биз мусулмон дунёсининг шарқий чеккасида бўлган Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам кўрамыз. Агар исломгача бўлган даврларда бу ҳудудда будда ибодатхоналари, зардуштийларнинг муқаддас олов сақланадиган ибодатхоналари, христиан черковлари ёнма-ён қурилганлигини кўрган бўлсак, IX - XII асрларда ҳам бу минтақада ҳайратда қоларли диний бағрикенгликнинг гувоҳи бўламиз.

Манбаларнинг далолат беришича, Бухорода X асрда ҳам зардуштийларнинг кўпсонли жамоалари сақланиб қолган бўлиб, Ромитан ва Бухоро атрофидаги бошқа қишлоқларда уларнинг ибодатхоналари мавжуд бўлган. Самарқандда XI аср бошларигача монийлик таълимоти тарафдорларининг фаолияти ва ибодатхоналари сақланиб келди. Бухородаги Мох масжиди ёнида ўз маъбудалари тасвирини, ҳайкаллари сотиб юрган христианлар, яҳудийлар ва бошқа динлар тарафдорлари ҳақидаги маълумотлар араб сайёҳлари асарларида ўз аксини топган.

Аббосийлар ҳукмронлиги даврида ислом дунёсида энг кўп ҳимоя қилинадиган динлар христиан ва яҳудийлар бўлиб, ўша давр қонунларига кўра улар мусулмонлар билан деярли бир хил ҳуқуқларга эга бўлишган. Христиан ёки яҳудийни ўлдирган жиноятчига мусулмон бўлган кишини ўлдирганларга бериладиган жазо қўлланилиши ҳам ўрта аср мусулмон давлатлари учун одатий ҳодиса эди. Кўпгина христианлар ва яҳудийлар банкирлик, судхўрлик, халқаро савдо, тиббиёт ва бошқа соҳалар билан шуғулланиб, ўз даврининг бой ва машхур кишилари бўлишган. Кўпгина мусулмон мамлакатларида, ҳатто муҳим давлат амалларини қўлга киритган христианлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ислом динида диний бағрикенглик масаласини биринчилардан бўлиб швейцариялик шарқшунос олим А.Мец ўзининг 1922 йилда чоп этилган “Мусулмон уйғониш даври” китобида ишончли кўрсатиб берди. “Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, - деб ёзган эди А.Мец. – мусулмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради”.

Бошқа диндагилар, гарчи уларнинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган бўлсада, одатда алоҳида маҳаллаларда яшашган. Аббосийлар даврида халифаликнинг барча христиан аҳолиси бошида Бағдодда доимий қароргоҳи бўлган несториан католикаси турган. Халифа ёрлиғи билан унга шарқий христиан черкови ҳам бўйсунган. Халифаликнинг кўпсонли яҳудийлар жамоасини бошқариб турган “Реш ғалута” ҳам Бағдодда жойлашган эди. Мусулмон давлати кўрсатган ҳомийлик учун ўзга диндагилар жизья-жон солиғи тўлаб туришган. Бутун ислом дунёсида бошқа дин вакиллари ўз диний байрамларини эркин нишонлашиб, бу мусулмонлар томонидан душманлик кайфиятини уйғотмаган. Гарчи, тарихий йилномаларда мусулмонлар томонидан черков ва синагогларининг вайрон этилгани, ёқиб юборилгани ҳақида маълумотлар учраса-да, лекин бундай ҳодисалар унчалик кўп бўлмаган ва ҳокимият томонидан қаттиқ таъқиб қилинган.

Кўпгина мусулмон мамлакатларида бошқа дин вакилларига маълум рангдаги кийим кийишнинг шартлиги, шаҳарда от билан юришнинг таъқиқланиши, уйлари ва ибодатхоналарини масжидлардан баланд қилиб қурмаслик каби таъқиқлар ҳам бўлган. Аммо бу таъқиқлар улар эга бўлган ҳуқуқлар олдида арзимаган нарса эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, салиб юришлари даврида Европада пайдо бўлган ва кейинчалик Усманийлар салтанати билан

бўлган кўп асрлик урушлар даврида кенг тарқалган ислом ақидапарастлиги ҳақидаги бўрттириб кўрсатилган қарашларга зид ўлароқ ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида диний толерантлик – бағрикенглик яққол кўзга ташланади. Бу инквизиция тўлиқ ҳукмронлик қилган ва ҳар қандай ёт ғоялар, таълимотлар кескин таъқиб қилинган ўрта аср Европасидан IX – XV асрлардаги ислом давлатларини ажратиб турадиган асосий белгилардан биридир.

Маҳаллий бошқарув тартиблари. Ўрта Осиёнинг босиб олинган ҳудудларини бошқариш маркази Марв шаҳри бўлиб, бу ердан туриб халифанинг ноиб Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонни идора қилган. VIII асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳр ҳудудида сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Бу даврда Мовароуннаҳрда Сўғд, Шош, Фарғона ва бошқа маҳаллий ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий-идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлиб, маҳаллий ҳокимлар зиммасига аҳолидан белгиланган солиқларни йиғиш, маъмурий бошқарувни амалга ошириш асосида ислом дини ғояларини аҳоли орасида ёйиш асосий вазифа этиб белгиланган эди. Маҳаллий ҳокимлар фаолияти халифа томонидан тайинланадиган махсус амирлар томонидан қаттиқ назорат остига олинган бўлиб, бундан ташқари улар халифанинг Хуросондаги ноибига итоат этишлари шарт бўлган. Маҳаллий ҳукмдорларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган кишилар бўлиб, бу динни қабул қилмаган зодагонлар ўз ерларидан маҳрум этилиб, жизья-жон солиғи ва бошқа кўпгина солиқ ва тўловларни тўлар эдилар. Умуман олганда, улкан халифаликнинг барча ҳудудларида амалда бўлган солиқлар (хирож, закот, жизья ва бошқалар) тизими Мовароуннаҳрда ҳам жорий этилган. Лекин, баъзи ҳолларда (хусусан, арабларга қарши кўзғолонлар кўчайган даврларда) араб халифалари ва уларнинг ноиблари аҳолининг янги динга эътиқодини иқтисодий омиллар билан мустаҳкамлашга ҳам интилиб, шариатда белгиланган солиқларни эътиқодли мусулмонлардан олмаган даврлар ҳам бўлган.

Араблар истилосидан кейин Мовароуннаҳрда мусулмон қонунчилик тизими ҳам жорий қилинди. Ислам ҳуқуқшунослигининг асосини ташкил қилувчи шариат муқаддас китоб - Қуръони карим ва Ҳадиси шарифга ҳамда Фикҳшунос олимларнинг турли саволларга жавоблари ва қарорларига таянарди.

Шу тариқа, араблар истилосидан сўнг Ўрта Осиё тарихида янги давр - сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳамда давлат бошқаруви суд-ҳуқуқ тизимида исломий дунёқараш ҳукмрон бўлган давр бошланди.

4.3. Сомонийлар давлати.

Мовароуннаҳрда араблар босқинига қарши бир қанча йирик кўзғолонлар кўтарилган бўлиб, уларни бостиришда маҳаллий зодагонлар ёрдамидан фойдаланиб турилар эди. Бу эса маҳаллий бошқарувда уларнинг аҳамиятини ошириб юборди.

IX асрнинг бошларидаги сиёсий воқеалар Хуросонда Тоҳирийлар, Мовароуннаҳрда Сомонийлар хонадонининг кучайишига олиб келди. 806 йилда Мовароуннаҳрнинг бир қанча йирик шаҳарларида араб лашкарбошиси Рофе ибн Лайс бошчилигида халифаликка қарши қўзғолон кўтарилди. Бу қўзғолонни бостиришда Сомон қишлоғи (Балх яқинида, баъзи манбаларда - Термиз яқинида) оқсоқоли Сомонхудотнинг авлодлари Хуросон ноибни Маъмунга катта ёрдам кўрсатдилар. Бу хизматлари учун Сомонхудотнинг набиралари Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларида маҳаллий ҳокимиятни қўлга олишди. Халифа Хорун ар-Рашид (786-809 йиллар) ёрлиғи билан Сомонхудотнинг набиралари – Нуҳ ибн Асад Самарқандга (820-842 йиллар), Аҳмад ибн Асад Фарғонага (820-865 йй), Яҳё ибн Асад Чоч ва Уструшонага (820-856 йиллар), Илёс ибн Асад Ҳиротга ҳоким этиб тайинланди.

Хуросон ноибни Маъмун 813 йилда Бағдодни эгаллаб, акаси Аминни тахтдан ағдаради ва халифалик тахтига ўтиради. Тахтни эгаллашда кўрсатган ёрдами учун Хуросоннинг йирик зодгонларидан бўлган Тоҳир ибн Ҳусайн 821 йилда Хуросон ва Мовароуннаҳр ноибни этиб тайинланди. Тоҳирийлар даврида (821-873 йиллар) Мовароуннаҳр расман Тоҳирийларга тобеъ ҳисоблансада, Сомонхудотнинг набиралари томонидан идора этиларди.

873 йилда тоҳирийлар ҳукмронлигига Ёқуб ибн Лайс бошчилигидаги Саффорийлар хонадони (873-901 йиллар) томонидан барҳам берилиши туфайли келиб чиққан сиёсий ўзгаришлардан сомонийлар Мовароуннаҳрдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун фойдаландилар.

Халифа Мўътамид (870-892 йй) Мовароуннаҳрда сомонийлар қудратини чеклаш учун Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори этиб Ёқуб ибн Лайсни тайинлаган бўлса-да, амалда сомонийлар Мовароуннаҳрни мустақил бошқара бошладилар.

Сомонийлар давлатининг ташкил топишида Фарғона ҳокими Аҳмаднинг хизмати катта бўлди. Самарқанд ҳокими Нуҳ вафотидан кейин Аҳмад акасига тегишли бўлган бу вилоятни ҳам эгаллаб, ўз ҳокимиятини Фарғонадан Самарқандгача кенгайтди. Унинг вафотидан кейин Наср ибн Аҳмад (865-892 йиллар) отасининг сиёсатини давом эттириб, Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга киришди. 874 йилда Бухорода кўтарилган халқ қўзғолонидан фойдаланган сомонийлар бу шаҳарни ҳам ўз тасарруфига олдилар. Наср ўз укаси Исмоилни Бухорога ҳоким этиб тайинлади. Шу тариқа 875 йилга келиб бутун Мовароуннаҳр сомонийлар тасаруфига ўтади. Шу йили Наср ибн Аҳмад халифадан Мовароуннаҳрни бошқариш учун ёрлик олишга муваффақ бўлди ва илк бор ўз номидан кумуш дирхамлар зарб эттиради. Бухорода ўз мавқеини мустаҳкамлаган Исмоил акаси, Самарқанд ҳокими Насрга бўйсуннишдан бош тортигани учун келиб чиққан жангларда (888 ва 892 йиллар) Насрнинг енгилиши ва вафот этиши (893 й), Исмоилга Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб қолишга ёрдам берди.

Мустаҳкамланиб бораётган сомонийлар давлатини заифлаштириш мақсадида Араб халифаси 898 йилда Мовароуннаҳр ҳокимлигидан Исмоилни тушириб, ўрнига саффорийлар сулоласидан Амр ибн Лайсни ҳоким этиб тайинлаш ҳақида ёрлик жўнатади. 899 ва 900 йиллардаги ҳарбий

тўқнашувларда Исмоил Сомоний Амр ибн Лайс кўшинларини тор-мор келтирди. Натижада Халифа Исмоил ибн Аҳмадни Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳукмдори сифатида тан олишга ва махсус ёрлик жўнатишга мажбур бўлди. Шу тариқа X аср бошларида Хоразм, Исфижоб, Чағониён ва Хутталондан ташқари (уларнинг ҳокимлари сомонийларга расман тобе эдилар, холос) Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг катта қисмига амалда сомонийларга тобе бўлиб қолди. Сомонийлар Мовароуннаҳр ва Хуросонни амалда мустақил, расман халифанинг ноиблари сифатида X аср охиригача бошқариб келдилар. 999-йилда бу сулола Қорахонийлар сулоласи томонидан ҳокимиятдан маҳрум қилинди.

Давлат бошқаруви. Сомонийлар давлатининг амалдаги асосчиси Исмоил ибн Аҳмад даврида давлат бошқаруви, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда қатор самарали ислоҳотлар ўтказилди. Исмоил Сомоний ўз диққат-эътиборини марказлашган давлат тизимини барпо этишга қаратди. Бу тизим асосини олий ҳукмдор даргоҳи ва девонлар (вазирликлар) мажмуи ташкил этган. Олий ҳукмдор амир унвонига эга бўлиб, ундан ташқари олий ҳукмдорнинг барча ҳукм ва топшириқлари бажарилишини назорат қилиб турган. Хорис амири лавозимига эга амалдор ҳам бўлган. Даргоҳ ҳамда бошқа қатор муҳим давлат идораларининг хавфсизлигини амалга ошириш вазифасини бош ҳожиб ва унинг ходимлари бажарганлар. Даргоҳнинг хўжалик юмушлари фаолиятини вакил бошқарган. Бундан ташқари, даргоҳда дастурхончи, эшик-оғаси, шарбаддор ва бошқа хизматчилар ҳам бўлган.

Сомонийлар даврида 10 та девон (вазирликлар) фаолият кўрсатган бўлиб, улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий ҳаётини бошқарган. Девони вазир, девони амид, девони муставфий, девони соҳибшурот, девони соҳиббарид, девони муҳтасиб, девони мушриф, девони қози, девони зиё, девони вақфдан иборат бу девонлар ижроия-бошқарув тизимининг асоси ҳисобланарди. Мамлакат пойтахти ҳисобланган Бухоро шаҳридада ҳар бир девон (вазирлик) учун алоҳида бинолар барпо этилган эди. Бу девонларнинг жойларда маҳаллий бўлимлари ҳам бўлиб, улар вилоятларда маҳаллий ижро ҳокимиятинини амалга оширганлар.

Сомонийлар даврида маҳаллий бошқарув тизими ҳам самарали фаолият юритган. Вилоятлар бошлиқлари ҳоким, шаҳар бошлиқлари раис деб юритилган. Амалдорларни давлат хизматиغا қабул қилишда маълум бир талаблар: давлат тили ҳисобланган араб тилини мукамал билиш, исломий ҳуқуқ – фикҳ меъёрларидан тўлиқ хабардорлик, тарих, адабиёт каби илмлардан бохабарлик, ҳисоб-китоб ишларида билимдонлик ва бошқалар мавжуд бўлиб, бу марказий ва маҳаллий давлат бошқаруви самарадорлигини оширишга хизмат қиларди.

Давлат бошқарувида ҳарбий маъмурий амалдорларнинг мавқеи ҳам катта эди. Исмоил Сомоний ҳарбий ислоҳот ўтказиб, турк сипоҳларидан иборат миллий гвардия ҳамда мунтазам кўшин тузганлиги сомонийлар давлатининг ҳарбий-сиёсий қудратини таъминлади. X аср ўрталаридан бошлаб давлат бошқарувида турк лашқарбошилариининг сиёсий мавқеи ниҳоятда ошиб кета бошлайди. Буни Алп Тегин, Сабук Тегин, Фоиқ ва Симжури каби ҳарбий-маъмурий амалдорлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ҳолат давлат

бошқарувида кўп ҳокимиятчиликка, марказий ҳокимиятнинг нуфузи тушиб кетишига олиб келарди. Бу эса охир-оқибат сомонийларнинг ҳокимиятдан бутунлай маҳрум бўлишларига олиб келди.

Ҳуқуқий муносабатлар. Сомонийлар давлатида суд ишлари шариат қонун-қоидаларига асосланган бўлиб, улар қозилик девони томонидан бошқарилган. Суд жараёнидаги ишлар, қозикалон, қозилар, муфти, раислар тарафидан амалга оширилган. Вилоят қозилари қозикалонга бўйсинган. Оғир жиноят қилганлар ўлимга ёки узоқ муддат қамоқ жазосига маҳкум этилган.

Вилоятларда оғир жиноят содир этганлар иши қозикалон ва амир ҳукмига ҳавола этилган. Ўлим жазосини бериш ҳуқуқига фақат амир ҳақли бўлиб, бу жазо ибрат учун Бухоро Регистонида, кўпчилик халқ олдида ижро этилган. Ўғирлик қилганларнинг қўли чоғиб ташланар, бу жазо одатда ўғри ушланган жойида, аҳоли кўпчилик бўлган жойларда ёки бозорларда амалга ошириларди. Енгилроқ гуноҳ қилганларга тан жазоси (калтак, дарра) берилган ёки жарима солинган.

Сомонийлар даврида исломдаги ҳуқуқий муносабатларни маҳаллий халқ урф-одатларига мослаштиришга ёрдам берувчи асарлар ҳам яратилганлигини айтиб ўтиш керак. Улардан қозилик маҳкамаларида ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланганлар. Масалан, фақиҳ Абу Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий (вафоти 985 йили)нинг «Ҳазинатул-фиқҳ» («Мусулмончилик қонун-қоидалари хазинаси») асари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Сомонийлар даврида давлат тили сифатида араб тилининг мавқеи ниҳоятда юқори бўлсада, форс-тожик ва турк тилларининг ҳам мавқеи ва аҳамияти сақланиб қолинди.

Умуман олганда, сомонийлар даврида давлат бошқаруви ва харбий сиёсатнинг ўз даври учун мураккаб ва салоҳиятли тизими ташкил топган. Мазкур масалага жуда катта эътибор берилганлигини шу нарсдан ҳам билса бўладики, давлатнинг умумий йиллик даромади 45 миллион дирхамни ташкил этган ҳолда, шундан 20 миллион дирхам давлат бошқаруви ва лашкарга сарфланган.

4.4. Қорахонийлар давлати.

Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши, ҳудуди. Бу давлат Етгисув ҳудудидаги Қарлуқ (756-940 йй.) давлати ўрнида X аср ўрталарида ташкил топди. Унинг асосчиси Сотуқ Бўғрохон (915-955 йй.) ҳисобланади. Сомонийлар давлатидаги ички низолардан фойдаланган қорахонийлар X аср охирларида Мовароуннаҳр ерларини ҳам эгаллашга ва ўз давлати ҳудудини кенгайтиришга муваффақ бўлдилар. Қорахонийлар ҳукмдори Ҳасан Бўғрохон 992 йилда Бухорони қўлга киритган бўлсада, Ғазна вилояти ҳокими Субуктегиннинг ёрдами туфайли сомонийлар ҳокимиятни яна қисқа вақт қўлга олишга муваффақ бўлдилар. Лекин Наср Илоқхон бошлиқ қорахонийлар қўшини 999 йилда Мовароуннаҳрни тўлиқ эгаллаб олишга эришди. Хуросон эса Махмуд Ғазнавий тасарруфига ўтди. Шу тариқа, X аср охирида сомонийлар давлати ҳудудида туркий сулолалар барпо этган иккита давлат ташкил топди.

Биринчиси, Қошғардан Амударёгача чўзилган - Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Етгисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдиёна худудларини ўз ичига олган қорахонийлар давлати.

Иккинчиси, Шимолий Ҳиндистон сарҳадларидан Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача чўзилган ҳамда ҳозирги Афғонистон ва шимоли-шарқий Эронни, Хоразм воҳасини ўз ичига олган ғазнавийлар давлати эди.

Ғазнавийлар давлати асосчиси Султон Маҳмуд ва қорахонийлар хони Наср ўртасида 1001 йилда тузилган шартномага кўра, Амударё икки давлат ўртасидаги чегара қилиб белгиланди.

Қорахонийлар давлати XI асрнинг биринчи ярмидаёқ ички сиёсий низолар натижасида икки қисмга – Ғарбий қорахонийлар давлати ва Шарқий қорахонийлар давлатига бўлиниб кетади. XI аср ўрталарида “Тамғочхон” унвонини олган қорахоний ҳукмдор Иброҳим ибн Наср Ғарбий қорахонийлар давлатининг пойтахтини Ўзганддан Самарқандга кўчиргач, Мовароуннаҳр қорахонийлар давлатининг катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган асосий худудига айланди.

Қорахонийлар давлатидаги ички низолардан фойдаланган салжуқийлар (XI асрнинг 2-ярмида), қорахитойлар (XII асрнинг ўрталари) ва хоразмшоҳлар (XIII аср бошлари) қорахонийларга тегишли худудларни эгаллаб олдилар. Қорахоний ҳукмдорлар бу даврларда уларга расман тобеъ бўлиб, уларнинг ҳукмронлиги 1212 йилда хоразмшоҳ Султон Муҳаммад томонидан бутунлай тугатилди.

Давлат бошқаруви. Қорахонийлар даврида давлат бошқаруви тартиблари сомонийлар даври давлат бошқаруви тизимидан тубдан фарқ қилмайди. Сарой амалдорларининг номланиши ва вазифаларида ҳам бу ҳолатни кўриш мумкин. Мамлакат олий ҳукмдор - хон ёки хоқон томонидан бошқарилиб, энг улуғ хон - қорахон унвонига эга бўлган. Саройда сомонийлар давлатида бўлганидек вазир, соҳиббарид, муставфий, ҳожиб, раис (Муҳтасиб), битикчи (Мунши), котиб (Мирза), қушчи (хоқон овининг ташкилотчиси) ва бошқа мансаблар бўлган.

Қорахонийларда хоқоннинг тахти меросий саналиб, тахт отадан ўғилга ёки акадан укага ўтиши асосий қоида сифатида белгиланган. Маъмурий идоралар икки қисмга - даргоҳ ва девонга бўлинган эди. Қорахонийларда икки шаҳар - Қошғар ва Боласоғун пойтахт саналиб, улуғ хон шу шаҳарлардан биридаги қароргоҳда ўтириб давлатни бошқарарди. Қорахонийлар ҳукмдори “**Тамғачхон**” ёки араблардаги “султон ус-салотин”, форслардаги “шаҳаншоҳ” атамаларига мувофиқ келадиган “**хоқон ул-хоқон**” деган ном билан ҳам улуғланган. Ғарбий қорахонийлар давлатига кирган Мовароуннаҳр ҳукмдорлари одатда **Элоқхон** (уларнинг баъзилари ўзларини **Тамғачхон** деб ҳам атаганлар) юритилар эди.

Қорахонийлар давлатни улус ва вилоятларга бўлиб идора қилдилар. Мамлакат эндиликда марказлашган давлат тизимидан алоҳида мулк бошқарув тизимига ўтди. Эл-юрт ҳокимлари “**Элоқхон**” деб юритилар эди. Вилоятлар эса маълум сиёсий мавқега эга бўлиб, улар ҳам хондан кичикроқ унвонга эга **илоқхон**лар томонидан бошқариладиган бўлди. Улар фаолияти улуғ хон

томонидан тайинланадиган махсус амалдорлар -**такин** деб аталувчи ноиблар томонидан назорат қилиб туриларди. Шу тариқа қорахонийлар томонидан Мовароуннахрнинг ишғол этилиши худуднинг сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юзага келишига сабаб бўлди.

Қорахоний ҳукмдорлар гарчи бу даврда ҳали ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар-да деҳқончилик воҳалари ва шаҳарларнинг маданий аҳамиятини яхши англаб эдилар. Болосоғун, Қошғар, Тароз, Ўзган, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарлар умумдавлат миқёсида ҳам катта аҳамиятга эга ҳисобланарди. Шаҳарлар шаҳар ҳокими, раиси ва муҳтасиблари томонидан бошқариларди. Вилоят ҳокимларига мисдан чақа тангалар зарб қилиш ҳуқуқи берилган бўлиб, Мовароуннахр элоқхони қорахоний элоқхонлари орасида катта обрў-эътибор қозонган эди.

Қорахонийларга қарашли ерлар **Тамғачхон** томонидан ўғиллари ва қариндошлари ўртасида тақсимланган эди. Шу боис ер-мулк масаласида ота-ўғил, амаки-жиянлар ҳамда ака-ука ва амакиваччалар ўртасида доимий низолар юз бериб, у сиёсий аҳволга салбий таъсир кўрсатиб турарди.

Қорахонийлар давлатида имом, саййид, шайх, садрлар каби диний уламоларнинг ҳам мавқеи кучли эди. Қорахонийлар мамлакатда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олишга интилиб мусулмон рухонийлари билан яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Бу даврда дин пешволарига эътибор кучайиб уларнинг обрўи ҳар қачонгидан ҳам баландга кўтарилди.

4.5. Ғазнавийлар ва салжуқийлар давлати.

Собиқ совет даври тарихшунослигида Ғазнавийлар, хусусан мазкур давлатнинг энг ёрқин намоёниси Маҳмуд Ғазнавий шахси тўғрисида умумий ҳамда бир ёқлама салбий қараш устунлик қилган. Дарслик ва адабиётларда Маҳмуд Ғазнавийни асосан «талончи», «зўравон ҳукмдор» деб кўрсатиш одат тусига кириб қолган эди. Мавзунинг манбашунослигига тўхталганда бу сулола тарихи Абу Саид Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор”, Абулфазл Байҳақийнинг «Тарихи Масъудий» асарларида кўпроқ ўз аксини топганлигини таъкидлаш жоиз. Шу билан биргаликда Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола», Ибн ал-Асирнинг «Ал-Комил фит-тарих» ва бошқаларда ҳам Ғазнавийлар давлати хусусида тегишли маълумотлар учрайди.

Сомонийлар ҳукмронлиги давридаёқ собиқ туркий қул (ғулом)лардан ташкил топган гвардия сарой ҳаёти, умуман мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлаган эди. Ушбу гвардиянинг бошлиғи хожиб ҳам аҳамиятли лавозим эгаси бўлган. Хожибларнинг энг каттаси – Хожиби бузург (улуғ хожиб) бўлиб, у энг юқори давлат амалдорларидан бири бўлган.

Хожиблар ичида Алптегин алоҳида салоҳият эгаси бўлиб, 35 ёшидаёқ Хуросон сипоҳсолори даражасига эга бўлиб, қўлида 2700 нафар ҳарбий аскарлари бўлган. У кейинчалик Абдулмалик I даврида (954-961) катта мавқе ва улкан ер мулклар эгасига айланди. Амир вафотидан сўнг (961) Алптегин янги амир Мансур I (961-976) билан ўзаро низога бориб қолиб, бир қатор тўқнашувлардан сўнг, 961 йили Ғазна ва унинг атрофидаги ерларни эгаллайди.

Алптегин ўз тарбияси ва ҳомийлигига олган собиқ туркий қуллар орасида Сабуктегин ҳам бўлган. 963 йили Алптегин вафот этгач, Ғазнада Сомонийлар ноиби сифатида уни Пирий, Исҳоқ, Билгатегин каби шахслар кетма-кет бошқариб келишди. Худуд расман Сомонийларга қарашли деб ҳисобланган.

Сабуктегин асли Сирдарё бўйларида яшаган барсхон туркий қабиласига мансуб бўлиб, ёшлигида асир олиниб, сўнгра қул қилиб сотилган эди. Сомонийлар туркий гвардияси бошлиғи Алптегин уни ўз қарамоғига олган. Сомонийлар давлатининг туркий аскарлар қўшинида хизмат қилган Сабуктегин 977 йилдан бошлаб Ғазна ва унинг атрофларини Сомонийлар ноиби сифатида бошқаради. Бу вақтга келиб Сомонийлар сулоласи инқирозга юз тутган бўлиб, Сабуктегин расман ноиб бўлсада, аслида ўзини мустақил ҳокимдек тута бошлайди. Шижоаткор саркарда Сабуктегин айнан Сомонийлар амири Нух II (976-997 й.) душманларига қарши курашда ёрдам бериб, «Носириддин ад-давла» (Давлат ва дин ҳимоячиси), ўғли Маҳмуд эса «Сайф ад-Давла» (Давлат шамшири) деган шарафли номларга сазовор бўлишади.

Султон Маҳмуд Ғазнавийлар давлатининг устуни эди. Унинг вафотидан сўнг ўғли Масъуд (1030-1041 й.) шуҳрат поғонасини салжуқийларга топширишга мажбур бўлди. Масъуд ҳукмронлиги даврида салжуқийлар таъсири кучая борди. Аввал 1038 йили Сарахс яқинида бўлган жангда султон Масъуд ғалаба қозонган эди. Салжуқийлар бундан тегишли хулоса чиқариб, ўз ҳарбий тайёргарликларини кучайтирдилар. 1040 йил майида бўлиб ўтган Данданақон жангидан сўнг Хуросон салжуқийлар ҳукмига ўтади. Султон Масъуд мағлуб бўлиб Ғазнага чекинди. Бу эса ғазнавийлар орасида норозилик ва фитнага сабаб бўлди. Масъуднинг укаси Муҳаммад тахтни эгаллаб, 1041 йил январида Масъудни қатл эттиради. Ўзи эса бор-йўғи 3 ой ҳокимиятни эгаллаб турди. 1041 йил апрелидаги жангдан сўнг Масъуднинг ўғли Мавдуд тахтни эгаллади. Султон Мавдуднинг (1041-1049 йй.) Ғазнавийлар шуҳратини қайтариш учун олиб борган саъй-ҳаракатлари деярли бесамар тугади. Тез орада Ғазнавийлар давлати қўли остида шарқий Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг бир қисми қолди, холос. Ғурийлар ҳукмдори Ғиёсиддин Муҳаммад 1186 йили охириги султон Хисрав Маликни Панжобда ўлдириб, буткул Ғазнавийлар сулоласига хотима беради.

Ғазнавийлар Ўрта Шарқ худудида ягона геосиёсий майдонни бирлаштиришга муваффақ бўлдилар, шунингдек улар ҳукмронлиги даврида маънавий ҳаётга таҳдид солувчи кучларга нисбатан чек қўйилди, илм-фан, адабиёт, шаҳарсозлик қурилишида маълум тараққиёт юз берди.

Маҳмуд Ғазнавий X аср биринчи чорагида мусулмон шарқи сиёсат майдонида катта ўрин тутган буюк саркарда ва йирик давлат арбоби сифатида тарихда ном қолдирди. Ҳар бир тарихий шахс каби унинг фаолияти ҳам зиддиятли ва қарама-қаршиликлардан холи бўлмаган. Айниқса, бу ҳол унинг бутун ҳукмронлик даврининг асосий моҳиятини ташкил этган.

Ғазнавийлар давлатида бошқарув тизими Сомонийлар, Қорахонийлар давридаги бошқарувга яқин бўлган. Бошқарув тизимининг марказида даргоҳ ва девонлар (вазирликлар) турган. Даргоҳда ҳожиблик хизмати алоҳида эътиборга сазовор бўлган. Ҳожибликнинг бу даврда тарихчи Байҳақий таъкидлаган

қуйидаги шакллари бўлган: улуғ ҳожиб, сарой ҳожиби, навбатчи ҳожиб, ҳожиб-жомадор. Улуғ ҳожиб нафақат ҳожиблар орасида, балки бутун мамлакат ҳаётида катта мавқега эга бўлган. Масалан, Маҳмуд Ғазнавийдан сўнг бевосита ҳокимият ишларини қўлга олган улуғ ҳожиб Али Қариб исмли шахс бўлган. Расмий маросимлар, турли тадбирларда улуғ ҳожиб ҳукмдорга энг яқин жойда турган. Жангларда ҳам унга қўшиннинг энг салмоқли ва масъулиятли қисмига бошчилик қилиш вазифаси юклатилган. Масалан, ҳукмдор марказий, сипоҳсолор ўнг қанот, улуғ ҳожиб эса чап қанотига бошчилик қилган.

Даргоҳ фаолиятида сипоҳдор (сарой хизматчиси), даводдор (ҳукмдор шахсий ҳужжатлари билан боғлиқ ишларга бош), пардадор (махфий хизматларни бажарувчи), мартабадор (ўрта даражадаги амалдор), фаррош (кичик хизматчи), хазиначи, жомахона (кийим-кечак сақловчи хона) бошлиғи каби мансаб ва хизматларнинг ҳам ўз ўрни бўлган. Девонлар (вазирликлар) табиийки, ижроия идоралари бўлиб, уларнинг манбаларда бештасининг номи келтирилади: вазир девони, яъни бош вазир девони, ҳарбий ишлар девони, дипломатик ва бошқа расмий тадбирлар, ҳужжатлар девони, молия девони, хат-хабар (почта) девони. Шунингдек, мушрифлик (давлат назорати), муҳтасиблик хизматлари ҳам бўлган. Вилоят бошлиғини волий деб аташган, у ҳукмдор томонидан тайинланар эди. Вилоятдаги ижроия бошқарув ишларини амид олиб борган. Шаҳар бошлиғини эса раис деб аташган. Шаҳар микёсида шихна, қутвол (қалъа комендант), соҳиби девон (маъмурий бошқарувчи) каби амалдорлар ҳам фаолият юритишган.

Ғазнавийлар, хусусан Маҳмуд Ғазнавий даврида кучли қўшин юзага келган. Бош қўмондон-сипоҳсолор мансабига сулоланинг энг ишончли кишиси тайин этилган. Масалан, Маҳмуд Ғазнавий даврида бу мансабга Муҳаммад Юсуф тайин этилган. Юқори ҳарбий лашкарбошилар сарҳанг дейилиб, улар хайл (бир неча ўн отлик)ларга бошчилик қилишган. Ҳарбийлар ўз қозилик, хат-хабар хизматларига эга бўлганлар. Даргоҳда шахсан сараланган кучли гвардия ҳам алоҳида тарзда мавжуд бўлган.

Ғазнавийлар даврида ички ва ташқи савдо-сотик алоқалари анча ривож топди. Шаҳарларда хунармандчилик соҳалари, қурилиш, бинокорлик, ганчкорлик ва бошқалар тараққий этди. Қишлоқ хўжалиги аввал бошидаги инкироздан сўнг яна қаддини рostaб ола бошлади, бозорларда турли маҳсулотлар тури кўпайди ва ҳоказо.

Ғазнавийлар **(977 – 1186 йй.)**

Сабуктегин (977 – 997 йй.)

Исмоил (997 – 998 йй.)

Маҳмуд Ғазнавий (998 – 1030 йй.)

Муҳаммад (1030 йй.)

Масъуд I (1030 – 1041 йй.)

Муҳаммад (1041 йй.)

Мавдуд (1041-1049 йй.)

Али ибн Масъуд ибн Маҳмуд (1049 йй.)

Баҳоуддавла Али (1050 й.)
Абдуррашид (1050 – 1053 йй.)
Фаррухзод ибн Масъуд (1053 – 1059 йй.)
Иброҳим ибн Масъуд (1059 – 1099 йй.)
Масъуд III (1099 – 1115 йй.)
Шерзод (1115 й.)
Арслоншоҳ (1115 – 1119 йй.)
Баҳромшоҳ (1119 – 1153 йй.)
Хисравшоҳ (1153 – 1160 йй.)
Хисрав Малик (1160 – 1186 йй.)

Салжуқийлар тарихи хусусида бир қатор тарихий манбалар мавжуд бўлиб, улар орасида ал-Мовардийнинг “Ал-аҳком ас-султония вал-валоёт ад-диния” (“Султончилик аҳкомлари ва диний бошқарувлар”), Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” Садриддин Али Ҳусайнийнинг “Зубдат ат-таворих”, “Тарихи Саложак” Заҳриддин Нишопурийнинг “Салжуқийнома”, номаълум муаллифнинг “Худуд ул-олам”, Масъудийнинг “Муруж аз-заҳаб”, Абул Фазл Байҳақийнинг “Тарихи Масъудий”, Абу Саид Гардизийнинг “Зайн ул-ахбор”, Ибн ал-Асирнинг “Ал-Комил фит-тарих” асарларини алоҳида таъкидлаш жоиз. XIII аср тарихчилари, шу даврда яшаган давлат арбоблари ал-Бундарий, ар-Равандий, Абул Фараж, ибн Биби, Жувайний ва бошқаларнинг асарлари, эсдаликлари ҳам шу даврни ўрганишда катта аҳамият касб этади.

XX аср тарихшунослигида салжуқийлар масаласи юзасидан А.Лэмбтон, К. Каэн, Г.Хорст, НВ.Кюнер И.Кафас ўғли, С.Лэн-Пуль, К.Босворт, Б.Заходер ва бошқалар тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Салжуқийлар давлати хусусидаги фундаментал асар туркман тарихчиси С.Агаджановга тегишли бўлиб, юқорида кўйилган масала юзасидан муаллиф томонидан эълон қилинган адабиётларда тўлақонли равишда ўз аксини топган.

Салжуқийлар келиб чиқиши бўйича туркий ўғуз қавмига тегишли бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи тарзда ҳаёт кечирар эдилар. Ўғуз қабилалари бир неча уруғларга бўлинган эди. Ушбу уруғлардан бирикчилик уруғи бўлиб, унинг сардори – Салжуқ ибн Дўкак исми киши бўлган. Тарихчилар, хусусан Ибн ал-Асир Салжуқни истеъдодли, ўз фикр-мулоҳазасига эга раҳбар сифатида таърифлаган. Улар маълум сабабларга кўра 925 йили Жанд вилоятига келиб ўрнашиб, сўнгра ислом динини қабул қиладилар. Бу ерда бошқа кўчманчи туркий қавмлар билан турли даражадаги курашлар бўлиб ўтади.

Салжуқнинг Мусо, Юнус, Микоил ва Исроил исми ўғиллари бўлган. Исроил манбаларда Арслон номи билан келтирилади, Довуд эса Чағри номи билан аталади. Тўғрул кейинчалик ўзига Муҳаммад исмини ҳам олган. Тарихий манбаларнинг хабарига кўра Салжуқ Жандда 102 ёшда вафот этиб, ўша ерга дафн этилган. Микоил ҳам ўзаро курашларнинг бирида ҳалок бўлиб, унинг ўғиллари Тўғрул ва Довудлар Бухородан 12 фарсах узоқликдаги ерларга келиб ўрнашдилар. Арслонхон (Исроил) Қорахонийлар хизматида ўтиб катта мавқега эга бўлган, Алптегинга Мовароуннаҳрни олиб беришда ёрдам берган.

Қорахонийларнинг Амударёдан жанубга ўтишларига қарши ҳаракат бошлаган Маҳмуд Ғазнавий салжуқийларнинг куч-қуввати, ҳарбий салоҳиятини гувоҳи бўлди. У салжуқийлардан Арслон ибн Салжуқни ҳам қўлга олди. У 7 йил ҳибсда бўлиб 1032 йили вафот этди. Шундан сўнг салжуқийларга Тўғрул ва Довуд бошчилик қила бошлашди.

Шу воқеадан сўнг Маҳмуд Ғазнавий 1025 йили 4000 оиладан иборат салжуқийларга Амударёдан келиб ўтиб, Сарахс, Фарова, Обивард атрофларидаги ерларга келиб ўрнашишга рухсат берди. Салжуқийларнинг бир қисми Исфаҳон ва Кирмонга кетишлари маълум зиддиятларни келтириб чиқарди. 1029 йили Маҳмуд Ғазнавий уларга қарши кураш олиб борди. Салжуқийлар аввал Маҳмуд Ғазнавий, сўнгра унинг ўғли Масъуднинг солиқ сиёсатига қарши чиқа бошладилар. Бу пайтда Хоразмда ҳам вазият кескинлашди. Ғазнавийларга қарам бўлган Олтунтош вафотидан сўнг унинг ўғли Ҳорун ибн Олтунтош Хоразм ҳокими этиб тайинланган эди. Ҳорун қорахонийлар билан тил бириктирган ҳолда, 1030 йили Хуросонга юриш қилди. Масъуд Ҳорунни йўқ қилишга муваффақ бўлди ҳамда қорахонийлар билан дипломатик келишувни амалга оширди. 1035 йилга келиб салжуқийларнинг Хуросонда навбатдаги норозилик исёнлари бошланди. Исёнлар оқибатида кўплаб номақбул ишлар, талончилик ҳаракатлари ҳам бўлиб ўтиб, бу ҳақли тарзда оддий аҳоли норозилигига олиб келди. 1038-1039 йилларда Масъуд Ғазнавий Балхдан Сарахс томон қўшин тортиб, салжуқийларнинг ўша ердаги қисмларини тор-мор келтирди. Масъуддан узоқроқда бўлган Тўғрулбек эса Нишопур атрофларини эгаллаб, катта ўлжани қўлга киритди. Салжуқийларнинг Тўғрулбек ва Чағрибек Довуд бошчилигидаги қўшинлари Хуросоннинг турли ҳудудларида ўз мавқеларини оширдилар. 1040 йил баҳорида Сарахс ва Марв оралиғидаги саҳрода жойлашган Данданақон номли кичик қалъа ёнидаги жанг Ғазнавийлар султони Масъуд Ғазнавийнинг (1030-1041) мағлубияти билан тугади.

Таъкидлаш лозимки, Салжуқийлар давлати сингари улкан ҳудудларни ўз ичига олган давлатни ягона марказдан туриб бошқариш осон эмас эди. Шунинг учун ҳам марказдан туриб бошқарувдаги қийинчиликлар, сулола вакилларининг тожу-тахт учун курашлари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилишлари, қарам ўлкалардаги норозилик ҳаракатлари Салжуқийлар давлатининг заифлашувига сабаб бўлган эди. Натижада Султон Санжар даврига келиб (1118-1157) Салжуқийлар давлатининг ғарбий Ироқ қисмида унинг таъсири пасайиб кетди. Мамлакатнинг шарқий қисми – Эрон, Афғонистон, Хоразм ва Мовароуннаҳрда султоннинг таъсири бирмунча кучли эди. Аммо, 1141 йилда Султон Санжар ва унинг вассали ҳамда иттифоқчиси, қорахоний Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинлари билан қорахитойлар ўртасида Самарқанд яқинидаги Қатвон чўлидаги жангда Султон Санжар қўшинлари мағлубиятга учрайди. Натижада Мовароуннаҳр қўлдан кетиб, султоннинг мавқеи анча пасайиб кетади.

Салжуқийларнинг мағлубиятидан хоразмшоҳ Қутбиддин Муҳаммад Отсиз усталик билан фойдаланиб, 1141 йилнинг қишида салжуқийларнинг пойтахти Марвни босиб олди ва 1142 йилда Нишопурга юриш қилди. Лекин,

Султон Санжар Хоразм қўшинларини Хуросондан қувиб чиқарди ва Отсизни яна ўзига бўйсундиришга эришди. Султон Санжарнинг ҳаракатларига қарамай, Салжуқийлар давлати ўзининг аввалги қудратини йўқота бошлаган эди. Салжуқийларга ҳал қилувчи зарбани Балх ва Хутталон вилоятларида яшовчи ўғуз қабилалари берди. 1153 йилда улар Султон Санжар қўшинларини тор-мор этиб, унинг ўзини асир олдилар. Ўғузлар ҳимоясиз қолган Марв ва Нишопур шаҳарларни талон-тарож қилиб, уларга ўт қўйдилар. Султон Санжар 1156 йилда асирликдан қутулишга муваффақ бўлса ҳам, лекин Салжуқийлар давлатини қайта тиклай олмади. У бир йилдан сўнг вафот этди. Султон Санжар вафоти билан (1157 й.) салжуқийларнинг Ўрта Осиёдаги ҳукмронлиги ўз поёнига етди.

Салжуқийлар ҳукмронлиги у ёки бу даражада 1157 йилдан – 1194 йилгача фақат Ғарбий Эрон ва Ироқда сақланиб қолинди. Салжуқийлар давлат бошқаруви ўзига хос эди. Давлат бошлиғи, олий ҳукмдор салжуқийлар хонадони вакили бўлиб султон ул-аъзам унвонига эга бўлган. Илгариги сулолаларда бўлган каби, султон номига хутба ўқилиб, тангалар зарб этилган. Мол-мулк, ер-сув тақсимлаш давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат қирим-чиқимларини назорат қилиб туриш, амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиш, янги қалъалар, шаҳарлар, ҳашаматли иншоотлар қуришга бошчилик қилиш кабилар султоннинг зиммасида бўлган.

Салжуқийлар бошқарув тизимида бош вазир алоҳида мавқега эга бўлган. Манбаларда бош вазир-раис ур-руасо (раисларнинг бошлиғи), саййид ур-руасо (бошлиқларнинг каттаси) деб аталиб, у барча девонлар фаолиятига раҳбарлик қилган ҳолда хазина, молия, солиқ, давлатга тегишли бўлган ишлаб чиқариш муассасалари ишларини назорат қилган.

Салжуқийлар бошқарув тизими даргоҳ ва девонга бўлинган бўлиб даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазифалар қуйидагилар эди:

Улуғ ҳожиб – олий ҳукмдорнинг энг яқин кишиси, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи, расмий қабулларни уюштирувчи амалдор;

Амири ҳорис – олий ҳукмдор чиқарган жазолар ҳукмларини ижро этиш билан шуғулланувчи амалдор;

Салоҳдор – саройдаги курол-аслаҳа, айниқса олий ҳукмдорга тегишли нарсаларни сақлаш билан шуғулланувчи амалдор;

Хос вакил – даргоҳ ишларини бошқарувчи амалдор;

Жангдор – султон ва даргоҳ хавфсизлигини таъминловчи амалдор. Ундан ташқари олий ҳукмдор ҳузуридаги даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, чошнигир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мироҳўр, таштдор каби амалдорлар ҳам хизматда бўлган.

Салжуқийлар давлат бошқарувидаги девонлар сулолавий ва расмий девонларга бўлинган. Сулолавий девонлар олий ҳукмдор хонадони фаолияти билан боғлиқ бўлиб, бу хонадонга тегишли бўлган мол-мулк, ер-сув, хазина кабиларнинг бошқаруви ва ҳисоб-китоби билан шуғулланган. Расмий девонлар қўйидагилар бўлган:

Девони туғро – бу девон олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари,

расмий ёзишмалари ва ҳужжатларини тайёрлаб, уларни муҳр бостиришга тақдим этган. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш ҳам шу девоннинг вазифаси эди;

Девони истифо (молия девони) – давлат кирим-чиқимларини, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алоҳида рўйхатга олиш билан шуғулланган. Бу девоннинг хизматчилари даргоҳ кирим-чиқимлари, хазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қарамоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа миқдори кабиларни ҳам назорат қилганлар;

Девони ишроф (давлат назорати) – молия-солиқ ишларини назорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар, қимматбаҳо молия қоғозлари, зарбхоналар, амалдаги муҳрлар, бозор мутасаддилари, солиқчилар, қишлоқ оқсоқоллари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб борган;

Девони арз (ҳарбий вазирлик) – лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот, ҳарбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, ҳарбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва ҳажми, от-улов, ҳарбий юришлар пайтидаги таъминот, ҳарбийлар кўригини ташкил этиш каби вазифаларни бажарган.

Салжуқийлар ҳокимиятида, айниқса Султон Санжар ҳукмронлиги даврида ҳокимиятда ҳарбий саркардалар катта ўрин эгаллаганлар. Ҳарбий бошлиқлар ва саркардаларнинг кўпчилиги турли уруғ ва қабилалардан (ўғуз, туркман, халаж, чигил ва бошқ.) чиққан кишилардан бўлган. Ҳарбий саркардалар табақаси ўз таъсирини Султон Санжар бошқараётган ҳокимиятга ўтказиб, уларнинг ихтиёри билан иш тутишни талаб қилганлар. Ҳарбий саркардаларнинг мавқеи Султон Санжарнинг Қатвон чўлидаги мағлубиятидан сўнг янада кучайиб кетган эди.

Салжуқийлар даври маҳаллий бошқарув тизимида вилоят бошлиқлари (волийлар) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Волийларни олий ҳукмдор тайинлаган ва мансабидан олган. Волийлар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар. Молия, солиқ, суд, ҳарбий ишлар, жазо идоралари волийлар назорати остида фаолият кўрсатган. Туманлар ва шаҳарлар миқёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники сингари бўлган.

Салжуқийлар **(1040 – 1157 йй.)**

Тўғрулбек (1040 – 1063 йй.)

Алп Арслон (1063 – 1072 йй.)

Жалолоддин Маликшоҳ I (1072 – 1092 йй.)

Маҳмуд I (1092 – 1094 йй.)

Рукниддин Беркиёруқ (1094 – 1104 йй.)

Маликшоҳ II (1104 – 1105 йй.)

Ғиёсиддин Муҳаммад (1105 – 1118 йй.)

Муизиддин Санжар (Султон Санжар) – (1118-1157 йй.)

4.6. Хоразмшоҳ - ануштегинийлар давлати.

Ташкил топиши, худуди. Хоразмда 305-йилдан бошлаб ҳукмронлик қилган африғийлар сулоласини тугатиб (996 йил) Хоразм пойтахтини Қатдан Урганчга кўчиртирган Маъмун ибн Муҳаммад (995-997) маъмунийлар сулоласига асос солди. Бу сулола 1017 йилда Маҳмуд Ғазнавий кўшинлари томонидан тугатилгач, Хоразм XI асрнинг ўрталаригача ғазнавийлар давлати таркибида бўлиб келди. Салжуқийлар давлатининг ташкил топиши ва кучайиши натижасида Хоразм воҳаси ҳам ғазнавийларнинг кўплаб худудлари сингари Салжуқийларга тобеъ бўлиб қолди ва XII асрнинг ўрталаригача, яъни салжуқийлар Хуросон ва Эронда сиёсий ҳокимиятдан маҳрум бўлгунга қадарда бу давлати таркибида бўлди.

1076 йилда салжуқий ҳукмдор Маликшоҳ (1072-1092) ўз таштдори Ануштакинни Хоразмга ҳоким этиб тайинлаган эди. Ануштакиннинг набираси Отсиз (1127-1156) Хоразмни мустақил давлатга айлантириш учун қаттиқ кураш олиб борган бўлса-да, фақатгина сўнги буюк салжуқий ҳукмдор Султон Санжар (1118-1157) вафотидан кейин Хоразм мустақил давлатга айланди.

Эларслон (1156-1177), Такаш (1172-1200) ҳукмронлиги даврида Хоразм анча кучайди. Хуросон, Эрон, Ироқ ва Кичик Осиёнинг катта қисми Хоразмга бўйсундирилди. Султон Муҳаммад (1200-1221) XIII аср бошларида Мовароуннаҳрни ҳам қўлга киритиб, қорахонийлар сулоласига бутунлай барҳам берди.

Хоразмшоҳ ануштакинийлар давлати 1219-1221 йилларда мўғулларнинг Мовароуннаҳрга уюштирилган ҳарбий истилолари туфайли тугатилди. Машҳур турк саркардалари – Хўжанд ҳокими Темур Малик ва ануштегинийлар тахти меросхўри Султон Жалолиддин Мангуберди мўғулларга қарши кураш олиб борган бўлсалар-да, хоразмшоҳлар давлатини сақлаб қола олмадилар.

Давлат бошқаруви. Хоразмшоҳлар давлатида мутлақ ҳокимият давлат бошлиғига, яъни Хоразмшоҳга тегишли эди. Сарой даргоҳида асосан Хоразмшоҳнинг ҳукмдор сифатидаги фаолиятига ёрдам берувчи қуйидаги амалдорлар тўпланганлигини кўриш мумкин:

-ҳожиб ул-кабир - ҳукмдор шахси билан боғлиқ масалалар, маросимларнинг назорати билан алоқадор ишларга жавобгар эди. Улар султоннинг энг зарур топшириқларини бажаришган ҳамда ҳукмдорга доимий равишда ҳамроҳлик қилганлар. Улар вазирлик девонининг дафтарлари, ундаги ёзувлар, архивлар, молия соҳасидаги китоблар ва амалдорларнинг ҳатти-ҳаракатини назорат қилган. Ҳожиб ул-кабир билан бир қаторда ҳожиб ул-хос ҳам тилга олинади;

-устоздор – барча хўжалик ишлари: отхона, ошхона, новвой, сарой хизматкорлари устидан идора ишларини амалга оширадиган сарой аъёни. У бундан ташқари, саройнинг барча чиқимлари назоратини амалга ошириб, мамлакат хазинаси ҳисобидан новвой, ошпаз, отбоқар ва бошқаларга маош белгилар, сарой ишлари ҳамда юмушларига сарфлар эди. Бу амалдор хазинадан чиқадиган сарф-харажатлар учун шоҳга ҳисобот бериб турган.

-амири-охур ёки мирохур – отхона бошлиғи лавозими бўлиб, бу амалдор султонга қарашли миниб юриладиган отларга эгалик қилган.

Меросхўрлар ҳарбий юришларда фаол иштирок этганлар;

-амири-шикор – султоннинг ов ишларини ташкил қилувчи амалдор;

-таштдор – султоннинг ювиниши учун зарур бўлган ашё ва нарсаларни сақловчи шахс. Унинг қўл остида ғуломлари бўлган. Деярли барча султонларнинг айрим яширин амаллари борлиги учун ҳам таштдор ҳукмдорга энг яқин киши ҳисобланар эди. Хоразмшоҳлар давлатида таштдорлар малик унвонига ҳам эга бўлишган. Айримлари ҳатто ўн минг аскарларга бошчилик қилиб, ҳарбий юришларда қатнашганлар.

Юқорида қайд қилинганларидан ташқари шаробдор (султон шаробхонасининг бошлиғи), қиссадор, чошнигир (у кўп ҳолларда баковул, яъни султонга узлатилажак таомни синаб кўрувчи амалдор бўлган), даводдор (султоннинг котиби), фарош ва бошқа кичик сарой мулозимлари ҳам бор эди.

Марказий давлат бошқаруви “ал-мажлис ул-олий ал-фаҳри ат-тожи” деб номланган бўлиб, унга вазир раислик қилган. Вазир Хоразмшоҳга бевосита буйсунар ва ҳукмдорнинг бош маслаҳатчиси эди. Вазирнинг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлган: асхоб ад-давовин, яъни девон амалдорларининг бошлиғи сифатида кишиларни юқори мансабга тайинлаш ва бўшатиш, давлат амалдорларига нафақа (арзак) белгилаш, давлат амалдорларининг таъминотини амалга ошириш, солиқ ва хазинани назорат қилиш, ҳукмдорни халқаро алоқалар, расмий маросимларда расмий равишда таништириш ҳамда раият билан муносабатларида воситачилик қилиш, ҳукмдорга мунтазам ҳамкорлик қилиш, баъзи пайтларда қўшинга бошчилик қилиш ва бошқалар.

Вазирлар садр, дастур, хожайи бузург сингари унвонларга эга бўлиб, турк, араб ҳамда форс тилини билиши, маъмурий ишдаги қобилиятлар, сарой одоби сингари билимларга эга бўлишлиги шарт бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг вазирлари асосан Хоразм, Бухоро, Нишопур, Исфохон, Балх Хиротдан чиққан шахслар бўлган. Хоразм давлатига қарашли вилоятларнинг маъмурий бошқарувида ҳам вазирлар бўлган. Баъзан шаҳарларга ҳам вазирлар тайинланган бўлиб, улар ўша жойда маҳаллий бошқарувни амалга оширувчи ягона ҳоким ҳисобланар эдилар.

Хоразмшоҳлар давлати маъмурий жиҳатдан вилоятларга бўлинган бўлиб, вилоятлар Хоразмшоҳлар томонидан тайинланадиган амалдорлар томонидан бошқарилган. Маҳаллий бошқарувида улардан ташқари шихна - қишлоқ ва музофот ҳокими, мутасарруф – молия ва хирож ишлари маъмурлари, мироб – сув тақсимоти билан шуғулланувчи, омил – хирож йиғувчи амалдорлар ва бошқа мансаб ва лавозимлар эгалари ҳам катта ўрин тутганлар.

4.7. Чигатой улуси.

Мўғулистон, Хитой ва Шарқий Туркистонни эгаллаб янги давлатга асос солган Чингизхон 1219-1221 йилларда Хоразмшоҳлар давлати ҳудудларини ҳам эгаллаб, улкан империяга асос солди. Чингизхон хижрий 624 йилда (милодий 1227 йил) 73 ёшида вафот этади. Абулғози Баҳодирхон ўзининг машҳур “Шажараи турк” асарида Чингизхоннинг тўнғиз йилида туғилганини, тўнғиз

йилида хон бўлганини ва тўнғиз йилида вафот этганини катта ажабланиш билан ёзиб қолдиради. Чингизхон ўлимидан олдин ўғиллари Ўқтой, Чигатой, Тўлихон ва Жўжихоннинг фарзандларини (Чингизхоннинг катта ўғли Жўжихон отасидан олти ой олдин ов пайтида сирли равишда вафот этган эди) хузурига чорлаб, босиб олган ҳудудларини уларга тақсимлаб берган эди. Уйғурлар ўлкаси ва Олтойнинг жанубий қисмидан Амсударё соҳилларигача бўлган ҳудудлар унинг иккинчи ўғли Чигатойга берилган бўлиб, бу ҳудуд мўғуллар ҳукмронлиги даврида Чигатой улуси деб аталарди.

Ҳарбий-сиёсий тузум ва давлат бошқаруви. Мўғуллар асос солган давлат ярим кўчманчи типдаги, асосан ҳарбий тартибларга мувофиқ келган давлат бошқарувига эга сиёсий ташкилот эди. Чингизхон ва унинг авлодлари хон унвони соҳиблари эдилар. Уларнинг қўли остидаги бошқарув тизимида турли унвон, мартаба ва мансаб эгалари бўлган. Бундай амалларнинг аксарияти ҳарбий бошқарув тартибларига мос тушарди. Давлат бошқарувида ҳарбий саркардалар ва кўшин бошлиқларининг нуфузи анча салмоқли эди. Фақат улуғ хонга итоат этадиган махсус ҳарбий бўлинма - манбаларда кешик номи билан аталувчи ҳарбий қисм мавжуд бўлиб, ундан ўта фавқулодда ҳолатларда фойдаланилган. Йирик ҳарбий бўлинма бошида нўёнлар, баҳодирлар ва мерганлар турган. Ўн минг аскардан иборат туманга хоннинг фарзандлари ҳам бошчилик қилишган. Туманлар ўз навбатида минглик, юзлик, ўнликларга бўлинган ва ҳар бир бўғинда ҳарбий бошлиқлар: мингбоши, юзбоши ва ўнбошилар турган. Чингизхон кўшинининг асосий қисми турли туркий қабилалардан тузилган бўлиб, каттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган бу кўшин ўз даврининг ҳақиқатдан ҳам қудратли жанговар армияси саналарди.

Мовароуннаҳр ва Еттисув мўғуллар даврида Чигатой улуси таркибига, Хоразмнинг ғарбий қисми Олтин Ўрда давлати, қолган қисми Чигатой улуси таркибига киритилган эди. Чигатой улуси Еттисувдаги Или дарёси бўйидаги Олмалиқ шаҳридан туриб бошқариларди. Мўғуллар кўчманчи халқ бўлганликлари учун давлатни бошқарув ишида анчагина нўноқ эдилар. Шунинг учун ҳам улар босиб олинган ҳудудларни бошқаришда ўзлари томонидан тайинланган ноиблар ёрдамига муҳтож эдилар. Чигатой улуси даврида Мовароуннаҳрни бошқариш ишлари маҳаллий ҳукмдорларга, маҳаллий бой зодагонлар қатламига топширилган эди. XIV асрда Мовароуннаҳрни хоразмлик йирик савдогар Маҳмуд Ялавоч (1226-1238) ва унинг ўғли Масъудбек (1238-1289) хон ноиб сифатида бошқариб келдилар. Мовароуннаҳрда жуда катта ҳуқуқга эга бўлган Маҳмуд Ялавоч ва Масъудбекнинг қароргоҳи Хўжанд шаҳрида эди. Ноибнинг асосий вазифаси белгиланган солиқларни йиғиш ва улуғ хон қароргоҳига етказиш, аҳолини итоатда сақлаб туриш ҳисобланарди. Ноиблар Хўжанддан туриб ўз қўли остидаги мўғул ҳарбий бўлинмалари ёрдамида давлатни бошқарган, солиқларни йиққанлар. Бухорода эса маҳаллий зодагонлар ва руҳоний раҳбарлар мамлакатда бошқарувни ўз қўлларига олган эдилар. Булар маҳаллий амирлар ва садрлар ҳисобланган.

Мовароуннаҳрни деярли мустақил бошқарган Маҳмуд Ялавоч 1338 йилдаги Маҳмуд Торобий бошчилигидаги мўғулларга қарши кўтарилган халқ ҳаракати туфайли ўз вазифасидан бўшатилади. Лекин Чингизхонга ва кейинги

мўғул хонларига кўрсатган хизматлари ҳисобга олиниб, Хонбалиқ (Пекин) шаҳрига губернатор қилиб тайинланади. У бу лавозимда то умрининг охиригача (1254) тургани маълум. Мавороуннаҳрга ноиб этиб тайинланган Масъудбек эса отаси сиёсатини давом эттириб, мўғулларга содиқ хизмат қилди.

Мўғуллар даврида махсус ҳужжат-пайзаларга эга бўлган кишилар ҳам маҳаллий бошқарувда катта нуфузга эга бўлганлар. Бундай алоҳида ёрлиқларга эга хон хонадони вакиллари, турли даражадаги амалдорлар, савдогарлар ва руҳонийлар қиёфасидаги айғоқчилар жойларга сафар қилганда маҳаллий аҳоли уларни турар жой ҳамда озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаш каби ҳаражатларни қоплаши шарт эди.

Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. Мўғул истилоси Марказий Осиё хўжалигига ҳам катта зарар етказди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг ўзбошимчалиги туфайли белгилаб қўйилган турли тўловлар ва солиқларнинг бир неча марта оширилиши халқнинг аҳволини чидаб бўлмас даражага етказди. Ўзбошимчалик ва зўравонлик, хавфсизликка қарши ҳеч қандай қафолат берилмагани омон қолган шаҳар ва қишлоқ аҳолисида хўжаликни ривожлантиришга бўлган иштиёқни бутунлай сўндирган эди. Шунинг учун ҳам мўғул босқинидан кейинги дастлабки ўн йилликлар даврида Марказий Осиёда иқтисодий, ижтимоий аҳвол янада ёмонлашиб борди. Натижада XIII асрнинг 30-йилларидан бошлаб деҳқончилик воҳалари аҳолиси ва шаҳар хунармандлари орасида мўғуллар зулмига қарши кураш кучая бошлади. Бундай ҳаракатлар Бухорода айниқса кучли эди. 1238 йилда Бухоро яқинидаги Тороб қишлоғида кўтарилган қўзғолонга тороблик хунарманд (элак созловчи) Махмуд Торобий бошчилик қилди. Лекин қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди.

XIII асрнинг иккинчи ярмига келиб мўғул ҳукмрон доиралари ўртасида бой маданий вилоятлардан фойдаланиш масаласида икки хил муносабат пайдо бўлади. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим ҳоқонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши эдилар. Маҳаллий зодагонлар, руҳонийлар ва савдогарларнинг асосий қисми ҳамда баъзи бир хонлар ўтроқ ҳаётга ўтиш учун кураш олиб бориб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилар эдилар.

Бундай сиёсат тарафдорларидан бири Мўғулистоннинг улуғ ҳоқони Мункехон ва Чигатой улуси ноиб Масъудбек эди. Айниқса, Мункехоннинг қонунлаштирилган чора-тадбирлари чекланмаган солиқ ва йиғимларни тартибга солиб аҳолини ўзбошимчалик билан йиғиб олинadиган солиқлардан озод этди, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига имконият яратди. Бунинг натижасида XIII асрнинг 70-80 йилларига келиб Мовароуннаҳрда аста-секинлик билан шаҳар ҳаёти, хунармандчилик ва савдо муносабатлари жонлана бошланди.

1271 йилда Масъудбек пул ислоҳоти ўтказди. Бу ислоҳот Мовароуннаҳр шаҳарларининг ички ҳаётини, айниқса пул муносабатларининг тикланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Масъудбек Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тароз, Ўтроқ, Хўжанд, Нахшаб каби кўпгина шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангалар зарб эттириб, уларни бутун мамлакат бўйлаб

муомалага чиқарди. Бу ҳол ички савдо ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, аҳолининг кумуш тангаларга ишончи мустаҳкамланди, танга нуфузи ортиб борди. Бу савдо-сотик ва умуман иқтисодий ривожланишга бирмунча таъсир кўрсатди.

Чигатой улуси XIV аср бошларига келиб амалда икки қисмга бўлиниб кетади. Кебекхон хукмронлиги (1318-1326) даврида улуснинг марказий бошқаруви Еттисувдан бутунлай Мовароуннаҳрга кўчирилди. Кебекхон мўғуллар истилоси туфайли ташлаб кетилган ва вайронага айланган Насаф шаҳридан икки фарсах узоқликда ўзига янги сарой барпо эттирди. Унинг атрофида ҳозирги Қарши шаҳри шаклланди. Кебекхон ўзининг кўп тармоқли ислохотларини ушбу шаҳарда туриб амалга оширди. Ўтказилган ҳарбий-маъмурий ислохотлар натижасида Чигатой улуси туманларга бўлиб чиқилди. Бу маъмурий бирликлар кейинги тарихий даврларда ҳам сақланиб келинди. Кебекхон ўтказган пул ислохоти натижасида бутун мамлакатда бир хил вазнга эга бўлган кумуш тангалар зарб этилди ва муомалага киритилди. Соф кумушдан ясалган бу тангалар Чигатой улусидаги иқтисодий аҳволни, молия тизимини маълум вақт яхшилашга хизмат қилди. Кебекхон зарб қилдирган кумуш тангалар Олтин Ўрда давлати орқали рус князликларига ҳам кириб борган бўлиб, Россияда “Копеек” атамаси ҳозиргача майда танга пулларга нисбатан ишлатилиб келинмоқда.

Чигатой улусида аҳолидан кўплаб тўловлар ва солиқлар йиғиб олинар, турли мажбурий меҳнатга жалб қилинар эди. Деҳқонлардан умумий ҳосилнинг ўн фоизини ташкил этган ер солиғи (хирож), чорвадорлардан юз бош молдан бир бош ҳисобида кўпчур ва шуле солиғи, ҳунарманд ва савдогорлардан ишлаб чиқарилган ва сотилган молнинг ўттиздан бир улуши ҳажмида тарғу солиғи олинган. Мунка қоон номида пул зарб этилгач, 1270 йилдан солиқ ва жарималар пул билан олина бошлаган. Йирик мулкдорлар, савдогарлар, ислом пешволари мўғуллар билан яқинлашиб, катта имтиёзларни қўлга киритган, турли тўлов ва солиқлардан озод қилувчи ҳар хил ёрликлар олган эдилар.

Умуман олганда, мўғуллар хукмронлиги даври Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётида кескин инқироз даври ҳисобланади. XIII асрнинг 70-80 йилларига келибгина, Мовароуннаҳрда вайрон бўлган шаҳарлар тикланиб, деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик жонланди. XIV асрнинг ўрталарига келиб, Мовароуннаҳрда ҳокимиятни яна туркий амирлар ўз қўлларига олдилар. Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши билан Ўрта Осиёда мўғуллар хукмронлигига бутунлай барҳам берилди.

Назорат учун саволлар

1. Кидарийлар, хионийлар ва эфталийларнинг сиёсий ҳамда этник тарихи ҳақида сўзлаб беринг.
2. Эфталийларнинг ижтимоий-иқтисодий тарихи ҳақида нималарни биласиз?
3. Эфталийлар даври маданий ҳаёт ҳақида маълумот беринг.

4. Турк ҳоқонлигининг сиёсий тарихини сўзлаб беринг.
5. Ғарбий Турк ҳоқонлиги ҳақида нималарни биласиз?
6. Турк ҳоқонлигидаги давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
7. Сомонийлар давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
8. Қорахонийлар давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.
9. Хоразмшоҳ-Ануштегинлар давлат бошқаруви ҳақида гапириб беринг.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот.

Амир Темур ва темурийлар даврида Моварауннахр ва Хуросонда давлатчилик ривож.

1. Амир Темур томонидан марказлашган давлат ва буюк салтанатнинг ташкил этилиши.
2. Амир Темур даврида ҳарбий иш. Ҳарбий санъатнинг тараққий этиши..
3. “Темур тузуклари” – давлат бошқарув ишидаги муҳим манба сифатида.
4. Амир Темур дипломатияси.
5. Амир Темур вафотидан кейин сиёсий ҳолат. Шоҳруҳ ва Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида темурийлар давлати.
6. Марказлашган давлатнинг парчаланиши.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдураимов М. Темур ва Тўхтамишхон. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2000.
2. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. - Тошкент: Шарқ, 2000.
3. Амир Темур ўғитлари. - Тошкент: Наврўз, 1992.
4. Амир Темур жаҳон тарихида. - Тошкент: Шарқ, 1996.
5. Аҳмедов Б. Соҳибқирон Темур.- Тошкент, 1996.
6. Бўриев О. Амир Темур давлатида бошқарув тизими. – Тошкент, 2016
7. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ал-вақоъе. – Тошкент, 1979.
8. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. Араб тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Убайдулла Уватов. - Тошкент: Меҳнат, 1992.
9. ИвановМ. Икки буюк саркарда.Чингизхон ва Амир Темур. - Тошкент: Хазина, 1994.
10. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний.– Тошкент: O'zbekiston, 2011.
11. Муҳаммадҷонон А. Амир Темур ва Темурийлар даври. -Тошкент: Фан, 1996.
12. Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
13. Одилов А.А. Амир Темур тузуклари – давлат бошқаруви асоси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Fan va tehnologiya, 2016.
14. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги(1403-1406 йиллар)- Тошкент:Ўзбекистон НМИУ, 2010.
15. Темур ва Улуғбек даври тарихи. – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.
16. Темур тузуклари. - Тошкент: Маънавият, 2011.
17. Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. - Тошкент: Шарқ, 1997.

18. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.
19. Ўлжаева Ш. Амир Темур ва Темурийлар даврида миллий давлатчиликнинг ривожланиши. – Тошкент: Фан, 2005.
20. Қадимги Кеш – Шаҳрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарқ, 1998.
21. Қамчибек Кенжа. Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда. – Тошкент: Шарқ, 2014.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

2-амалий машғулот.

Сўнги ўрта асрларда ўзбек хонликлари: маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви масалалари.

1. Бухоро хонлигининг ташкил топиши. Хонликнинг давлат бошқарув тизими.
2. Бухоро хонлигида аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукмронлигининг ўрнатилиши.
3. Бухоро хонлигида ҳокимиятнинг манғит амирлари қўлига ўтиши.
4. Хива хонлигининг ташкил топиши. Хонликнинг давлат бошқаруви тизими.
5. Қўқон хонлигига асос солиниши. Хонликнинг бошқарув тизими.

Адабиётлар рўйхати:

1. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2000.
2. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан (XIX-XX аср бошлари). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006.
3. Зайниддин Васифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Тошкент, 1979.
4. История Узбекистана (XVI– первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв. ред. Алимова Д.А. – Ташкент: Фан, 2012.
5. История Узбекистана (XVI-первая половина XIX в.). Коллектив авторов. Отв. ред. Алимова Д.А. – Ташкент: Фан, 2012.
6. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари. – Наманган, 1994.
7. Мирзо Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008.
8. Муталов О. Хива хонлиги Оллоқулихон даврида. – Тошкент, 2009.

9. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. – Тошкент: Маънавият, 1999.
10. Муҳаммад Солиҳ. Шайбонийнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989.
11. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010.
12. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билад. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009.
13. Ражабов Қ., Очилов Э. Убайдуллахон. Рисола. – Тошкент: Abu Matbuot-konsalt, 2011.
14. Сагдуллаев А., Аминов Б., Якубов Б. Қашқадарё тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997.
15. Султонов Ў.А. Муҳаммад Солиҳхўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
16. Тўраев Ҳ. Бухоро хонлигининг XVI-XVII асрлар ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий ҳаётида жўйбор хожаларини тутган ўрни. – Тошкент, 2007.
17. Холиқова Р. Россия – Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005.
18. Ҳофиз Таниш Бухорий. Абдулланом (Шарофномаи шоҳий). I – китоб, II – китоб. – Тошкент: Шарқ, 1999, 2000.
19. Шодмон Воҳид. Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида унвонлар ва мансаблар. – Тошкент: Ҳамид Сулаймон номидаги кўлёмалар институти, 1996.
20. Эшов Б.Ж. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқаруви тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
21. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. I – жилд. Дарслик. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

3-амалий машғулот.

Туркистонда Россия империяси мустамлака бошқарув тузумининг қарор топиши масалалари.

1. Мустамлакачилик бошқарув тизими, 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақидаги Низом” ва маъмуриятчиликнинг кучайиши.
2. Ҳарбий бошқарув тартиби. Ўлканинг вилоятлар, уездлар, волостлар, участкаларга бўлиб бошқарилиши. Тошкент шаҳар Думаси.
3. Россия империясининг ўлкамизда иқтисодий ҳукмронликни ўрнатиш тадбирлари. Россия саноат ва молия капиталининг ҳукмронлиги.

4. Россия аҳолисини кўчириб келтириш сиёсати.

Адабиётлар рўйхати:

1. Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Тошкент. Академия, 2008. – 240 бет.
2. Бобобеков Ҳ. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996.
3. Бабабеков Х. Н. Англо-русское соперничество в Средней Азии XIX век. – Т., 2006.
4. Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент: Фан ва технология. 2004.
6. Мулла Юнусхон Мунший. Амири лашкар Алимқул тарихи. Алимқул жангномаси. Нашрга тайёрловчилар: Р.Шамсутдинов, П.Равшанов. – Тошкент, 1998.
7. Мусаев Н. Туркистонда саноат ишлаб чиқаришининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан (XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошлари). – Тошкент: Иқтисод-молия, 2011.
8. Мустабид тузумнинг Ўзбекистон бойликларини талаш сиёсати: тарих шохидлиги ва сабоқлари. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Шарқ, 2000.
9. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлакаси даврида). Нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Тошкент: Маънавият, 1999.
10. Одилов А. Абдулмалик тўра бошчилигидаги озодлик ҳаракати тарихи. – Тошкент, 2006.
11. Тиллабоев С. Туркистон ўлкасининг бошқарув тизимида маҳаллий аҳоли вакилларининг иштироки (Фарғона вилояти мисолида). – Тошкент: Фан, 2008.
12. Ўзбекистон тарихи. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Академия, 2010.
13. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Туркистон Россия империяси мустамлакачилиги даврида. Биринчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000.
14. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
15. Shamsutdinov R., Karimov Sh., Ubaydullaev U. Vatan tarixi. (XVI-XX asr boshlari). Ikkinchi kitob. – Toshkent: Sharq, 2010.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

4-амалий машғулот.

Ўзбекистон мустабид совет давлати таркибида

1. Ўрта Осиёда миллий – давлат чегараланишининг ўтказилиши.
2. Ўзбекистон ССР ташкил топиши. Миллий чегараланишнинг салбий оқибатлари.
3. Совет ҳукуматининг Ўзбекистонда турли йиллар мобайнида амалга оширилган қатағон сиёсати.
4. Совет давлатининг сиёсий ва иқтисодий бошқарув тузилмалари. Партиянинг яқка ҳокимлиги.
5. Кадрлар муаммоси, миллий сиёсат ва динга муносабат.
6. Совет давлатининг сиёсий ва иқтисодий инқирозга юз тутиши.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ерметов А. Туркистон АССРда назорат органлари ва уларнинг тоталитар тузум ўрнатилишидаги ўрни (1918-1924 йиллар). Тарих фан. номз. дисс. автореферати.-Т., 2006.
2. Куллиев Х. Складывание экономических и духовных основ тоталитарного строя в Туркестане (1917-1920). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1998.
3. Набиев Ф. Проблемы и противоречие социальной политики в Туркестане (1917-1927гг.). Автореф. дисс. ... докт. ист. наук. -Т., 1995.
4. Озерова Н. Дехканство Туркестана в условиях перехода к нэпу (1921-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1997.
5. Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. Т.: Университет, 2002.
6. Рустамова Г. Колониальная сущность царской и большевистской власти в Туркестане (1867-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1999.
7. Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. Масъул муҳаррир Д.Алимова. –Т.: Шарқ, 2001.
8. Ҳайдаров М. Централизаторская политика Советской власти в Туркестане и ее последствия (1917-1924гг.). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. -Т., 1998.
9. Ҳайдаров И. Ўзбекистонда Иқтисодий Кенгашлар фаолияти (1917-1934 й).-Т.: Абу матбуот-консалт, 2008.
10. Ҳайдаров М.М. Туркистон иқтисодиётида «ҳарбий коммунизм» сиёсати // Ўзбекистон тарихи, 2003. №3, 30-39 бетлар.
11. Эркаев Э.М. Совет даврида Ўзбекистоннинг пахта хом ашё базасига айлантирилиши ва унинг деҳқонлар ҳаётига салбий таъсири (1917-1940 й). Тарих фанлари номзоди...диссертация автореферати. Т., 2011.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.

4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

5-амалий машғулот.

Ўзбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизимининг шаклланиши ва ривожланиб бориши

1. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши. Дастлабки ислохотлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва давлат рамзларининг қабул қилинишининг тарихий аҳамияти.
3. Давлат ҳокимиятининг миллий, ҳуқуқий, демократик асосларининг барпо этилиши.
4. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқларининг шаклланиши.
5. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташкил қилиниши. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг шаклланиши.
6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1991.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги 1993 йил 2 сентябрь Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Ахборотномаси, 1993, № 9, 320-модда.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент, «Шарқ», 1998.
6. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.
7. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 104-б.

8. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.

9. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурағиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

6-амалий машғулот

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли

1. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг эркинлашуви.

2. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида Президентлик институти ўрни ва роли

3. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналиши.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон”, 1997.

2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент, «Шарқ», 1998.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этағиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ, Тошкент, 2016. 56-б.

4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий

яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 104-б.

5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 48-б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган.- Тошкент, Ўзбекистон, 2017. 488-б.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сонли Фармони.

Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz.
2. www.edu.uz.
3. www.google.uz.
4. www.fvat.uz.
5. www.turklib.uz.
6. www.mirknig.ru.

IV. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ўрта Осиё қадимги цивилизациясининг кишилиқ жамияти тарихида, жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти
2. Цивилизация ва давлатчилик тарихи муаммоларини ўрганилиши аҳамияти.
3. Ишлаб чиқарувчи хўжалиқ шакллари ривожланиши асосида илк шаҳарлар ва давлатларнинг вужудга келиши қонуниятлари.
4. Давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назариялар
5. “Авесто”. Сиёсий жараёнлар ва ғоялар. Кучли ҳокимият ғояси.
6. Археологик тадқиқотлар натижаларидан ижтимоий-иқтисодий мавзуларни ёритишда, давлатчилик тарихини ўрганишда фойдаланиш.
7. Мустақиллик йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотларнинг цивилизация ва давлатчилик тарихини ўрганишдаги аҳамияти.
8. Ўтмиш воқеаларини ҳаққоний умумлаштириш, тарихни асл манбаларга таянган ҳолда ёритиш, тарихни ўрганиш борасида ҳаққоний илмий услуб ва тамойилларни қарор топтириш заруратининг аҳамияти.
9. Илк давлатларнинг турлари ва бошқарув шакллари.
10. Аҳамонийлар даврида ҳудудий-маъмурий бошқарув.
11. Салавкийлар даври давлатчилик хусусиятлари.
12. Кушон подшолигида товар-пул муносабатлари.
13. Африғийлар давлати. Ҳудудий-маъмурий тузилиши ва бошқарув.
14. Турк хоқонлиги давлат бошқаруви.
15. Сомонийлар даврида давлат бошқаруви.

16. Қорахонийлар давлати. Худудий-маъмурий тузилиши ва давлат бошқаруви.
17. Хоразмшоҳлар давлати ривожланишининг тарихий хусусиятлари.
18. Ўрта асрлар давлатчилиги тарихининг мустақиллик йилларида ўрганилиши
19. Амир Темур ҳукмронлиги даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши.
20. “Темур тузуклари” - давлат бошқаруви ҳақидаги муҳим тарихий манба.
21. Марказий Осиёда ривожланган ўрта асрлар давлатларида солиқ тизими.
22. Ўзбек хонликларида давлатчилик анъаналари ва уларнинг ривожланиши.
23. Туркистон Муҳторияти: миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси.
24. Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг жорий этилиши.
25. “Мустақиллик Декларацияси” қабул қилинишининг давлатчилик тарихида тутган ўрни
26. Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосида миллий давлат бошқарув тизимининг яратилиши
27. Икки палатали парламентнинг шаклланиши: Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолияти.
28. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси
29. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Қорақалпоғистон давлатчилиги тараққиёти.
30. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар.

V. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Агема	Македониялик Александрнинг махсус отлик қўшини.	Agema is a term to describe a military detachment, used for a special cause, such as guarding high valued targets. Due to its nature the Agema is most probably composed by elite troops.
Анабасис	юнонча давлат ичкарасига денгиздан узоқлашган ҳарбий юриш	Anabasis (from Greek ana - "upward", bainein - "to step or march") is an expedition from a coastline up into the interior of a country.
Анахита	сув, ер ва ҳосилдорлик илоҳаси.	Anahita is the Old Persian form of the name of an Iranian goddess and appears in complete and earlier form as Aredvi Sura Anahita; the Avestan language name of an Indo-Iranian cosmological figure venerated as the divinity of 'the Waters' (Aban) and hence associated with fertility, healing and wisdom.
Антик давр	қадимги дунё тарихи даври.	Antiquity may refer to any period before the Middle Ages (476–1453), but still within Western civilization-based human history or prehistory: Ancient history, any historical period before the Middle Ages Classical antiquity, the classical civilizations of the Mediterranean
Археология	юнонча “архайос” – қадимги, “логос” – фан, қадимшунослик.	Archaeology or archeology, is the study of human activity through the recovery and analysis of material culture. The archaeological record consists of artifacts, architecture, biofacts or ecofacts, and cultural landscapes.
Ахриман	зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва барча ёвузлик худоси.	Angra Mainyu is the Avestan-language name of Zoroastrianism's hypostasis of the "destructive spirit".

		<p>The Middle Persian equivalent is Ahriman. In the Gathas, which are the oldest texts of Zoroastrianism and are attributed to the prophet himself, angra mainyu is not yet a proper name. In the one instance in these hymns where the two words appear together, the concept spoken of is that of a mainyu ("mind", or "spirit" etc.) that is angra ("destructive", "inhibitive", "malign" etc, of which a manifestation can be anger). In this single instance—in Yasna 45.2—the "more bounteous of the spirits twain" declares angra mainyu to be its "absolute antithesis".</p>
Ахурамазда	<p>зардуштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сихат-саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.</p>	<p>Ahura Mazda (also known as Ohrmazd, Ahuramazda, Hourmazd, Hormazd, Harzoo, Lord or simply as spirit) is the Avestan name for the creator and sole God of Zoroastrianism, the old Iranian religion. Ahura Mazda is described as the highest spirit of worship in Zoroastrianism, along with being the first and most frequently invoked spirit in the Yasna. The literal meaning of the word Ahura is "mighty" or "lord" and Mazda is wisdom.</p>
Бож	<p>савдогарлардан олинадиган солиқ.</p>	<p>Tax which is paid by traders</p>
Дехқон	<p>илк ўрта асрларда “қишлоқ ҳокими”, ер эгаси.</p>	<p>Dehkan "landowner" is the designation of the Central Asian peasants. Initially in the Sasanid empire, the dehkans were the well-to-do peasants who had moved out of the community and were leading an independent economy, some of whom later became feudal lords, sometimes village sergeants.</p>
Диадохлар	<p>македониялик Александр давлатини қисмларга бўлиб, ўз қулларига киритган лашкарбошилар, “меросхўрлар”.</p>	<p>The Diadochi (plural of Latin Diadochus, from Greek: "successors") were the rival generals, families and friends of Alexander the Great who fought for control over his empire after his death in 323 BC.</p>

		The Wars of the Diadochi mark the beginning of the Hellenistic period.
Жизья	ислом динига ўтмаганлардан олинадиган жонбоши солиғи.	Jizya or jizyah is a per capitayearly tax historically levied by Islamic states on certain non-Muslim subjects-dhimmis-permanently residing in Muslim lands under Islamic law.
Закот	чорвадан олинадиган солиқ, тўпланган бойликдан даромад солиғи.	Zakat "that which purifies", also Zakat al-mal" zakat on wealth", or "Zakah" is a form of alms-giving treated in Islam as a religious obligation or tax, which, by Quranic ranking, is next after prayer (salat) in importance.
Инновация	янгиликлар, тарихий жараёнда, маданиятда, фанда вужудга келган янги услублар, ихтиролар ва кашфиётлар.	Innovation can be defined simply as a "new idea, device or method". However, innovation is often also viewed as the application of better solutions that meet new requirements, unarticulated needs, or existing market needs. This is accomplished through more-effective products, processes, services, technologies, or business models that are readily available to markets, governments and society. The term "innovation" can be defined as something original and more effective and, as a consequence, new, that "breaks into" the market or society.
Мулки вақф	мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-мулк, ҳайрли ишлар учун ажратилган мол-мулк.	A waqf also known as habous or mortmain property, is an inalienable charitable endowment under Islamic law, which typically involves donating a building, plot of land or other assets for Muslim religious or charitable purposes with no intention of reclaiming the assets
Нумизматика	тангашунослик фани.	Numismatics is the study or collection of currency, including coins, tokens, paper money, and related objects. While numismatists are often characterized as students or collectors of coins, the discipline

		also includes the broader study of money and other payment media used to resolve debts and the exchange of goods.
Ойкумена	юнонлар тасаввурларида инсонлар жойлашган дунё худудларининг чегаралари.	The ecumene (US) or oecumene was an ancient Greek term for the known world, the inhabited world, or the habitable world. Under the Roman Empire, it came to refer to civilization and the secular and religious imperial administration.
Орийлар (арийлар)	бронза даврида Ўрта Осиё, Эрон ва Ҳиндистон худудларига Евросиё даштларидан кириб келган чорвадор қабилалар, бошқа назарияларга кўра, улар Олд Осиёдан келиб чиққанлар.	Aryan is a term meaning "noble" which was used as a self-designation by Indo-Iranian people. The word was used by the Indic people of the Vedic period in India as an ethnic label for themselves, as well as to refer to the noble class and geographic location known as Aryavarta where Indo-Aryan culture was based.
Остадон (оссуарий)	сопол тобутча	An ossuary is a chest, box, building, well, or site made to serve as the final resting place of human skeletal remains. They are frequently used where burial space is scarce. A body is first buried in a temporary grave, then after some years the skeletal remains are removed and placed in an ossuary.
Рабод	шаҳарнинг ташқи қисми, карвонсарой	Rabad is a suburb, a commercial and industrial suburb in the medieval (7th-8th centuries) cities of Central Asia and Southern Kazakhstan, Iran, Afghanistan. Rabad adjoined the shahrastan. Later, around Rabad, walls and ditches were built. From 9-10 centuries the center of economic and political life of the medieval Muslim city
Сатрап	ҳарбий-маъмурий ўлка ҳокими (ахамонийлар ва антик даврда)	Satrap was the governors of the provinces of the ancient Median and Achaemenid Empires and in several of their successors, such as in the Sasanian Empire and the Hellenistic empires.

Суюрғол	олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.	feudal award; Sometimes in medieval texts occurs in the meaning of "gift"
Урбанизация	аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг шаҳарларда тўпланиш жараёни.	Urbanization refers to the population shift from rural to urban areas, "the gradual increase in the proportion of people living in urban areas", and the ways in which each society adapts to the change.
Хронология	асрлар, даврлар, вақт ўлчови ҳақидаги фан, юнонча “хронос” – вақт, “логос” – фан сўзларидан келиб чиққан тушунча	Chronology is the science of arranging events in their order of occurrence in time. Consider, for example, the use of a timeline or sequence of events. It is also "the determination of the actual temporal sequence of past events".
Этногенез	халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.	Ethnogenesis (from Greek "group of people, nation", and <i>genesis</i> , "beginning, coming into being"; plural ethnogeneses) is "the formation and development of an ethnic group." This can originate through a process of self-identification as well as come about as the result of outside identification.
Қўрғон, қўрғонча	атрофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали истехком	A manor house was historically the main residence of the lord of the manor. The house formed the administrative centre of a manor in the European feudal system

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т., Ўзбекистон, 2015.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998.
3. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
5. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
7. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2016.
8. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: “Ўзбекистон”, 2017.
9. History of civilizations of Central Asia. UNESCO publishing. France, 1996.
10. Абдуллаев Ў. Ўрта Осиёда қадимги бошқарув ва илк давлатчилик тарихшунослиги. Т.: Академия, 2009.
11. Авесто / Аскар Махкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 383 б.
12. Авесто. Яшт китоби / М.Исҳоқов таржимаси. Тошкент, 2001.
13. Археология. Учебник. М.: Изд. МГУ. 2006. pdf.
14. Давлат қурилиши ва бошқаруви. –Т.: Академия, 2007.
15. Исомиддинов М. Истоки городской культуры Самаркандского Согда. – Т, 2002.
16. История государственности Узбекистана. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
17. Қадимги давлатчилик ва урбанизация. Тарихий лавҳалар. – Т. 2010.
18. Ртвеладзе Э. Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. Ташкент, 2002.
19. Ртвеладзе Э. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии. – Ташкент: УМЭД, 2005.
20. Ртвеладзе Э., Пидаев Ш., Сагдуллаев А. И др. Выдающиеся памятники археологии Узбекистана. Ташкент: San’at, 2013.
21. Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. – Т.: Адолат, 2001.
22. Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Университет, 2004.
23. Сагдуллаев А., Аминов Б. ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. – Т.: Академия, 2000.
24. Сагдуллаев А., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Академия, 2006.
25. Сарияниди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургоб. –Ашгабад, 2002.

26. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. Проблемы цивилизации Узбекистан VII в до н.э. – VII в н.э. – Ташкент: Фан, 2000.
27. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. – Т.: Шары, 2001.
28. Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2013.
29. Эшов Б. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. Ўқув қўлланма. – Т.: Маърифат, 2009.
30. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. – Т.: Янги аср авлоди, 2012.
31. Эшов Б.Ж. Ўрта Осиёнинг қадимги шаҳарлари тарихи. Дарслик. Тошкент. 2008.